


398

Ўттиз тўртинчи йил чиқиши  
Робиул-аввал 1441ҳ – ноябр 2019м



Кенг кўламли,  
фикрий, сақофий журнал

# Ал-Ваъй

Ал-Ваъй сўзи

Эй мусулмонлар, сизлар Росулulloҳ ﷺнинг  
мавлудлари хотирасини нишонлар экансиз, у  
зотнинг устингизда сизлар адо қилмаган ҳақлари бор



- Исломий Умнатга ҳазорий курашни кескин ҳал этиш ҳамда инсоният азоб-уқубатига якун яшаш вақти келди (2)
- Капитализмнинг аччиқ мевалари (2)
- Халифа Умар ибн Абдулазиз ҳаётидан лавҳалар



398

Ўттиз тўртинчи  
йил чиқиши  
Робиул-аввал 1441ҳ  
Ноябр 2019м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

## Урибу сонда

– *Ал-Ваъй сўзи:* Эй мусулмонлар, сизлар Росулulloҳ ﷺнинг мавлудлари хотирасини нишонлар экансиз, у зотнинг устингизда сизлар адо қилмаган ҳақлари бор.....3

– Исломий Умматга ҳазорий курашни кескин ҳал этиш ҳамда инсоният азоб-уқубатига яқун ясаш вақти келди (2) ..... 13

– Уламолар Уммат сарбонларидир, улар тўғри бўлсалар Уммат тўғри бўлади (2)... 28

– Капитализмнинг аччиқ мевалари (2) ..40

– *Олам мусулмонлари хабарлари* ..... 50

– *Қуръони Карим суҳбатиди* ..... 56

– *Жаннат боғлари* ..... 65

– *Уларнинг ҳидоятларига эргашинг:* Халифа Умар ибн Абдулазиз ҳаётидан лавҳалар ..... 72

– *Сўнги сўз:* «Банкдаги яширин маълумотларни очиш» найранги: Ливан сиёсатчиларининг пуллари чет эл банкларида сақланади ..... 83

– Сурия шимолида сони 80 минг аскардан иборат муҳолафатдаги Сурия қўшини ташкил этилади ..... 84

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

**ЭЙ МУСУЛМОНЛАР, СИЗЛАР РОСУЛУЛЛОХ ﷺ НИНГ  
МАВЛУДЛАРИ ХОТИРАСИНИ НИШОНЛАР ЭКАНСИЗ, У  
ЗОТНИНГ УСТИНГИЗДА СИЗЛАР АДО ҚИЛМАГАН  
ҲАҚЛАРИ БОР**

Мусулмонлар ҳар йили робиул-аввал ойининг ўн иккинчи кунда мавлуди набий хотирасини нишонлайдилар. Шу кунда ўз шодликларини ва суюкли Пайғамбарларига бўлган муҳаббатларини изҳор этиб, ул зотнинг гўзал ахлоқлари, мақтовли сифатларини хотирлайдилар, Пайғамбар ﷺ нинг даъватдаги йўлларини эслаб, ул зот мадҳ этилган нашидалар куйлайдилар, бир-бирларига ширинликлар улашиб, ўша кунни дам олиш кунни қиладилар... Бу хотиранинг илк бошланиши тўғрисида турли гаплар бор. Жумладан, малуди набийни нишонлаш биринчи марта ҳижратнинг олтинчи асрида Фотимийлар давлатида бўлган, деб айтилади. Унга кўра, бу кунни расман байрам қилган Ироқдаги Арбил ҳокими музаффар подшоҳ бўлиб, Пайғамбар ﷺ нинг туғилган кунини катта расмий байрам сифатида нишонлагани айтилади. Шунингдек, мавлуди Набийни илк бор байрам сифатида нишонлаганлар халифа Мустаълий Биллаҳ даврида бўлган, деган гап ҳам бор. Ўшанда Фотимийлар давлатида ҳамма одамларга ширинлик тарқатилгани, камбағал ва мискинларга садақалар берилгани айтилади. Кейинчалик бу кунга эътибор бериш Айюбийлар ва Усманийлар даврида давом этган. Давлат хазинасидан бу кун учун катта маблағ сарфланган. Бу кунда одамларга Қуръон тиловати эшиттирилган, Муҳаммад ﷺ ни хотиралаш билан боғлиқ мажлислар ўтказилиб, одамларга ул зотнинг сийратлари, ул зот ҳақидаги қиссалар баён қилинган. Шу билан бирга, бутун давлат бўйлаб ширинликлар тарқатилган.

Бу муносабатнинг шаръий ёки ношаръийлигига келсак, бу ҳақда ҳеч қандай далил келмаган. Агар бу каби муносабат шаръий иш бўлганда эди, бу ҳақда шариатда келмаслиги ва унинг саҳобалар томонидан нишонланмаслиги мумкин эмасди. Мусулмон уламулари ўртасида бу мавзудаги мунозаранинг Набий ﷺ га бўлган муҳаббатга боғлиқ эмас. Балки, шариатга қаттиқ риоя

қилишга, ташқаридан бирор нарса кириб қолишига йўл қўймасликка ва ундан қилча оғишмасликка боғлиқдир.

Аммо барча мусулмонлар ўртасида ҳеч ихтилоф қилинмайдиган нарсага келсак, Росулulloҳ уларнинг барча диний ишларида намуна ва ўрнак бўлганларидир. Ул зот қиёмат кунида мусулмонларнинг гувоҳлари ҳамда даъват ва ҳар бир ҳаётини ишларида имомларидир. Аллоҳ ул зотни инсонларни зулматдан нурга чиқариш учун юборган. Аллоҳ ул зотни амаллари, сўзлари, ҳатто сукутларида ҳам нафс-ҳаводан келиб чиқиб гапирмайдиган зот қилди, ул зот келтирган шариат фақат ўша замонгагина хос эмас, балки то қиёмат кунига қадар амал қилиниши лозим бўлган шариатдир.

Агар Аллоҳнинг Росулulloҳ ﷺ ҳақида ҳикоя қилган ҳамда мусулмонларга ҳар бир замон ва маконда эргашишларини буюрган оятларига мурожаат қиладиган бўлсак, мусулмонларда бир кусур-камчилик борлигини, бу камчилик уларнинг Аллоҳ ва Росулини яхши кўришлари билан боғлиқ даъволарига тескари келаётганига гувоҳ бўламиз. Чунки Аллоҳ Субҳанаҳу Ўзига бўлган муҳаббатни Росулига итоат қилишга боғлаган. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

*«(Эй Муҳаммад) – агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар, шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни магфират қилади, Аллоҳ (гуноҳларни) магфират қилгувчи, меҳрибондир, деб айтинг»*

[Оли Имрон 31]

Ушбу ояти карима мусулмонларни динда бирор янгилик қилишдан қайтармоқда ҳамда уларга дин ишларида фақат Росулига эргашишни буюряпти. Бу ояти каримадан динда бошланган нарса унинг охирига қадар бўлиши, яъни, диннинг охири аввали билан, аввали охири билан бир хиллиги маълум бўлмоқда. Биз Исломни тушунишда суюкли Росулимиз ва асҳоби киромлари тушунган йўл бўйича юришимиз лозимлигини билдирмоқда. Хўш, бугун мусулмонлар нега Аллоҳ Таолонинг мана бу каломига амал қилмайдилар:

﴿إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ شَهِيدًا وَمُبَشِّرًا وَنَذِيرًا ﴿١﴾ لَتَتُومِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ ﴿٢﴾ وَتَعَزَّزُوا وَتَتَّقُوا ﴿٣﴾ وَتَسْبِحُوهُ

بُكْرَةً وَأَصِيلًا ﴿٤﴾ إِنَّ الَّذِينَ يُبَايِعُونَكَ إِنَّمَا يُبَايِعُونَ اللَّهَ يَدُ اللَّهِ فَوْقَ أَيْدِيهِمْ ﴿٥﴾ فَمَنْ

نَكَثَ فَإِنَّمَا يَنْكُثُ عَلَىٰ نَفْسِهِ ﴿٦﴾ وَمَنْ أَوْفَىٰ بِمَا عَاهَدَ عَلَيْهِ اللَّهُ فَمَسِيئَةٌ بِهِ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿٧﴾

«(Эй Муҳаммад), дарҳақиқат Биз сизни (қиёмат кунда барча умматлар устида) гувоҳлик бергувчи, (мўминларга жаннат ҳақида) хушхабар элтгувчи ва (кофирларни дўзах азобидан) огоҳлантиргувчи қилиб юборгандирмиз. Эй инсонлар, Биз уни (Росулуллоҳни) сизлар Аллоҳга ва Росулига имон келтиришларингиз учун ва У зотни улуғлаб, эҳтиром қилишларингиз ҳамда эртаю-кеч Уни поклаб, тасбеҳ айтишларингиз учун (юбордик). (Эй Муҳаммад), дарҳақиқат сизга байъат-қасамёд қиладиган зотлар ҳеч шак-шубҳасиз Аллоҳга байъат қилурлар. Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устида бўлур. Энди ким (ўз қасамёдини) бузса, бас, у фақат ўз зиёнига бузур. Ва ким Аллоҳ билан аҳд-паймон қилган нарчасига вафо қилса, у ҳолда (Аллоҳ) унга улуг ажр-мукофот ато этур» [Фатҳ 10]

Бу оятлар Макка фатҳи билан боғлиқ. Росулуллоҳ у пайтда давлат раҳбари ва мусулмонлар армияси кўмондони бўлганлар. Аллоҳ Субҳанаҳу мусулмонлардан ул зотни улуғлаб, ҳурмат қилишни талаб қилди. Унинг маъноси ҳақида Қатода – ул зотга жиҳод қилиш ва шариатига даъват этиш билан ёрдам беринглар, деган. Хўш, нега мусулмонлар буни қилмаяптилар?! Нега уларнинг Исломиё давлати ва Ислом давлатининг исломий армияси йўқ?! Ушбу ояти каримада зикр қилингандек байъат, жиҳод, фатҳ нега йўқ?!

Бугунги кунда мусулмонлар Росулларини севадиларми, севсалар, Аллоҳ Таоло ушбу оятда айтганидек, ул зотга эргашадиларми?!

﴿هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ ۗ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ﴾

«У (Аллоҳ) Ўз Росулини ҳидоят ва ҳақ дин билан – гарчи мушриклар истамасалар-да – барча динлардан золиб қилиш учун юборган зотдир» [Соф 9]

Ибн Касир ўз тафсирида имом Аҳмаддан Росулуллоҳнинг ушбу ҳадисларини накл қилди: Тамим Дорий айтади: мен Росулуллоҳнинг бундай деганларини эшитганман:

﴿لَيَسْلَعَنَّ هَذَا الْأَمْرُ مَا بَلَغَ اللَّيْلَ وَالنَّهَارَ، وَلَا يَتْرُكُ اللَّهُ بَيْتَ مَدْرٍ، وَلَا وَبَرٍ، إِلَّا أَدْخَلَهُ اللَّهُ هَذَا الدِّينَ، بَعْرَ عَزِيزٍ أَوْ بَدَلٍ ذَلِيلٍ، عَزًّا يُعْرُ اللَّهُ بِهِ الْإِسْلَامَ، وَذُلًّا يُذِلُّ اللَّهُ بِهِ الْكُفْرَ﴾

«Бу иш кеча ва кундуз етиб борган жойгача етиб боради. Аллоҳ бирорта ҳам ўтроғу кўчманчининг уйини қолдирмасдан унга бу динни азизнинг азизлиги ёки хорнинг хорлиги билан киритади. Азизликки, у билан Аллоҳ Ислом динини азиз қилади. Хорликки, у билан Аллоҳ куфрни хор қилади.»

Тамим Дорий бундай дер эди: Мен буни аҳли байтимдан билдим. Улардан имон келтирганлари яхшилик, шараф ва куч-кудратга эришди, кофир бўлганлари эса, хорликка, разилликка ва жизя тўлашга мубтало бўлдилар».

Хўш, Ислонинг ёйилиши, мусулмонлар кучли бўлиб, кофирларнинг хорланиши, хорларнинг жизя тўлашлари..., буларнинг барчаси Ислон давлатисиз амалга ошяптими?! Бугунги Ислон давлати йўқ бўлган даврда, худди Росулulloҳ ﷺ барпо қилганларидек Ислоний давлатни барпо қилишга ҳаракат қилиняптими?! Бу борада мусулмонлар, хусусан, уламолар нима қилишяпти?! Саъдий тафсирида бундай келади: «Оятдаги «لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ **барча динлардан ғолиб қилиш учун**», дегани Ислонни ҳужжат-далил билан бошқа динлардан олий қилишни ҳамда унинг аҳли қилич билан уни ғолиб қилишини англатади». Яна қўшимча қилинади: «Ушбу диннинг ўзига келсак, унинг айна сифати ундан ҳеч қачон айрилмайди. Уни мағлуб этувчи ҳам, у билан баслашувчи рақиб ҳам топилмайди. Агар топилса, дин уни тор-мор этиб, мағлуб қилади, ғолиблик ва қаҳр ушбу динники бўлади. Аммо ушбу динга мансубларга келсак, улар қачон динни барпо этсалар ва унинг нуридан баҳраманд бўлиб, диний ва дунёвий манфаатларида унинг ҳидоятига юрсалар, бас, уларнинг ҳам қаршисига чиқадиган топилмайди ва улар бошқа динлар вакиллари устидан албатта ғолиб бўладилар. Аммо улар динни зое кетказса ва унга куруқ мансуб бўлишса, бундан ҳеч нарсага эришолмайдилар, динга эътиборсиз бўлганликлари душманларга мағлуб бўлишларига сабаб бўлади. Ким аввалги ва охириги мусулмонлар ҳолатини ўқиб, ўрганса буни англаб етади». Бу жуда ажойиб сўзлар бўлиб, бугун ҳар бир макондаги мусулмонлар аламини ифодаламоқда. Ахир, мусулмонлар ҳозир шу аҳволда эмасмилар... Росулulloҳга муҳаббат изҳор қилиб, мавлудларини байрам қилишяпти, аммо шу муҳаббат улардан талаб қилган ишларни бажармаяптилар!

Бугунги кунда мусулмонлар Аллоҳ Таолонинг қуйидаги қатор каломига нега амал қилмаяптилар?!

﴿وَأَن آَحْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ﴾

«Улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритинг»

﴿وَمَن لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ﴾

**«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир»** [Моида 44]

﴿وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَٰسِقُونَ﴾

**«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмас экан, бас, улар фосиқлардир»** [Моида 44]

﴿وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّٰلِمُونَ﴾

**«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилмас экан, бас, улар золимлардир»** [Моида 45]

Ушбу оятлар мусулмонларга Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм юритишни фарз қилмаяптими?! Зотан, бу оятлар умумийдир. Шунга кўра, Ибн Масъуд ва Ҳасан ҳам бундай дейишди: «Бу оят Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритмаган мусулмонлар, яҳудийлар ва кофирлардан иборат барча кишига умумийдир. Бас, ким шундай ҳукм юритмасликни эътиқоддан келиб чиқиб қилса, у кофир бўлади, кони ҳалолга айланади. Аммо ким буни ҳаром амали, деган эътиқодда қилса, у мусулмонларнинг фосиғи бўлади ва унинг иши Аллоҳга ҳавола бўлиб, хоҳласа азоблайди, хоҳласа кечиради...». Бугун барча мусулмонлар шу гуноҳи азимга ботишмадими?! Улардан Аллоҳдан ҳидоят топиб, динини қоим қилиш ва Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифаликни барпо қилишга ҳаракат қилаётганларгина бу гуноҳи азимдан сақланганлар, ваҳоланки, бу ҳаракат барча мусулмонларнинг фарзи-вазифаси ҳисобланади.

Бугунги кунда мусулмонлар қаердаю Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг ушбу каломи қаерда?!

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ ءَامَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّٰلِحٰتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْاَرْضِ كَمَا اَسْتَخْلَفَ

الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَىٰ لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُم مِّنۢ بَعْدِ خَوْفِهِمْ اٰمَنًا

يَعْبُدُوْنَ ۗ لَآ يُشْرِكُوْنَ بِىۡ شَيْۡئًا ۗ وَمَنۢ كَفَرَۢ بَعْدَ ذٰلِكَ فَاُولٰٓئِكَ هُمُ الْفٰسِقُوْنَ﴾

**«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган зотларни (ер юзига) халифа қилганидек уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислому) динини голиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг (аҳволини) хавфу-хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким**

**мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар фосиқлардир»** [Нур 55]

Ушбу ояти карима имон келтирган, Аллоҳга ибодат қилиб, унга ҳеч нарсани шерик қилмаган ҳамда солиҳ амалларни қилган зотлар учун халифа қилишни, динни ғолиб-мустаҳкам қилиб, нусрат ато этишини англашмайптими?!

Мусулмонлар қаердаю Аллоҳ Таолонинг ушбу каломи қаерда?!

﴿وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ وَيَكُونَ الرَّسُولُ عَلَيْكُمْ شَهِيدًا﴾

**«Шунингдек, сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва пайгамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) Умнат қилдик»** [Бақара 143]

Хўш, бугун мусулмонлар Ислом давлатисиз ҳам одамлар устидан гувоҳ бўлишлари мумкинми?! Ҳолбуки, бу давлат Ислом билан ҳукм юритади, Ислом билан адолат ўрнатиб, Исломни жиҳод билан ёйиб, у билан қалблардаги кулфни очади, бу давлат бағрида мусулмону ғайримусулмон фуқаролар баробар баҳраманд бўладилар.

Мусулмонлар ўзларидан олдинги солиҳ қавмлар бошдан кечирган нарсаларни ҳамда Росулulloҳ ﷺ ҳам саҳоби киромлари билан нусрат келишидан олдин босиб ўтган қийинчилик ва динда собит туриш ҳолатларини бошдан кечирмасдан туриб, Роббилари томонидан енгиллик келишини, Исломий давлатни Аллоҳ Таолонинг Ўзи қуриб беришини кутиб ўтиришибдими?! Шунинг учун ҳам Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿وَنُرِيدُ أَنْ نَمُنَّ عَلَى الَّذِينَ اسْتَضَعُّوا فِي الْأَرْضِ وَنَجْعَلَهُمْ أَئِمَّةً وَنَجْعَلَهُمُ الْوَارِثِينَ﴾

**«Биз ер юзида хорланган кишиларга марҳамат қилишни, уларни ворислар қилишни истаймиз»** [Қасос 5]

Имом Бухорий, имом Аҳмад ва бошқалар Хаббоб ибн Аратдан ривоят қиладилар:

﴿شَكُونَا إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَهُوَ مَتَوَسِّدٌ بُرْدَةً فِي ظِلِّ الْكَعْبَةِ، فَعُلْنَا: أَلَا تَسْتَنْصِرُ لَنَا اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ؟﴾

فَقَالَ: قَدْ كَانَ الرَّجُلُ فِيمَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ يُؤْخَذُ فَيُحْفَرُ لَهُ فِي الْأَرْضِ، فَيَجَاءُ بِالْمِنْشَارِ، فَيُوضَعُ عَلَى رَأْسِهِ فَيُجْعَلُ بِنَصْفَيْنِ، فَمَا يَصُدُّهُ ذَلِكَ عَنْ دِينِهِ، وَيُمَشِّطُ بِأَمْشَاطِ الْحَدِيدِ مَا دُونَ عَظْمِهِ مِنْ حَمٍ أَوْ عَصَبٍ، فَمَا يَصُدُّهُ ذَلِكَ عَنْ دِينِهِ، وَاللَّهِ لَيَتِمَّنَّ اللَّهُ هَذَا الْأَمْرَ حَتَّى يَسِيرَ الرَّكَّابُ مِنَ الْمَدِينَةِ إِلَى حَضْرَمَوْتَ لَا يَخَافُ إِلَّا اللَّهَ، عَزَّ وَجَلَّ، وَالذَّنْبَ عَلَى غَنَمِهِ، وَلَكِنَّكُمْ تَسْتَعْجِلُونَ»



«Бир куни Росулulloҳ ﷺ чопонини ёстик қилиб Каъбанинг соясида ёнбошлаб ўтирганларида биз у кишининг олдига аҳволимиздан шикоят қилиб келдик. Биз – Аллоҳ Азза ва Жалладан биз учун ёрдам сўрамайсизми? деб сўрадик. Шунда у зот: Сизлардан аввалгилар даврида киши ушлаб келиниб, унга чуқур қазилар, сўнг шу чуқурга туширилиб, арра билан бошини ўртасидан иккига бўлиб ташланар эди. Темир тароқлар билар таралиб, гўшти билан суяги ажратиб олинарди. Аммо бу нарса уни динидан қайтаролмас эди. Аллоҳга қасамки, албатта Аллоҳ бу ишни тамомига етказгай. Ана шунда Санъодан Ҳазрамавтга йўл олган отлик ҳеч нарсадан қўрқмай бемалол борадиган бўлади. У фақатгина Аллоҳдан ва қўйларини бўри еб кетишидан қўрқади, холос. Сизлар эса, шошяпсизлар». (Имом Бухорий ривояти).

Эй мусулмонлар! Ҳар йили Росули каримингизни мавлудларини нишонламоқдасизу, аммо бу ва бошқа оят ва ҳадисларга нега амал қилмайсиз?! Ул зотнинг мавлудлари, дегани мана шундай эътиборсизлик ва унутишни англатадими?! Росулulloҳ намунангиз, ибратингиз ва имомингиз эканини тинмай такрорлайсизлар, сўзларингиз ҳақ, бироқ шаръан сиздан талаб қилинаётган ишларни адо этмаяпсизлар. Ваҳоланки, бунинг учун қиёмат кунда жавоб берасизлар. Сизлар Аллоҳга ўз тариқатларингиз бўйича ибодат қиляпсизлар, Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло буюрган саъй-ҳаракатни сарфламаяпсизлар. Аллоҳ Таоло бундай деган:

﴿مَنْ كَانَ يُرِيدُ الْعَاجِلَةَ عَجَلْنَا لَهُ فِيهَا مَا نَشَاءُ لِمَنْ نُرِيدُ ثُمَّ جَعَلْنَا لَهُ جَهَنَّمَ يَصَلُّهَا مَذْمُومًا مَّدْحُورًا ﴿١٠٠﴾ وَمَنْ أَرَادَ الْآخِرَةَ وَسَعَىٰ لَهَا سَعْيَهَا وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأُولَٰئِكَ كَانَ سَعْيُهُمْ مَشْكُورًا ﴿١٠١﴾ كَلَّا نُمَدُّ هَتُوْلَاءَ وَهَتُوْلَاءَ مِنْ عَطَائِ رَبِّكَ وَمَا كَانَ عَطَاءُ رَبِّكَ مَحْظُورًا ﴿١٠٢﴾ أَنْظَرَ كَيْفَ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ ۗ وَلَآخِرَةُ أَكْبَرُ دَرَجَاتٍ وَأَكْبَرُ تَفْضِيلًا ﴿١٠٣﴾﴾

«Ким нақд (дунё)ни кўзловчи бўлса, Биз (шу дунёда улардан) Ўзимиз истаган кимсалар учун Ўзимиз хоҳлаган нарсани нақд қилиб берурмиз. Сўнгра (яъни, охиратда) унинг учун ўзи мазаммат ва қувгинга дучор бўлган ҳолда кирадиган жаҳаннамни жой қилиб берурмиз. Ким охиратни истаса ва мўмин бўлган ҳолида (охиратга лойиқ) саъй-ҳаракат қилса, бас, ундай зотларнинг ҳаракатлари (Аллоҳ наздида) мақбул бўлур.

*Барчага – мана бу (мўмин)ларга ҳам, анави (кофир)ларга ҳам Роббингиз неъматидан ато этурмиз. Роббингиз неъматини (ҳеч кимдан) ман қилинмас. (Бу дунёда) уларнинг бировларидан бировларини (ризқу мартабада) қандай устун қилганимизни кўринг! Шак-шубҳа йўқки, охираат даражалари неча баробар улуг ва афзалроқдир»* [Исро 19-21]

**Эй мусулмонлар!** Аллоҳнинг Китобини ва Росулининг Суннатини ўқир экансизлар, шариат сиздан Аллоҳ буюрган нарсаларга боғланишингизни ҳамда ўқиётганингизда худди қиссани ўқиб, ундаги нарсаларни билиб қўйгандек ўтиб кетмасликни талаб қиляпти. Сиз мусулмонлар Куръонни шундай ўқингки, гўё у ҳар бирингизга нозил бўлгандек туюлсин, суннатни шундай ўқингки, гўё Росули акрам ﷺ ҳар бирингизга мурожаат қилаётгандек бўлсин. Уларни бир жойини ўқиб, бошқа жойларини ташлаб кетманг. Чунки бу Ислом шариатининг баъзисини эътиборсиз қўйиш билан баробардир. Чунки дини Исломни ихота қилмоқ учун унинг ҳар томонини танимоқ лозим. Зотан, Ғарб айнан шундай бўлишимиз учун ҳаракат қилди... Бизни диндан фақатгина ибодатларни, ахлоқни, никоҳ, талоқ ва мерос аҳкомларини олишимизни истади. Ҳукм юритишда ҳам, жиҳодда ҳам, муомала-муносабатларда ҳам бутун ҳаётимизни Ислом асосида бошқаришдан бизни йироқ қилди. Бу эса, унга итоат қилиб бўлмайдиган, балки унга қарши курашиш шарт бўлган ҳолатдир.

**Эй мусулмонлар!** Сизлар зиммангиздаги Аллоҳнинг ҳаққига эътиборсизлик қиляпсизлар, Росулulloҳнинг ҳаққига панжа орасидан қараяпсизлар. Биласизми, агар бу ҳолатингиздан Росули акрам ﷺ хабар топсалар қанчалар сиздан афсусланардилар... Сизни – шундай аҳволга тушишингиз мумкинлигидан огоҳлантирмадимми, деган бўлардилар. Ахир, имом Аҳмад, Ҳоким, Ибн Можалар Арбоз ибн Сориядан ривоят қиладилар: «Бизга Росулulloҳ ваъз қилдилар... Бу шундай ваъз бўлдики, кўзларимиздан ёш, қалбларимиздан қон оқди. Биз – ё Росулulloҳ, бу худди видолашув ваъзига ўхшаяпти, бизга нималарни буюрасиз, дедик. Ул зот бундай дедилар:

«تَرَكْتُمْ عَلَى الْمَحَجَّةِ الْبَيْضَاءِ لَيْلَهَا كَنَهَارَهَا لَا يَرِيعُ عَنْهَا إِلَّا هَالِكٌ مَنْ يَعِشْ مِنْكُمْ بَعْدِي فَسَيَرَىٰ اخْتِلَافًا كَثِيرًا، فَعَلَيْكُمْ بِسُنَّتِي وَسُنَّةِ الْخُلَفَاءِ الرَّاشِدِينَ الْمَهْدِيِّينَ مَنْ بَعْدِي عَضُّوا عَلَيْهَا بِالنَّوَاجِدِ، وَعَلَيْكُمْ بِالطَّاعَةِ وَإِنْ عَبْدًا حَبِشِيًّا، فَإِنَّمَا الْمُؤْمِنُ كَالْجَمَلِ الْأَنْفِ حَيْثُمَا انْقَادَ»

«Мен сизларни тунни ҳам кундузгидек ёруғ бўлган маҳажжатул байзо (оппоқ нурафшон йўлда) қолдирдим. Ундан четга чиққан

киши ҳалок бўлади. Мендан кейин келганлар кўп келишмовчиликларга гувоҳ бўладилар. Сизлар менинг ҳамда мендан кейинги тўғри йўлга ҳидоятланган рошид халифаларнинг йўлини тутинглар ва уни озиқ тишларингиз билан тишланглар. Шунингдек, (бошлиғингиз) қора қул бўлса ҳам унга итоат қилинглар. Зеро мўмин бурнидан ип боғланиб қаерга етакланса бўйсунадиган туя кабидир». Яъни, мўмин киши шариатга худди тумшуғидан ип ўтказилган ва каттаю кичик инсон истаган ерига етакласа, итоат қиладиган туя мисол бўйсунеди.

**Эй мусулмонлар!** Ҳар бирингиз бугунги сусткашлигингиз учун Аллоҳ олдида жавобгарсиз. Жавобгарлик аввало уламоларга тушади. Чунки улардан сўралажак куйидаги саволлар жуда оғир бўлади: Ҳақни маломатчининг маломатидан кўркмай айтиш тўғрисида сиздан олинган мисоқ-ваъда қани?! Қани даъват ва динни барпо этиш?! Нега Уммат сафини ушбу йўлга бирлаштирадингиз?! Нега Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм юритмайдиган бу илмоний ҳукмдорлар ва малайларга итоат қилдингиз?! Кейинги жавобгарлик, бирма-бир сиз мусулмонларга тушади... Бу уламоларни ҳукмдорларга қарши чиқишга ва дини барпо қилишга ундамаганингиз устида сўраласиз!

**Эй мусулмонлар!** Сизлар ҳар йили мавлуди набийни нишонлаш билан жуда хурсанд бўляпсизлар, лекин Росулulloҳ ﷺ хафалар. Чунки сизлар динни барпо қилишга бўлган Аллоҳнинг буйруғини амалга оширишда сустлик қилдингиз. Росулнинг йўлидан юрмадингиз. Шунингдек, шариат Халифаликсиз яшаш уч кундан ошиб кетмаслигини буюрган бўлишига қарамай, сизлар шариатда катта янгиликни пайдо қилдингиз. Бас, бу ишингизни қайта ҳисоб-китоб қилинг. Зеро, бутун дунё халқлари ўзларини қутқарадиган кишини кутмоқда. Улар учун Исломсиз қутулиш йўқ. То Росулulloҳнинг тариқатини ўзимизга намуна қилиб олмагунимизча Ислому ҳокимиятга кела олмайди. Шунинг учун ҳам Росулulloҳ барча мусулмоннинг, оламнинг етакчидирлар. Ана шундагина ул зот ушбу хотирангиздан хурсанд бўладилар. Тирилтирилмаган хотирадан нима наф бор. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَذِكْرَىٰ لِمَن كَانَ لَهُ قَلْبٌ أَوْ أَلْقَى السَّمْعَ وَهُوَ شَهِيدٌ﴾

«Албатта бунда (огоҳ) қалб эгаси бўлган ёки ўзи ҳозир бўлган холда (яъни сидқидилдан) қулоқ тутган киши учун эслатма-ибратлар бордир» [Қоф 37] □

**ИСЛОМИЙ УММАТГА ҲАЗОРИЙ КУРАШНИ КЕСКИН ҲАЛ  
ЭТИШ ҲАМДА ИНСОНИЯТ АЗОБ-УҚУБАТИГА ЯКУН ЯСАШ  
ВАҚТИ КЕЛДИ (2)**

**Муножий Мухаммад – Марокаш**

**Ғарб фикрий жиҳатдан боши берк кўчага кирди, ҳазорий  
жиҳатдан фожиага юз тутди**

Ғарбнинг замонавий илмоний фикри-мафкураси черков, руҳонийлар, император ва подшоҳлар зулмига қарши реакция сифатида бошланди. Ушбу реакциядан гуманизм (одамгарчилик), деган нарса келиб чиқди, илоҳий фикр ўрнига инсоний фикр пайдо бўлди.

Бунинг оқибатида илоҳга мансуб ҳар бир диний нарса четга чиқарилди, коинот марказига инсон қўйилди ва унинг қудратли ақли инсон бахт-саодатига боғлиқ барча маълум муаммоларни ҳал этишга қодир, дея ҳисобланди. Сўнг инсонга «Ер жаннат»и ясалди. Ақл экспериментал фан, таҳлил ва хулоса орқали зиё бериб, ҳар қандай маърифий зулматни ёритиши, ҳар қандай номаълум нарсани маълумга айлантириши мумкин, деган даъволар қилинди. Бу даврга (яъни, милодий ўн саккизинчи асрга) «маърифат асри», дея мажозий ва иқтибосий ном берилди. Уша давр файласуфларидан бири Иммануил Кант маърифат тушунчаси ҳақида «Инсон ўзининг табиий қусуридан ажралиб ривожланиши», деган. Ғарб мафкурасида маърифат тушунчаси айни фикрнинг туғилиши билан боғлиқ бўлиб, у – олам изоҳлаш мумкин бўлган нарсаларни ўз ичига олади, инсон ақли ҳар бир нарсани ёритувчи маърифатга етишга қодир, айнан шу маърифат инсонни коинотдан ўзининг марказий ўрнини эгаллашига олиб боради ҳамда оламни ўзгартириб, унга ҳукмрон бўлишига кафил бўлади, деган маънони англатади. Италиялик файласуф Пико делла Мирандола «маърифат – инсоннинг истаган нарсасига эришишидир», деган. Унинг фикрича, билим воситаси – инсонни материя қонунларига оид билим билан бойишини, шу қонунлар билан ҳукм чиқаришини, уларни ўз манфаатига ишлатиб, шу орқали ўз бахти, индивидуаллиги ва шахсий ҳаётини мустаҳкамлашини таъминловчи моддий тажрибадир.

Бироқ бундай хомхаёл бошқа хомхаёллардан фарқсиз ўлароқ, тез орада ҳақиқат фактлари олдида чилпарчин бўлади ва шундай бўлди ҳам... Ғарб муфаккирлари шуни аниқ тушуниб етишдики, замонавий илмоний инсон ваҳшийлик ва нопокликда диндор инсондан бир мунча ёмондир. Зеро, лаънати руҳоний ўрнини, энди, шайтонур ражимнинг ўзи эгаллаб олгандек эди. «Мағфират

чеклари» ва инквизициянинг ўрнини ваҳшийлик, қаттол миллатчилик, тоғут, йиртқич мустамлакачилик эгаллади. Ғарб муфаккирлари бу мустамлакачилик асли америкалик қизил танлиларни қатли ом қилганига, қора танли ирқни кул қилиб, хўрлаганига, бу замонавий илмоний Ғарбнинг ер юзида қиргинлар, талон-торожликлар, азоб-укубатлар етказмаган ҳеч бир ер қолмаганига амин бўлишди. Милодий ўн саккизинчи аср тугаши ва ўн тўққизинчи аср бошланиши билан бу маърифат асри тугаб, зулматли қоронғи тунлар бошланди.

Ғарб ўз ҳазорати фожиасидан, маърифий тупик ва кризисидан қочиш мақсадида ўзининг ожизлигини ва зиёнга юз тутганини фалсафий жиҳатдан тушунтирмақчи бўлди. Аммо ғоялар, қадриятлар, бахт, мазмун ва ахлоқий меъёрлар билан боғлиқ асосий масалаларга жавоб беришдан ўзини олиб қочди. Ғарблик муфаккирлар шу нарсаларни тушуниб етишдики, инсон ҳақиқати унчалик осон масала эмас, Ғарб физикавий формулаларни қисқартириб изоҳлаш орқали курашмоқда, экспериментал фан эса, жуда бориб етса моҳиятларни аниқлайди, холос, бу фан ғоялар, қадриятлар, идеаллар олдида ҳамда яхшилик билан ёмонликни, чиройлилик билан хунукликни, бахтни, тақдирни ва маъно... каби нарсаларни ўлчашда ожиз. Ғарб мана шулардан сўнг, ақидалар, ғоялар, қадриятлар, идеаллар, ахлоқ ва қонунчиликларни экспериментал пробиркалар билан аниқлаб бўлмаслигини англаб етди. Кейин эса, мазкур хомхаёллик парчаланиб, ҳавога учди кетди... Чунки бу илмоний соддалаштириш ва қисқартириш жараёни орқали борликни тўла назоратга олиш, унинг устидан ҳукмрон бўлиш мумкин, деган хаёл эди. Бу хом хаёл билан бирга бахтга олиб боровчи йўл моддий ривожланишдир, деган сохта имони ҳам ҳавога учди. Шундай қилиб, Ғарб ўз ожизлиги ва зиёнга юз тутганини фалсафий жиҳатдан асослади, энди соддалаштириш ва қисқартириш жараёни ўрнини умумий билим амри маҳол, деган хулоса эгаллади... Мана энди, ғарбча фалсафий мафкурадаги нисбий тушунча юзага чикди, бундай маърифий тупикни изоҳлаш ва оқлаш учун қатор фалсафий назариялар пайдо бўла бошлади... Охир бориб, иш мафкуравий абгорлик ва зиёнга олиб келди. На маърифий ва на ахлоқий ишонч йўқлиги сабабли ҳамма ишлар нисбий ва мувофиқлик тусини олди, йўқлик (яъни, мақсад, ғоя, қадрият, меъёр ва маъно етишмовчилиги) ҳаёт фалсафасига айланди... мутлақ шубҳа юзага келди... Милодий ўн тўққизинчи асрдаги Ғарбнинг файласуф ва муфаккирлари – «маърифат» деб аталган нарсани ҳамда асосий диққатни инсонга

қаратиш, деган хом ҳаёлни йўққа чиқаришга киришишди. Инсонни соф жисмоний эволюцияга бўлиб ажратиш инсоннинг асл келиб чиқишини Дарвин назарияси бўйича ҳайвонга олиб борди. Дарвин ўзининг «Инсоннинг келиб чиқиши» номли китобида инсоннинг бошқа ҳайвонлар каби эканини даъво қилган. Шунинг учун инсоният ҳаёти ва олий идеаллар ҳақидаги унинг фикрларининг ҳеч қандай қадри йўқ, курт-кумурскалар ва бактериялар ҳақидаги фикрларчалик қадри бор, холос. Жисмоний тириклик эволюцион муваффақиятнинг ягона ўлчовидир. Замонавий дарвинчилар фалсафаси Ницше фалсафаси билан мослашди. Маълумки, Ницше ўзининг «қудрат истаги» фалсафасида куч-қудрат меъёр ҳамда биринчи ва сўнгги ўлчов эканини, коинотнинг ўз-ўзидан яралганини даъво қилган. У – энг кучли шахсларгина омон қолади, энг кучли шахслар ҳамма нарсани ҳал қилади, назорат ва ҳукмронлик энг кучлиларники, курашни ҳал этувчи табиий моддий йўл кучдир, кадриятлар, идеаллар, ахлоқ-одоб, муқаддаслик ва тубанлик, ҳалол ва ҳаром, яхшилик ва ёмонлик, чиройлилик ва хунуқлик, маъно ва ғоя... булар йўқ нарсадир, деди. Буни у ўша вақтда илоҳий кучни йўққа чиқаришга қилган даъвати орқали фалсафий жиҳатдан ифодалаган. Ҳолбуки, ўшанда ҳам илоҳий куч илмоний модернистик мафкура устидан ғолиб бўлган. Ницше даъвосича, «Онг бундай мутлақ когнитив (маърифий) системадан, ҳатто метафизикадан озод бўлиши керак, шу боис на мутлақ адолат бор нарса, на мутлақ яхшилик. Ахлоқий кадрият ҳам заррача қийматсиз нарса. Куч-қудрат истаги мутлақ кадриятларга альтернативдир. Шунинг учун кадриятларнинг ҳам, шунингдек, коинотдаги хоҳ моддий ёки диний тарафдан ҳар қанча изоҳламанг, абсолют нарсаларнинг ҳам ғояси йўқдир». Мана шу ердан, ҳақиқатда Ғарб ғояси нигилизм<sup>1</sup>га олиб келди.

Эрамининг йигирманчи асри бошланишида ҳамда ер юзидаги башарият тарихида мисли кўрилмаган ваҳший мустамлакачилик курашининг келиб чиқиши манзарасида, Ғарб ҳазорати инсониятга улкан фожа келтирди ҳамда биринчи жаҳон уруши билан иккинчи жаҳон урушида даҳшатли равишда бутун дунёни инсон қушхонасига айлантди (ўн йил давомида биринчи жаҳон урушида 16-20 миллион, Иккинчи жаҳон урушида 62-78 миллион нафар инсон қурбон бўлди). Оқибатда инсон ақли, деган нарса даҳшатли омадсиз экани, Ғарб ғоясининг мафкуравий билими абгор эканлиги аниқланди. Ғарбнинг ҳаёт ҳақидаги фалсафаси мутлақ муваффақиятсизликка учраб, яна ўзининг адашган ва омадсиз биографиясига қайтди... Натижада Ғарб мафкураси

бугунги кундаги «постмодернизм»<sup>2</sup>, дейилаётган нарсани келтириб чиқарди.

Файласуф Юрген Хабермаснинг фикрича, постмодернизм истилоҳидаги «пост» (post) сўзи – постмодернист шахсларда айнан мозийдан ўзларини олиб қочиш истаклари борлигини англатади. Бир вақтнинг ўзида, Хабермас «чунки биз келажакда бизни кутиб турган муаммоларимизга ҳамон бирор ечим тополмадик», дея бугунги дамлари ҳақида сўзлашдан ҳам ожизлик қилишаётганини ифодалаяпти. Бу эса, нигилизмдан бемаънилик ва сафсатабозликка кўчишдан бошқа нарса эмас. Мишел Фуко, Жак Деррида ва бошқа файласуфлар билдирган фикрларда бемаънилик шундоқ кўриниб туради. Масалан, Деррида «инсон ҳожат-ахлат чиқариши учун унда албатта ақл бўлиши шарт», деган. Унинг бадбўй фикрларга тўла «Ёзув ва ихтилоф» номли китоби бемаъни ғоялар билан тўлиб-тошган бўлиб, у ердан на бир мақсад, на ғоя ва на манбани топиш мумкин. Мудом замонавийликнинг ўзи нигилизм ва бемаънилик экан, у ҳолда, постмодернизм бу нигилизм ва бемаъниликнинг энг бачканасидир. Ғарб мафқурасининг сўнгги таҳлил ва хулосаси – ҳеч қандай ёруғлиги йўқ қоп-қоронғи зулмат бўлиб чиқди. Буни Мишел Фуконинг инсоннинг фалсафий жиҳатдан ҳалокатга юз тутгани ҳақидаги мана бу сўзлари айтиб турибди: «Инсон ҳақида гапираётган ва уни борлик подшоҳи ва у озод, дейишдан чарчамаётганлар қаршисида кишининг кулиб қўйишдан бошқа чораси қолмади».

Ғарбнинг адабий асарлари Ғарб ҳазоратининг ҳалокатга учрагани ҳамда ғарблик илмоний кишиларда йўқотиш ва умидсизлик юзага келгани ҳақида ҳалол ва холис гувоҳлик бермоқда. Масалан, 1922 йилда нашр қилинган «Ҳароба Ер курраси» номли қасидада Ғарб дунёсидан ҳамда фожиалар, кўрқувлар, даҳшат ва разил шаҳватларга тўла унинг ҳазоратидан жирканиш, бешиш, орланиш туйғуси мавжудлиги ҳақида сўз юритилди. Қасида муаллифи унда «бу ҳазоратнинг илдизига путур етиб, қуригандан кейин унинг новдасидан нима наф бор»лиги ҳақида ёзади. Ёзувчи Франц Кафка ўзининг «Манфур» номли асарида Ғарбнинг ёмон туш каби беҳаловат ҳаёт кечириётгани, унинг бахтсизлиги, бу бахтсизлик одамларни ўз жонига қасд қилишга олиб келаётгани ҳақида ёзди. Асарда муаллиф «Мен бутун ҳаётимни шу ҳаётимга қарши курашиб ўтказдим», дейди. Сўнг «ҳаёт урушдан иборат, ўзинга қарши уруш, шарт-шароитингга қарши уруш ва шу шароитларни ўйлаб топган аҳмоқларга қарши уруш бўлиб қолди», дея қўшимча қилди. Ёзувчи

Роже Гароди – Кафканинг асарига «У бу қоронғи дунёни бизнинг дунёмиз материаллари билан қайта тузиб яратди», дея тўғри талқин берди. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида Нобел мукофоти совриндори бўлган мексикалик шоир Октавио Пас Ғарб ҳазорати фожиалари ҳақида ҳақ сўзни айтганлардан биридир. У ҳозирги олам ҳақида бундай деган: «Биз вайронагарчилик замонида яшамокдамиз. Бачканалик ҳар бир нарсамизга суқилиб кирди... Бугунги кунда олдимизда бўшлиқ бор, уни тўлдиришга эса, ўзимизда ҳеч вақо йўқ. Фикримча, бугунги жамиятнинг асл воқелиги шуки, унда маъно-мазмун етишмайди». Бу ҳақиқатни Роже Гароди ҳам ўз китобида «Гўрковлар... инсониятга гўр қазувчи ҳазорат», деган ибратли сарлавҳа остида аниқ баён қилиб, бундай деди: «Замонавийлар илм-фан ва техника – тараққиётнинг ягона ўлчови, деган фикрдалар. Бундай ўртамчилик дини бизни чоҳга етакламоқда. Орамиздаги гўрковлар мана шу фикр муаллифларидир. Фикрсизлик билан чоҳ қазияпти. Шубҳасиз, илоҳ бор, деган эътиқод бўлмаса, ҳаёт мазмунсиз бўлади». Яна бундай дейди: «Бундай идеология, инсонни инсоний ўлчов-меъёрларидан узоқлаштирувчи экстремистик индивидуализмдан дарак бераяпти... Алалоқибат, бу қазилган гўр бутун оламни кўмишга етади».

Анчадан буён Ғарб ўзининг ифлос мафкураси билан оламни оёк ости қилди, сон-саноксиз инсоний офат ва фожиаларни келтириб чиқарди. У ўзининг илмоний материалистик қарашлари оқибатида келиб чиққан маърифий ва ахлоқий бузуқликка қарши курашишдан бош тортиш билан бу офат ва фожиани янада мураккаблаштирди. Ғарбнинг материалистик ҳазорати шу ҳазорат келтириб чиқарган даҳшатли воқеликни назорат қилади. Бирок уйғотиш орқали воқеликни ўзгартиролмапти, ўзгартириш имконияти ҳам йўқ. Чунки унда ўзи пайдо қилган айни ҳалокатли воқеликка қарши тура олувчи на қадрият бор, на идеал ва на ахлоқ. Балки буларга қарши калькулятор, компьютер ва курук рақамлар билан курашяпти. Ваҳоланки, бу моддий техника ўзи келтириб чиқарган ҳаётсиз ўлим ва вайронагарчиликдан башорат беради, ободончиликдан эмас.

Чириш ва парчаланиш босқичига келган ушбу моддий санам ўз қаршида бутун олам Роббисининг дини бўлмиш буюк Ислонни кўрди. Ушбу диннинг маърифий ва фикрий устунлиги олдида унинг ҳазорат жиҳатидан бутунлай шармандаси очилди-қолди. Чунки динимизнинг маърифий қисмлари коинот, инсон ва ҳаётни яратган ва уларни яхши билувчи Аллоҳдан келган бўлиб, аниқ



ишончга асосланган. Шу боис, унинг жавоблари, тасаввурлари, ўлчов ва аҳкомлари ҳужжат-далил талаб қилмайди, шунинг учун унинг маърифий устунлиги уни энг чексиз равишда намоён этади.

### **Буюк Исломнинг маърифий устунлиги**

Ислом – бу алоҳида ҳаёт тарзи бўлиб, ўзига хос ҳазорати билан мутлақо ажралиб туради. Унинг мафкуравий тизими ноёб, маърифий асослари ваҳидир. Уни ҳар ишни билгувчи ва хабардор бўлган зот нозил қилган.

﴿وَهُوَ بِكُلِّ خَلْقٍ عَلِيمٌ﴾

«У (Аллоҳ, Ўзи яратган) барча халқни билгувчидир» [Ясин 79]

﴿أَوَلَيْسَ الَّذِي خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ بِقَدِيرٍ عَلَىٰ أَنْ يَخْلُقَ مِثْلَهُمْ ۚ بَلَىٰ وَهُوَ الْخَلَّاقُ الْعَلِيمُ﴾

«Унинг Ўзигина яратувчи ва билгувчидир» [Ясин 81]

﴿أَلَا يَعْلَمُ مَنْ خَلَقَ وَهُوَ اللَّطِيفُ الْخَبِيرُ﴾

«(Ахир) яратган зот билмасми?! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) хабардор зотдир» [Мулк 14]

Исломнинг фикрий асоси унинг фикрий пойдевори бўлиб, бу пойдевор устига ҳаётдаги турмуш тарзи ва ҳаёт тузуми ҳақидаги барча фаръий-иккиламчи фикрлар қурилган. Бу фикрий асос – илоҳ бор, дея қатъий ишониш, Қуръон Аллоҳнинг каломи, дея қатъий ишониш, Муҳаммад Аллоҳнинг росули, дея қатъий ишониш демакдир. Бу қатъий ишончдан Исломнинг барча ақида ва аҳкомлари балқиб чиққан.

Буюк Исломнинг ушбу фикрий асоси – Ислом ақидасидир. Ислом ақидаси инсон фитратига мувофиқдир. Яъни, айни инсоний эҳтиёж ва ожизликни тан олиш инсоннинг ўз ожизлиги, нуқсони ва чекланганини ҳис этиши бўлиб, бу ҳис-туйғудан тадбир қилувчи Холиққа муҳтожлигини сезиш келиб чиқади. Бошқача ибора билан айтганда, Ислом ақидаси инсондаги динга мойиллик ғаризасининг табиий кўринишидир.

Ислом ақидаси ақлий ақида. У мавжудот, унинг яралишидан мақсад, унинг охири ҳақидаги энг катта саволларга, яъни, инсондаги энг катта тугунга жавобларни исботлашда ақлга таянади. Бу ақида биноси ақлга асосланган бўлиб, унинг жавоблари аниқ ишончли қатъий ва инсон ақлини қониқтирувчи жавоблардир.

Ушбу мустаҳкам фикрий асос унга ҳамма фикрлар қуриладиган ва ундан барча ҳаётий тузумлар балқиб чиқадиган фикрий пойдевордир. Ким бу ақидага эътиқод қилса, ақида уни муайян,

маълум ва ўхшаши йўқ дунёқарашга элтади, унга муайян турмуш тарзи ва яшаш услубидан фойдаланишни ҳамда фикрлар тўғрисида ва воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳеч қандай шак-шубҳа аралашмаган қатъий назар билан ҳукм чиқаришни ўргатади. Яъни, бу фикрий пойдевор мутлақ ишончли қатъий фикрий етакчиликдир.

Ислом ақидасининг воқеи – Аллоҳ яккаю ёлғиздир, У коинот, инсон ва ҳаётни яратди, борлиқдаги нарсаларни тадбирини олиб туради, ҳаёт эса ўткинчи, инсон тақдири ё жаннат ёки жаҳаннамдир, ризқ ёлғиз Аллоҳнинг қўлида, ажалнинг охири ҳам ёлғиз Аллоҳнинг қўлида, Қуръони Карим инсоният учун уларнинг ҳаётини бир текис тўғрилаш мақсадида Аллоҳ ҳузуридан нозил бўлди, уни саййидимиз Муҳаммад ﷺ Аллоҳдан ваҳи қилиб келтирдилар, дея қатъий ишонишдир. Шунингдек, Ислом ақидаси куйидагиларга ишонишни талаб қилади: Аллоҳ бу дунёни инсоният учун синов макони қилиб яратди

﴿الَّذِي خَلَقَ الْمَوْتَ وَالْحَيٰوةَ لِيَبْلُوَكُمْ اَيْسُرًا اَمْ اَعْسٰرًا ۗ وَهُوَ الْعَزِيْزُ الرَّحِيْمُ﴾

*«(Эй инсонлар, Аллоҳ) сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ-яхшироқ амал қилгувчи эканлигингизни имтиҳон қилиш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир, ва У қудратли, мағфиратлидир»*

[Мулк 2]

яратгандан сўнг жаннатга ёки жаҳаннамга борилади, жаннат бу бошланиши бору тугаши йўқ бўлган яшаш маконидир,

﴿وَإِنَّ الدَّارَ الْآخِرَةَ لَهِيَ الْحَيٰوةُ لَئِيَّهَا لَوَكَّانُوا يَعْلَمُونَ﴾

*«Бу ҳаёти дунё фақат (бир нафаслик) ўйин-кулгидир. Агар улар билсалар охират диёригина (мангу) ҳаёт (диёридир)»* [Анкабут 64]

у ерда кўнгишлар тусаб, кўзлар кўриб баҳра оладиган, инсон ақли бовар қилмайдиган нарсалар бўлиб, улар тақводор зотларга тайёрлаб қўйилган. Жаҳаннам эса, азобдир. У ерда темир гурзилар бор, емишлари заққум мевасидан, ичимлиги ичакларни йиртиб юборувчи қайнаб турган сувдандир. Азоби ҳеч қачон тугамайди,

﴿كَلِمًا نَّضَجَتْ جُلُودُهُمْ بَدَلَتْهُمْ جُلُودًا غَيْرَهَا لِيَذُوقُوا الْعَذَابَ ۗ إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَزِيْزًا حَكِيْمًا﴾

*«Терилари куйиб битгани сари, ҳақиқий азобни тотиб кўришлари учун ўрнига бошқа териларни алмаштириб турадиз, Аллоҳ албатта қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган зотдир»* [Нисо 56]

Бундай азоб улардан тўхтамайди, озаймайди, улар ўлимга ҳукм қилинмайди ва ўлишолмайди,

﴿وَالَّذِينَ كَفَرُوا لَهُمْ نَارُ جَهَنَّمَ لَا يُقْضَىٰ عَلَيْهِمْ فَيَمُوتُوا وَلَا يُخَفَّفُ عَنْهُمْ مِنْ عَذَابِهَا كَذَٰلِكَ نَجْزِي كُلَّ كَافِرٍ﴾

**«Кофирлар учун эса жаҳаннам ўти бордирки, на уларга (иккинчи бор ўлиш) ҳукм қилиниб, ўла олурлар ва на улардан (жаҳаннам) азоби енгилладилур. Биз ҳар бир кофирни мана шундай жазолаймиз»** [Фотир 36]

Бу даҳшатларнинг ҳаммаси кудрат, олийлик, қаҳр ва жабр эгаси ҳузурида бўлади... булардан азобларни тоттиришдан бошқа мақсад қилинмайди. Бас, жаҳаннамнинг сифати шу бўлса, азоби қандай бўлар экан-а, ё алҳазар!

﴿قِتِلَ الْإِنْسَانُ مَا أَكْفَرَهُ﴾

**«(Бу) ўлгур инсон, бунчалар кофир бўлмаса!»** [Абаса 17]

Бу Ислом ақидаси бўлиб, унинг инсониятга бўлган қаҳрли жавоблари, қувватининг буюклиги ҳамда бу ақидасига нисбатан қатъий ишонч шундай имонни туғдирадики, сонлари нозиклигидан шамолда букилиб кетгудек бўлган Абдуллоҳ ибн Масъуд шу имони туфайли Аллоҳнинг даргоҳида тоғдан ҳам мустаҳкам инсонга айланади. Чунки шундай илоҳий иззат-икромга кўтарган ва фаришталарнинг сажда қилишларига лойиқ қилган нарса мана шу ақидадир.

Шунингдек, ушбу буюк Ислом инсон учун унинг амалларига шундай ўлчов яратиб бердики, у собит туриб, ўзгармайди, алмашмайди, ҳаётдаги босимларга ёки қонун ўйлаб топувчи инсон нафс-ҳавосига бўйсунмайди. Мусулмон инсон шу ўлчов ёрдамида ёмон амал қандаю яхши амал қандайлигини ажратиб олиб, ёмонидан тийилади, яхшисини қилади. Бу ўлчовни Хобир (ҳар ишдан хабардор) ва Алим (ҳар ишни билувчи) зот Ўз халқига ҳидоят йўли қилиб берди:

﴿وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ﴾

**«Аллоҳ билади, сизлар билмайсиз»** [Бақара 216]

Бу ўлчов тўғрилиги аниқ доимийдир, унда яхши нарса ёмонга ёки ёмон нарса яхшига ўзгариб қолмайди, бир хилда ўлчанади. Бу ўлчов бўйича, инсон ишларни ҳақиқати билан аниқ англаб етиб, Парвардигори ҳидояти билан тўғри йўлда юради:

﴿أَفَمَنْ يَمْشِي مُكِبًّا عَلَىٰ وَجْهِهِ أَهْدَىٰ أَمَّنْ يَمْشِي سَوِيًّا عَلَىٰ صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ﴾

**«Ахир юз тубан (яъни оёгининг остидан ўзга ёққа қарамасдан) юрадиган кимса ҳақ йўлни топгувчироқми ёки қадди рост ҳолида тўғри йўлда юрадиган кишими?!»** [Мулк 22]

Ислолдаги бахтга келсак, у Аллоҳ Таолонинг розилигига етишиш ва жаннатда тақводорлар учун ҳозирлаб қўйилган Унинг тугамас неъмат ва абадий ҳаётнинг рўёбга чиқишидир. Бу Ислом ақидасини қабул қилган ҳар бир кишининг интилган орзу-умидидир. Яъни, бахт Ислолда имондан балқиб чиққан бўлиб, қатъий ишончга асосланган. Ушбу имон доимий хотиржамликни қатъий талаб қилади. Чунки ҳақиқатдан бахт Ислолда ишончдан балқиб чиқади, хаёллардан ёки саробдан эмас.

Дарҳақиқат, Ислом инсонни қувват, ақл, вазифа ва мақсад билан шарафлади:

﴿وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْوَبْرِ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَىٰ كَثِيرٍ مِّمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا﴾

*«Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизда (от-улов ва кемаларга) чиқариб қўйдик ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик»* [Исро 70]

Аллоҳ ушбу неъматларини буюк Исломи билан мукаммал қилди. Зеро, Ислом инсонни мукаммал тарзда муолажа қилиб, инсондан бутун башарият ўртасида ўхшаши йўқ шахсият яратди. Яъни, унинг фикрларини исломий ақида билан муолажа қилди ва инсон учун аниқ ишончли қатъий фикрий пойдевор яратди. Инсон шу пойдевор ёрдамида фикрларга ақлини ишлатиб, бузук фикрлардан сақланади ва фикрий тойилишлардан омонда бўлиб, ўзининг тўғри фикрини, соғлом идрокини сақлаб қолади. Шунингдек, Ислом инсоннинг амалларини ҳам муолажа қилди. Яъни, унинг узвий эҳтиёжлари ва ғаризаларидан келиб чиққан амалларини унинг ақидасидан балқиб чиққан шаръий аҳкомлар билан ҳал этди. Ҳал этганда ҳам, ғаризаларини бостирмай, тартиблаштириб, жиловсиз қўймай, уйғун равишда ҳал қилди, барча ички талабларини хотиржамлик ва барқарорликка олиб борадиган тарзда интизом билан қондириш йўлларини муҳайё этди. Зотан, Ислом тузуми ягона тузум бўлиб, бу тузумда инсон ҳаёти бутун коинот тизимига тўла уйғун келган. Чунки у коинот, инсон ва ҳаётнинг Холиқи олдидан келган тузумдир:

﴿إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ﴾

*«Албатта Биз ҳар бир нарсани (аниқ) ўлчов билан яратдик*

[Қамар 49]

﴿وَوَخَلَقَ كُلَّ شَيْءٍ فَقَدَرَهُ تَقْدِيرًا﴾

«(Аллоҳ) барча нарсани яратиб, (аниқ) ўлчов билан ўлчаб қўйди»  
[Қамар 49]

﴿وَكُلُّ شَيْءٍ عِنْدَهُ بِمِقْدَارٍ﴾

«Унинг (Аллоҳнинг) даргоҳида ҳамма нарса ўлчовлидир» [Роъд 8]

Ушбу тузумнинг асоси Китоб ва Суннат, яъни, Ислому шариатидир. Дарвоқе, Китоб ва Суннатнинг Аллоҳнинг ваҳиси эканига аниқ ақлий ҳужжат мавжуд. Яъни, шариат Аллоҳдан келган ваҳидир, инсон ўйлаб топган қонунчилик назарияси эмас. Зеро, инсон ўйлаб топган қонунчилик қосир, ожиз ва носоз бўлиб, воқеа-ҳодисаларга татбиқ қилинганда айби ва носозлиги кўриниб қолди. Йўқ, шариат ундан эмас, у ҳар ишни билгувчи ва ҳар ишдан хабардор бўлган зотнинг ваҳисидир ва унинг шаръий аҳкомлари ҳақиқий ечимлардир.

Ушбу диннинг мукамаллигига яна бир мисол – унинг замондан ҳам, макондан ҳам ўтиб кетганидир. Чунки унинг умумий маънолари янги-янги воқеа-ҳодисаларга тушади ва татбиқ қилинади, ҳар бирига амалий ечимлар ишлаб чиқилади, яъни, унга тааллуқли шаръий аҳкомлар истинбот қилинади. Зотан, Ислому шариати инсон фарзандларининг барча воқеа-ҳодисаларига мос келувчи мукамал шаръий нусуслардир. Ушбу қонунчилик нусуслари воқеа-ҳодисаларга умумлаштирилиши учун умумий характерга эга. Шаръий нусуслар – хоҳ Қуръон бўлсин, хоҳ Суннат бўлсин, (лафзнинг зоҳир маъносига амал қилиш мумкин бўлмаган ўринда уни) умумлаштириш ҳамда умумий қоидаларни исботлаш учун кенг майдондир ва бу Ислому қонунчилигидаги энг катта неъматдир. Ушбу шариат шахснинг бир-бири билан бўлган муносабатларини, давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабатларни, давлатлар, халқлар ва умматлар ўртасидаги муносабатларни, яъни, барча инсоният муносабатларини ўз ичига сиғдирган кенг шариат бўлиши билан бирга, мутлақо яроқли ва кенгқамровли қонунчилик нусусларидир. Бу эса, шариатнинг ғоят рақобатбардош эканлигидандир. Унинг кенгқамровлиги барча муносабатларни ўз ичига олган умумийлик жиҳатидан келиб чиққан. Бу исломиё шариат нусус-матнларининг жумлаларида, сўзларида ва услубларида ифодаланган. Чунки уларда мантуқ, мафҳум, далолат, таълил ва иллат қиёси мавжуддир. Бу эса, истинботни осон, доимий ва инсоннинг ҳар бир амалини ўзида қамраган истинботга, яъни, мукамал истинботга айлантиради.

Ислом шариати ўтган воқеа-ҳодисаларни ҳам, келажакда бўладиган воқеа-ҳодисаларни ҳам, барчасини ўзида қамраганлиги билан ўхшаши йўқ, мумтоздир. Бу – унинг матнлари жуда кенг-умумийлигидан билиниб туради ҳамда бу умумийлик сабабли матнлар умумий қоидалар ва умумий маъноларни исботлашда энг самарали матнга айланганлигидан, шу орқали уларнинг остига куллий ва жузъий қоидалар ҳам кириб кетганидан ҳам кўриниб туради.

Ислом шариатининг энг буюк рақобатбардошлиги, у муаммоларни инсон муаммоси, деган эътиборда ҳал этишидир. Яъни, инсоннинг эҳтиёжлари ва ғариза-инстинктларига уни инсон деган эътиборда қарайди. Бошқача айтганда, муайян шахслар амали, деб эмас, балки инсон амали, деб ҳукм беради. Бу билан шариат, замон ва маконни ортда қолдириб, турли миллат ва шариатдаги халқлар муаммосини ҳал қилади.

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتْمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيْتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾

**«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бевуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин бўлишига рози бўлдим»** [Моида 3]

Ушбу диннинг шу қадар буюк ва устун бўлганининг ҳамда бошқа ақида тузумлардан рақобатбардош эканининг сири – у Алим ва Хобир зотдан келганидадир, унинг олий бўлиб, ундан олийси йўқлигидадир.

﴿ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

**«Энг тўғри-устувор дин мана шудир. Лекин одамларнинг кўплари бун билмайдилар»** [Юсуф 40]

﴿لَا يَأْتِيهِ الْبَطْلُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَلَا مِنْ خَلْفِهِ تَتْرِكُ مَنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ﴾

**«Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) ботил-ноҳақлик келмас, (у) ҳикмат ва ҳамду-сано эгаси томонидан нозил қилингандир»** [Фуссилат 42]

### **Ҳазорат курашини ҳал қилиш**

Буюк Исломнинг ажойиб рақобатбардошлиги ҳамда маърифий, фикрий ва ўзгариш жиҳатидан беқиёс ғолиблиги мана шу. Ўзгариш жиҳатдан, Ислом ҳазорати ҳукмрон бўлди, сўнг мағлуб бўлди... Мана энди эса, қайта уйғониб, жонланиш босқичида турибди. Маърифий, фикрий жиҳатдан олсак, Ислом олийдир, ундан олий бўладигани йўқ. Бундай улуғвор ва забардаст дин олдида Ғарбнинг жуда бачканалиги, маърифий ожизлиги,

қирғинбарот мафқурасининг омадсизлиги яққол кўриниб қолди. Энди, Ғарб ниқоблари тушиб, косметикаси ўчиб, манфур башараси кўринди ҳамма башаралардан энг хунук башара экани маълум бўлди... Буюк Исломга қарши ваҳшиёна курашишда, қонхўрлик қилишда, Исломни олабўжи қилиб кўрсатиб, асос ва аҳкомларини ўзгартиришга омадсиз уринишда бор кучи ва бор услублари билан ҳаракат қилгани намоён бўлди.

Ғарб ҳазорати қазиган ушбу ҳалокат қабри ёқасида бутун инсоният турибди. Бунга сабаб инсониятга зулукдек ёпишиб олган ғарбча турмуш тарзигина эмас. Чунки бу касаллик симптоми, холос. Балки бунга Ғарбнинг ифлос дарди бедаво ҳазорати асосий сабаб бўлди. Бу ҳазорати инсониятнинг инсонлигини қириб йўқ қилишга, инсон фикри ва туйғусини бузиб, ғарбча ўрмон ҳаётини яратишга қаратилган. Бу ўрмон ҳаётида кучли заифни таърифлашга тил ожизлик қиладиган йиртқичлик билан овламоқда. Бугун инсониятнинг фожиали воқелиги мана шундай вазиятга келиб қолган экан, буюк Исломнинг инсониятни қутқариш ва уни омонлик қирғоғига қутқариб олиб чиқиш учун ташаббус тизгинини қўлга олиши шарт бўлиб қолди. Зеро, бугун башариятнинг энг қалтис, энг даҳшатли ва энг беқарор замонидир.

Буюк Ислом инсониятни Парвардигорга қайтармоғи вақти келди. Шунингдек, инсониятни Парвардигор рози бўлган динга, инсоният пешонасига битган улуғликка мос бўлган азиз-муқаррам ҳаётга қайтариш вақти келди. Ушбу буюк дин инсонни ўз мардлигига, поклигига, саҳоват ва саҳоватпешалигига ҳамда Роббисининг

﴿وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَائِكَةِ إِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيفَةً﴾

**«Эсланг, Роббингиз фаришталарга: Мен Ерда (Одамни) халифа қилмоқчиман, деди»** [Бақара 30]

деган каломини рўёбга чиқаришига қайтариш они келди. Ислом ва унинг Уммати учун одамларни Ғарбнинг қаттол ҳазорати зулматидан Ислом адолати нурига, унинг бадбахт ҳаёти торлигидан Ислом соясидаги икки дунё кенглигига олиб чиқмоғи вақти келди. Ислом Уммати учун Аллоҳ ундан истаган етакчилик ролини қайта эгаллаши вақти етди.

﴿كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَنَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَتُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ﴾

**«Одамлар учун чиқарилган умматларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро, сизлар маъруфга буюриб, мунқардан қайтарасизлар ва Аллоҳга имон келтирасизлар»** [Оли Имрон 110]

﴿وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ وَيَكُونَ الرَّسُولُ عَلَيْكُمْ شَهِيدًا﴾

**«Шундай қилиб, сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун васат (адолатли) Уммат қилдик»** [Бақара 143]

Бироқ исломий ҳаёт қайта бошланмас экан, ушбу буюк Ислому ўз ролини асло адо эта олмайди. Исломиий ҳаёт билангина ҳаётнинг барча тасвири, вазияти, муҳити, тузуми, қадрияти, ўлчов ва меъёри соф исломийга айланади. Бунинг учун эса, Ислому Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик орқали ўзининг сиёсий вужудида амалда татбиқ қилиниши шарт. Чунки Халифалик Исломининг буюклиги, адолати, раҳмат ва қудратининг шаръий таржимонидир. Уммат кучи оламдан ғойиб бўлиши ортидан, Ислому асосида жонланаётган ва аср кемаси рулини бошқаришга киришган экан, бунинг учун жинойткор Ғарбдан етакчиликни тортиб олиши шарт бўлади. Бунинг учун Халифалик давлати халқаро курашда ишлар тизгинини Ғарб давлатлари қўлидан ҳақли равишда ва зўрлик билан тортиб олиши ҳамда ҳазоратлар курашини ҳал этиб, Ғарбнинг бадбахт ва омадсиз ҳазоратини қуришиб ташлаши шарт.

Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик давлатини барпо этиш Ислому билан кофир Ғарб ўртасидаги курашда асосий омил ҳисобланади. Курашга қуролсиз кириш нодонлик ҳисобланади, онгсизлик ва фикҳни билмаслик эса, сиёсий онгнинг йўқлигидан келиб чиқади. Исломиий Халифалик давлати амалий қуролдир. Чунки у билангина адолат, куч-қудрат, инсоний бахт ва барча эзгуликлар қўлга киритилади. Бас, уларни ёшу қари, мусулмону кофир қидириб топсин. Ана шунда Аллоҳ динига ҳамма инсонлар тўп-тўп бўлиб кирадилар ва буюк Ислому ҳазоратлар курашини буткул ҳал қилади. Зеро, Аллоҳ ва Росули бизга қатъий хабарда шуни ваъда қилди:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ

الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَلَيَبْكَتَنَّ لَهُمُ الدِّيَارُ الَّتِي كَانَتْ لَهُمْ أَرْضًا مِّن بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا

يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَن كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ﴾

**«Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган зотларни (ер юзига) халифа қилганидек уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислому) динини голиб-мустаҳкам қилишни**



*ҳамда уларнинг (аҳволини) хавфу-хатарларидан сўнг тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу (ваъда)дан кейин куфрони (неъмат) қилса, бас улар фосиқлардир»* [Нур 55]

«ثُمَّ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَا جِ النَّبِوَّةِ»

**«... Кейин Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик бўлади».**

**Эй мусулмонлар!**

Буюк Ислом Халифалиги ушбу курашни ҳал этиб, Ғарбнинг бадбахт ҳазоратини кўмиб ташлаш билан бутун инсониятнинг азоб-укубатига яқун ясаши вақти келди. Бас, шундай экан, Аллоҳнинг сизга қилган ваъдасига ишонинг ва фаолият қилаётганлар билан биргаликда орангиздан бир кишини халифа қилиб, унга ёрдам беринг, у динингизни барпо этсин, рошидинлар тарихини қайта тикласин, динингиз ишларини Роббингиз рози бўладиган тарзда олиб борсин, тайёргарлик кўриб, тарқок Умматингизни бирлаштирсин, душманингиз юрагига кутқу солсин, дахлсизлигингизни мудофаа қилиб, орангизда адолат ўрнатсин, ҳақ-ҳуқуқингизни баробар улашсин, бутун инсониятни Ғарб ёвузликлари ва жинойтларидан кутқарсин, ана шунда, мушриклар исташмаса-да, Аллоҳ унинг қўли билан динингизни барча динлардан ғолиб қилади.

Аллоҳим, Уммати Муҳаммадни Ўзинг рози бўладиган ва нусратинга лойиқ қиладиган йўлга бошла, эй раҳмлилар раҳмлиysi. Ўзингдангина ёрдам сўраймиз, паноҳ тилаймиз. Биз Сенинг дарвозанг олдида заифҳол турибмиз, ҳовлинг бўсағасида ёлворяпмиз, мадад ва ёрдамингга музгармиз, шунинг учун дининга ёрдам бер Аллоҳим, ваъдангни амалга ошир Аллоҳим, нусратингни нозил қил Аллоҳим, омин. Аллоҳим, ҳар ҳолатдау ҳар онда Ўзинга ҳамд айтамиз.

<sup>1</sup> Нигилизм – скептицизмдан фарқсиз ўлароқ, объектив воқеликни аниқ ишонч билан билиш имкониятини инкор этувчи йўналишдир.

<sup>2</sup> Постмодернизм – иккинчи бўлим маданиятидаги йўналиш бўлиб, XX асрда модернизмнинг асосий принципларидан воз кечиш ва ўтмишдаги турли услуб ва йўналишларнинг элементларидан фойдаланиш, демакдир. □

## УЛАМОЛАР УММАТ САРБОНЛАРИДИР, УЛАР ТЎҒРИ БЎЛСАЛАР УММАТ ТЎҒРИ БЎЛАДИ (2)

Абдурахмон Омирий – Яман

Дарҳақиқат, бизнинг асл Ислом динимиз илмга чорлайди. Чунки илм билан дунёю охираг ишлари ислоҳ бўлади, тўғриланади. Илмсиз далалар вайрон бўлади, насллар қуриб-битади. Ушбу илмни Аллоҳ Азза ва Жалла тақво мезони, хурмат-икром ва афзаллик ўлчови қилди. Шунинг учун бутун оламда Одам боласини афзал қилиб, жин, фаришта ва шайтонлар каби бошқа махлуқотдан муқаррам этди.

Таъкидлаш лозимки, Аллоҳ Азза ва Жалла ўзининг ояти карималарида уламоларни улуғлаб, обрўлари ва кадр-қийматларини кўтариб, бундай деди:

﴿شَهِدَ اللَّهُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَالْمَلَائِكَةُ وَأُولُو الْعِلْمِ قَائِمًا بِالْقِسْطِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ﴾

*«Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари – адолат билан ҳукм қилгувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқлигига, фақат Унинг ўзи борлигига гувоҳлик бердилар. Ҳеч қандай илоҳ йўқ, фақат Унинг ўзи бор, У қудратли, ҳикмат эгасидир»* [Олим Имрон 18]

Аллоҳ Азза ва Жалла ушбу ояти каримада уламолар гувоҳлигини Ўзининг ва фаришталарининг гувоҳлигига тенглаштирди. Илм аҳлини жоҳил кимсадан афзал ва мумтоз эканига шунинг ўзи кифоядир. Шундай экан, шариатда ушбу уламоларнинг роли нима ва зиммаларига қандай буюк масъулият юкланган?!

Уммат уламолари зиммасига катта вазифа ва масъулиятлар юкланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1 – Воқеликни тушуниш ва унга Аллоҳнинг ҳукмини бериш. Бунда айни ҳукмнинг ҳукмдорларга ёки Умматга ёқадими, йўқми, фарқи йўқ. Чунки мақсад, Уммат бахтсизлиги эмас, балки манфаатини, инқирозини эмас, балки уйғонишини кўзламоқдир. Чунки шариат билан Уммат уйғонади, шариатсиз у инқирозга юз тутади.

2 – Ҳукмдорларга насиҳат қилиш ва ҳақ сўзни айтиш, журъат ва шижоатли бўлиш. Ҳукмдорлар сабабли фитнаганиб қолмаслик учун уларга яқин бўлмаслик. Мақтамай, ялтоқланмай, ҳукмдорларнинг онгида Ислом аҳкомларини уйғотиш ва шу аҳкомларга амал қилишга етаклаш. Агар ҳукмдорлар Ислом аҳкомларига ёки фуқаро ҳақ-ҳуқуқларига нисбатан бирор хилоф иш ёки эътиборсизлик қилишса ёхуд фуқаро ва Умматга зарар келтирадиган қонун ишлаб чиқишса, улардан ҳисоб талаб қилиш.

Ҳар қандай зарарни даф қилиш ва унга қарши курашиш. Бунда зарар борасида фуқародан шикоят тушган ёки тушмаганлигининг фарқи йўқ. Дарвоқе, Куръони Каримда ўзларининг муҳим вазифаларидан воз кечган ҳамда шайтонга ва нафс-ҳавосига эргашган уламолардан огоҳлантирилган. Аллоҳ Таоло бундай деди:

﴿وَأْتَلُ عَلَيْهِمْ نَبَأَ الَّذِي آتَيْنَاهُ ءَايَاتِنَا فَانْسَلَخَ مِنْهَا فَاتَّبَعَهُ الشَّيْطَانُ فَكَانَ مِنَ الْغَاوِينَ﴾

**«Уларга шундай бир кимсанинг хабарини тиловат қилингки, у кимсага оятларимизни билдирган эдик. Бас, у ўша оятларимиздан четлангач (яъни уларга амал қилмагач), уни шайтон эргаштириб кетиб, йўлдан озгувчилардан бўлиб қолди»** [Аъроф 175]

3 – Ислом аҳкомлари ҳақида Умнат онгини уйғотиш ҳамда Умнатни фанога эмас, тараққиётга элтадиган уламолар армиясини бунёд этиш. Зотан, уламолар позиция ва воқеа-ҳодисаларга етакчилик қилишади ҳамда Умнатга етадиган ҳар бир мусибатни ҳал этиб беришади. Айнан уламолар билан нарсалар моҳияти аниқланиб, қўйилган тузоқлар фош бўлади. Чунки Умнатнинг онги ва ғамхўри уламолар дейиш мумкин. Уламолар янги-янги масалалар учун муносиб шаръий аҳкомларни истинбот қилишади, улар истинбот қилган аҳкомлар орқали Умнат ҳар бир яхшиликка ва Аллоҳнинг аҳкомларига йўл топади. Қолаверса, розилигига ноил бўлади. Бу эса, Умнат онгини уйғотишсиз амалга ошмайди. Бунинг учун эса, дарслар ва муноқашалар уюштирилиб, маъруфга буюриш ва мункардан қайтаришдек фарз амали адо этилади. Зеро, ушбу фарзни адо этиш масаланинг асоси ва ҳар қандай фикрий инкилобнинг бош моторидир.

4 – Хукмдорларни доимо даъват ва жиҳодга тарғиб қилиш. Чунки даъват билан жиҳод Ислом рисоласидаги буюк ғояни рўёбга чиқаради:

﴿وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ وَيَكُونَ الرَّسُولُ عَلَيْكُمْ شَهِيدًا﴾

**«Шунингдек, сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва пайгамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун васат (адолатли) бир Умнат қилдик»** [Бақара 143]

Шунингдек, одамларни бу нарсаларга тарғиб қилиш, Ислом аҳкомларига қарши бўлган ғаразли гап-сўз ва муҳолиф фикрларга қарши курашиш ҳамда одамлар ва армияни ҳис-туйғуларини кўзғаш ва уларда шижоат уйғотиш орқали даъват ва жиҳодга тарғиб қилиш, буларнинг барчаси уламоларнинг вазифаларидан биридир.

5 – Уламолар билан Аллоҳ ўртасидаги аҳду-паймон ва мисоқ-ваъдага вафо қилиш, буни кенг ёйиб, яширмаслик, сир тутмаслик. Дарҳақиқат, Аллоҳ Азза ва Жалла ўзининг Куръонида бундай дейди:

﴿يَوْمَئِذٍ يَوَدُّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَعَصَوُا الرَّسُولَ لَوْ تُسَوَّىٰ بِهِمُ الْأَرْضُ وَلَا يَكْتُمُونَ اللَّهَ حَدِيثًا﴾

*«У кунда кофир бўлган ва пайгамбарга итоатсизлик қилган кимсалар ер билан яксон бўлиб кетишни орзу қиладилар ва лекин Аллоҳдан бирон гапни яшира олмайдилар»* [Нисо 42]

Яна бундай дейди:

﴿فَوَيْلٌ لِلَّذِينَ يَكْتُمُونَ الْكِتَابَ بِأَيْدِيهِمْ ثُمَّ يَقُولُونَ هَذَا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ لَيْسَتْ رَأْيَهُمْ نَمَّا قَلِيلًا فَوَيْلٌ

لَهُمْ مِمَّا كَتَبَتْ أَيْدِيهِمْ وَوَيْلٌ لَهُمْ مِمَّا يَكْسِبُونَ﴾

*«Ўз қўллари билан китоб ёзиб, сўнгра озгина қийматга сотиш учун: «Бу китоб Аллоҳнинг ҳузуридан келди», дейдиган кимсаларга ҳалокат бўлсин, бас, ёзган нарсалари уларга ҳалокат бўлсин, топган фойдалари уларга ҳалокат бўлсин»*

[Бақара 79]

Чунки уламоларнинг ҳақиқатни яширишлари Аллоҳнинг ҳукмини яшириш, демакдир. Қолаверса, Умнат ҳам Аллоҳнинг шариатини зое кетказгани сабабли Унинг ғазабига учрайди.

6 – Сиёсий воқеликни ҳамда халқлар, давлатлар воқеини, уруш ҳолатидаги ва вақтинча сулҳ тузилган давлатлар воқеини онгли равишда тушуниш, Умнатга қарши тўқилаётган тил бириктирув ва фитналарни фош этиб, кофир Ғарб лойиҳаларини очиб ташлашга ҳаракат қилиш. Шунингдек, Умнат онгли бўлиши ва ғафлатда қолмаслиги учун уни фикрлар, тушунчалар, воқеа-ҳодисалар ва сиёсий таҳлиллар билан ўраб олиш.

7 – Умнатнинг халоскор ва қутқарувчи лойиҳаси бўлган рошид Халифалик лойиҳасини амалга оширишга ҳаракат қилиш. Халифаликка далолат қилувчи оят ва ҳадисларни баён қилиш, тафсир қилиш ҳамда умумий онгдан келиб чиққан жамоатчилик фикрини касб қилиш, ушбу давлат айна жамоатчилик фикрига қарши чиққан ёки уни Умнат лойиҳасидан бурадиган бўлса, унга босим қилиш. Чунки Умнатдаги мана шундай онг давлатнинг ҳаромга кириб қолишидан сақловчи омил вазифасини ўтайди.

Умнат – инқирозлардан қутқаради, деб ўйлаган ҳамма тариқат-йўллардан ўзининг ҳизблари, жамоалари ва шахслари ёрдамида юриб кўрди. Бироқ улар билан бир тойилиш кетидан иккинчи бир тойилишга йўлиқди... Бу – уни яна инқирозга юз тутишига олиб

келяпти, бирор уйғонишга муваффақ бўлолмапти. Ҳа, Ислонинг ўзгартиришдаги ягона тариқатига хилоф йўлларни ўз тажрибасида синади. Масалан, демократия бошқарувини қўллаб, унда иштирок этиб кўрди. Аммо Ғарбдаги душманлари унга имкон бермади... Ҳатто бу ҳизблар айна тариқатларни ушлаш билан душманларга ён бериб, Ислонинг ўзгартиришдаги тариқатидан, яъни, Росулulloҳнинг тариқатларидан воз кечишса ҳам имкон бермади. Умнат ўз тажрибасида сиёсат билан шуғулланмаслик, масжидларда эътикоф қилиб, ҳаёт ишларига эса, аралашмаслик йўлини синаб кўрди, аммо омадсизликка учрайверди... Зўравонлик йўлини тутиб, моддий ҳаракат қилиб кўрди, фойдаси бўлмади. Суннат амалларни маҳкам ушлаб, Ислон билан бошқариш, Халифаликни барпо этиш каби буюк фарзларни тарк қилди, барибир, воқелик ўзгармади. Мазҳабпарастлик ва тоифачилик йўлини ушлади, аммо бу унга бало бўлди, Ғарб фойдасига хизмат қилди... унинг сабабидан Умнат сунний ва шиага бўлиниб, парчаланиб кетгани қолди. Буюк Аллоҳ бундай дея нақадар ҳақ сўзлаган:

﴿قُلْ هٰذِهِ سَبِيلِي اَدْعُوْا اِلَى اللّٰهِ عَلَىٰ بَصِيْرَةٍ اَنَا وَمَنْ اَتَّبَعَنِي ۗ وَسُبْحٰنَ اللّٰهِ وَمَا اَنَا مِنَ الْمُشْرِكِيْنَ﴾

*«(Эй Муҳаммад) айтинг – менинг йўлим шудир, мен Аллоҳга даъват қиламан, мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга – ишончга эгамиз. (Ҳар қандай шерикдан) Аллоҳни поклайман, (зеро) мен мушриклардан эмасман»* [Юсуф 108]

﴿وَمَنْ اَعْرَضَ عَن ذِكْرِيْ فَاِنَّ لَهُ مَعِيْشَةً ضَنْكًا وَّحٰشْرُهُ يَوْمَ الْقِيٰمَةِ اَعْمٰى﴾

*«Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта унинг учун танг-бахтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни қиёмат кунида кўр ҳолда тирилтирурмиз»* [Тоҳа 124]

Шундай қилиб, бу ҳизблар, жамоалар ва уламолар олдида Росулulloҳ ﷺнинг ўзгартиришдаги тариқатларини танлашдан, шунга амал қилиб, оғиз тишлари билан маҳкам ёпишишдан, қаричма-қарич шу тариқат бўйлаб юришдан ўзга йўл қолмади. Чунки шу тариқатгина халоскордир. Бу тариқат шундан иборатки, Росулulloҳ ﷺ саҳобалардан ташкил топган жамоа-ҳизб туздилар. Зеро, ул зотнинг ёлғиз ўзларининг ҳаракатлари фойда бермаган эди. У зот ушбу ҳизб билан битта қалб ва битта ақл бўлдилар. Яъни, Росули ақрам бу жамоа ақлини Ислон билан сақофатладилар, нафсиясини тоат-ибодатлар ва Аллоҳга яқин қилувчи мандублар билан қўллаб-қувватладилар ҳамда улардан ақлия ва нафсияси мумтоз бўлган бир исломий шахсияларни

етиштирдилар. Бу – Ислом динини бошқаларга етказиш учун эди. Ҳақиқатдан ҳам улар Исломни мукаммал равишда етказдилар ва мукаммал равишда тарқатдилар. Сўнг севиқли Пайғамбаримиз куч-қудрат аҳлидан мудофаа талаб қилиш йўлини бошладилар, улардан саҳобаларини ва чорасиз қолган ҳизбини зўравон кофирлардан ҳимоя қилишни сўрадилар. Қолаверса, Исломни одамларга етказиш керак эди, қудрат аҳлисиз эса, Исломни ёйиш имконсиз. Дарҳақиқат, Ислом билан бошқарувчи бир давлат мана шу икки иш, яъни исломий ақлия ва шахсияларни етиштириш билан дунёга келди. Бу давлат Ислом аҳкомлари учун сиёсий ижройи вужуд тузиб, уни ичкарида татбиқ қилди ва ташқарига ёйишга ҳаракат қилди. Бас, модомики, самодан қўллаб-қувватланувчи Росулумиз бир гуруҳ тузиб, уни кучайтирган экан, Исломни ёйишни истайдиган, ҳақиқатлару фитналарни фош қиладиган, зўрлаб тикиштирилган куфр фикрлари ва ақидаларига зарба берадиган, бу ишда мутасаддилик қилиб, Умнатни жиҳодга қизиқтирадиган, ҳақни гапирадиган ва Умнатни уйғотишга ҳаракат қиладиган ва бу ишлари сабабли малай ҳукмдорлар, ёлланган жосуслар, Умнатга тузоқ қўювчиларнинг қарши курашига дуч келадиган олим ва фақиҳлар нима учун бир гуруҳ атрофида бўлмайдилар. Ахир, бу гуруҳ ўша олим ва фақиҳларга ёрдам беради-ку, улар ҳам ўша гуруҳга ёрдам бериб, диндан таълим берадилар-ку, шунингдек Ислом фикрларини ёйишда уламоларга ушбу гуруҳ кўмакчи бўлади-ку! Шунинг учун ушбу улуғ олимлар бирор бир Ҳизбнинг сафида бўлмоқлари ёки инқирозга учраган бу оламни шариат асосида ўзгартириш, уни уйғотиш ва онгини ўстириш йўлида фаолият қиладиган бирор бир ҳизбни таъсис этмоқлари лозим. Бундай ҳизб ва жамоа ташқарисида ўзгартириш яшашнинг имкони йўқ. Чунки бу уламоларнинг ақллари ва қалблари, гарчи ажал, ризқ, қазо ва қадар, Аллоҳга таваккал қилиш, сабабларни ушлаш билан бойиган бўлса ҳам, бироқ таҳдидларга ва қўрқитишларга учрашлари, бир четга чиқариб юборилишлари мумкин. Шу сабабдан улар ҳизб ичида бўлмоқлари шарт. Уларнинг ҳизб ёки жамоа ичида бўлишлари, нафақат Умнатга, балки бутун оламга жон киритадиган фикр ва сақофатнинг давоматини кафолатлайди. Чунки уламолардан четда бўлиш, Умнатни нобуд қилади, далаларни вайрон қилади, насларни қурилади, Умнатни душманга мағлуб қилади, саводсизлик ва қашшоқлик келтириб чиқаради, динни зое кетказилади, фуқарони қочқинга айлантиради, юртни босқинчилик остида қолдиради, осий-гуноҳ ишлар кенг

ёйилади, битта Умнат фарзандлари орасида ўзаро жанглар келиб чиқади...

Бугунги аҳволимиз худди шундай. Умнат қўй-қўзиларга айланиб қолган бўлиб, Ғарб бўрилари уни истаганча тишлаб толаяпти. Юқорида айтилган сабабларга кўра, ушбу илмдан Умнатга куч-таянч бўлувчи янги-янги уламолар етишиб чикмоғи лозим. Улар Умнат динини қоим қилишлари, унинг Аллоҳ билан бўлган аҳд-паймонларини янгилашлари, ўзларидан олдинги ўтган уламолар ишларини тамомига етказиб, шу илм билан Умнатни уйғотишлари зарур. Зотан, Умнат шундай уламоларнинг бор бўлиши билан бор бўлади, йўқ бўлиши билан фанога юз тутди. Чунки анбиёлар дирҳам ёки динор мерос қолдирмаганлар, балки илмни қолдирганлар ва бу илм то қиёмат соатига қадар олимдан олимга мерос бўлиб қолади.

Ҳа, Умнатнинг уйғониши ҳам, унинг исломий Халифаликни барпо бўлишда гавдаланувчи буюк лойиҳасини амалга ошиши ҳам ушбу илм билан кафолатланади. Ушбу буюк лойиҳа амалга ошганда эса, Умнат бу дунёю охиратда хавфсизлик ва омонликни таъминловчи Исломий Халифалик шарофати билан ўзининг собик куч-қудратини қайта тиклайди.

Ҳа, эй уламолар, сиз шундай бир жамоага қўшилмоққа лойиқсизки, у Аллоҳдан кўрқадиган, Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан кўрқмайдиган, қўлида буюк ҳазоратига оид лойиҳаси бўлган ростгўй ва онгли жамоа бўлсин... Бу лойиҳада иқтисод, бошқарув, адлия, таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой ва бошқа соҳалар билан боғлиқ барча ҳаётий тузумлар баён қилинган бўлсин. Мана шундай жамоа ҳақида Аллоҳ Таоло бундай деган:

﴿وَلَتَكُنَّ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

**«Орангиздан яхшиликка (Исломга) даъват қиладиган, маъруфга буюриб, мункардан қайтарадиган бир жамоа бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчилардир»** [Оли Имрон 104]

Ушбу ояти карима шундай бир ҳақиқатни очиклаб бермокдаки, бу ҳақиқат оғизлар ва кўзлардан четда қолиши ёки ундан ҳеч ким ўзини беҳабар кўрсатиши мумкин эмас, фақат йўлдан озиб, нафс-ҳавосига эргашганларгина шундай бўлиши мумкин. Ҳа, маъруфга (Исломга) буюриб, мункардан қайтарувчи бир жамоа бўлишини васият қиляётган бу ояти каримадаги хитоб умумий бўлиб, Аллоҳнинг юзи ва ризосини истовчи ҳар бир холис мусулмонга қарата айтилган. Модомики, оддий мусулмонларга шундай хитоб қилинаётган экан, иш бошида турувчи уламолар ҳақида нима

дейиш мумкин?! Ахир, уламоларсиз ўзгариш яшаш мумкинми?! Уларсиз ўзгариш фалокатга олиб бориши аниқ! Шунинг учун ҳам уламолар ушбу жамоанинг бошида бўлмоқлари керак. Чунки улар анбиёлар меросхўрлари бўлиб, Росулulloҳдан дирҳам ва динорни мерос қилиб олишмаган, балки фикр, шариат ва динни, яъни, буюк Исломни мерос қилиб олишган. Шу сабабдан уламоларнинг ҳақ жамоадан ўзларини олиб қочишлари Умнатнинг инкирози ва қоқоқлигига жиддий салбий таъсири қилди, уни бутунлай емирилиш жарлиги ёқасига олиб келди.

Бас, эй анбиёлар меросхўрлари, Аллоҳнинг ер юзидаги гувоҳлари! Аллоҳга қасамки, ўз ишингизни ўнглаб олмоғингиз вақти келмадими, Аллоҳ билан ростгўй бўлиб, ниятингизни холис қилиб, Умнатни уйғотиш ва унинг обрўсини кўтариш билан шуғулланаётган ҳамда ундан хорлигу хўрлик губорларини қоқиб-тозалаётган бир гуруҳга қўшилсангиз бўлмайдими?! Наҳотки билмасангиз, ахир, сиз даъватни етказишга эътиборсизлик қилиш билан Умнатнинг таназзулига, қоқоқлашишига ва ажнабийлар қўлида гаров бўлиб қолишига сабабчи бўлдингиз. Ҳа, мусулмонларнинг таназзул ва бахтсизликка юз тутишлари сабабларидан бири уламоларнинг фаол ва муҳим ролларидан воз кечишларидир. Бу нарса балоларга, бадбахтликларга, душманларнинг ютуғига олиб келди. Ҳатто уламолар ўткинчи дунё матоси эвазига ҳақиқатни бузиб кўрсатишди, динларини сотишди, Аллоҳнинг ҳукмига зид фатволарни беришди. Ҳукмдорлар зулмидан қўрқиб, мунофиқлик ва ялтоқлик қилишди, ҳукмдорлар Роббисидан эса, қўрқишмади. Бугунги замонимизда АҚШнинг Ироққа бостириб кириши жоизлигига фатво беришди, америкаликларни дўстлар, дея даъво қилиб, улар билан алоқа қилиш мумкин, дейишди. Ваҳоланки, америкаликлар душмандирлар?! Сармоя ётқизиш, деган дастак билан судхўрликка рухсат беришди, ўзини шаҳид қилиш амалиётини худкушлик, дея ҳаромга чиқаришди. Ҳукмдорлар Аллоҳ нозил қилган диндан бошқа нарса билан ҳукм юритишаётган бўлишса ҳам, «уларни сайлаш жоиз, чунки улар ҳамон иш эгаларидирлар», дейишди. Парламент ҳаром қонунларни ишлаб чиқаётган бўлса ҳам, уларни сайлаш жоизлигига фатво беришди. Ваҳоланки ҳукм юритиш керак бўлган ягона тузум Ислом тузумидир. Мусулмонлар ўртасидаги ўзаро жангга ҳам рухсат беришда, ҳолбуки, бу жанг АҚШ ва Британиядан иборат Ғарбдаги хўжайинлари манфаатига хизмат қилмоқда. Мана, араб давлатлари яҳудийлар вужуди бош раиси нажас Нетаньяху билан учрашиб, уялмай, ҳаё қилмай, бу



босқинчилар билан муносабатларни нормаллаштиришмоқда, уламолар эса, бунга сукут сақлашмоқда! Бу қандай бало бўлди?! Сиз уламолар ҳисоб берадиган ҳақ калимаси қаерда қолди?! Аллоҳдан тақво қилиш ва кўрқиш қани?! Эй Миср, Саудия, Туркия, Эрон, Покистон, Ироқ, Тунис, Қатар, Сурия, Амирликлар, Яман, Фаластин, Судан ва Марокашдаги уламолар, нега мусулмон юртларидаги барча жиноятларга сукут қиялсиз?! Хорликка ва ўтқинчи дунё матосига рози бўлиб, шунга таянмасизми, ахир, бу дунё ҳаёти охираат олдида сариқ чақага арзимайди-ку?! Мана, унга таянишни Аллоҳ Азза ва Жалла нима демоқда:

﴿وَلَا تَرْكَنُوا إِلَى الَّذِينَ ظَلَمُوا فَتَمَسَّكُمُ النَّارُ وَمَا لَكُم مِّنْ دُونِ اللَّهِ مِنْ أَوْلِيَاءَ ثُمَّ لَا تُنصَرُونَ﴾

**«Зулм йўлини тутган кимсаларга таянманглар (эргашманглар). Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар. Сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст йўқдир. Кейин (яъни зolimларга эргашсангиз) сизларга ёрдам берилмас»** [Ҳуд 113]

Ҳақ сўз қаерда?! Аллоҳдан кўрқиш қаерда қолди?! Ким кўрқишга лойикрок, қудрати улуғ Аллоҳми ёки сотқин ҳукмдорларми?! Ҳа, анави уламолар ҳукмдорлар зулмидан кўрқиб, уларга лаганбардорлик қилишди. Шунингдек, улар ҳукм юритаётган тузумда бошқарув халққа берилганини, Исломга берилмаганини баён қилишмади. Улар Ислом билан куфрни аралаштиришди ва куфр режимларини чиройли қилиб кўрсатишди. Уйғоқ Умматнинг ўзи уламоларини кадрлаб, уларни ўз бағрига олади. Бироқ ҳар қандай олимни эмас, анави тоғут ва шайтон режимларни дўст тутган малай олимни эмас, балки илмига амал қиладиган раббоний тақволи тоза ва ҳалол олимни кадрлайди.

Уммат билан уламолари ўртасидаги ришта мустаҳкам бўлмоғи даркор. Чунки уламолар ҳақ сўзни айтсалар, Уммат бу сўзни татбиқ қилади. Қалблар ва ақлларга жон киритадиган, залолат ва бадбахтлик зулматини ёритадиган илмни уламолардан олади. Олимнинг Уммат билан бўлган алоқаси, икки қўлнинг бир-бирига бўлган алоқаси кабидир ва тананинг ўсиши, ривожланиши шунга боғлиқдир. Аслида, Умматнинг уйғониши ҳақида Аллоҳ Таоло бундай деган:

﴿فَسْئَلُوا أَهْلَ الذِّكْرِ إِنْ كُنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ﴾

**«Агар билмайдиган бўлсангизлар, билувчи-олимлардан сўранглар»** [Анбиё 7]

Ҳа, уламоларнинг соғломлиги – ҳам Уммат, ҳам ҳукмдор ва ҳам армиянинг соғломлигидир. Чунки бу учаласи тўғри йўл топиш

учун уламоларга мухтожлар. Зиммаларидаги Аллоҳнинг ҳаққини ҳам, адашган пайтларида насихат олиб, тўғриланишни ҳам шу уламолардан оладилар. Чунки уламолар бугунги зулматли кунларда мисоли йўлчи юлдуздирлар... Улар Аллоҳнинг номидан рухсат берувчидирлар. Шаръий аҳкомлар бўйича ҳаракат қилиш учун ҳукмларни муфассал далиллардан истинбот қилувчилар ҳам уламолардир. Шунинг учун уларнинг адашиши фалокатдир... уларнинг мудраш ва ғафлатлари мусибатдир. Бу нарса Умнатни орқага тортиб кетади. Чунки Умнат уламоларга қараб қадам ташлайди. Чунки улар Умнатга ё йўлдан озиб ҳалок бўлишга ёки нажот топишга сабаб бўлувчи сарбондирлар. Биз Қуръонни махлуққа чиқариш ҳақидаги қиссада улуғ олим имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг позицияси ҳақида сўз юритдик. Ўшанда одамлар у кишига ҳукмдорнинг зўравонлигидан қутулиши учун узрли сўз айтишни маслаҳат беришганда, бундан мутлақо бош тортган эди. Ҳақиқатдан ҳам тақволи, пок, холис, ҳақ сўзни айтишда журъатли бўлган ўша уламоларимиз охиратга имон ва ақида кўзи билан бокдилар, уни худди кўзлари билан кўргандек воқеликка кўчирдилар. Бас, уларга охират муборак бўлсин ва уларнинг йўлидан юрганларга ҳам муборак бўлсин. Энди, мияда бу савол айланмоқда, Умнат ўз уламолари билан қандай уйғонади?

Умнат Аллоҳнинг ер юзида ижро этиб, ҳукм юритадиган шариатисиз ҳаргиз уйғонмайди. Ушбу шариатни эса, султон ва султон билан бирга тақволи покдомон кучли раббоний олим ҳақ йўлда татбиқ қилади. Олим залолатга ва жаҳолат жарлигига қулашдан, тўғри йўлдан озишдан кўрққани учун андак адашишни ҳам тўғрилаб туради. Агар ҳукмдор ҳақдан адашса, уни ҳам мана шу олим ҳаққа тўғрилаб қўяди. Агар гиначи нопок бир маккор Исломга тескари бегона фикрни киритса, олим унинг қаршисига куч билан чиқиб, бундай иллатли фикр таъсирини ўчириб, кулдек тўзитиб ташлайди, унинг сохта ва хато эканини очиб беради.

Аммо олимнинг ўзи тўғри йўлдан озса мусулмонлар уламолари ичидан бошқа бир олим уни тўғрилаб туради. Чунки Умнат орасида ҳеч қачон раббоний олимлар узилмайди. Чунки бу – Ислом неъматларидан биридир. Аллоҳ ушбу Умнатга ҳар юз йилнинг бошида битта зотни динни янгиловчи киши сифатида юбориб, уни ҳар қандай адашишдан сақлаб туради. Ҳақиқатдан ҳам, уламолар туфайли Умнат тўғриланади, ишлар ўз маромида кетади. Уламоларсиз эса, Умнат ҳалок бўлади. Аммо Умнат уламоларсиз қолса, йўлни қандай топиб олади?! Бунга улуғ олим Аҳмад ибн Ҳанбалнинг жавоби. Ўшанда ундан баъзи шогирдлари

пардалаш, деган нарсани дастаклаган ҳолда ҳақни айланиб ўтишни талаб қилишганда, бундан қатъий бош тортди ва «агар олим пардалашга рухсат берса, ҳақ қачон намоён бўлади?!», деб жавоб қилди. Ҳақ олими ҳақ сўзни ўз вақтида айтмасликнинг хавфини билади, бу нарса Умматни ҳалок қилишини, динни тарашлаб-қириб ташлашини англайди. Чунки бу Умматни залолатга етаклаб, ҳақни зое кетказди, фасодни кенг ёяди, Аллоҳнинг ҳукмини бузади.

Ҳа, ўша ҳақиқий фикрга эга уламолар сабабли Исломнинг кучли фикри кенг ёйилади, соғлом тушунчалар ҳукмрон, адаштирувчи тушунчалар яксон бўлади. Шундай уламолар туфайли Уммат уйғониш ва исломий ўзгариш сари қадам ташлаб, унда умумий онгдан балқиб чиққан жамоатчилик фикри ҳукмрон бўлади. Зотан, воқеликни ўзгартириш ва давлатни бутун тузилмаларию ғайриилоҳий конституциялари билан қўшиб йўқ қилишни талаб қилувчи ҳам мана шу жамоатчилик фикридир. У ҳокимиятга қарши оммавий босим пайдо қилади, ҳокимиятнинг унга қарши туришга кучи етмайди. Бунга армия ва қабилалардаги қудрат аҳлининг онгини қўшадиган бўлсак, бу уларни хотиржам равишда ўз динларига ва Умматларига нусрат беришга ундайди. Дарҳақиқат, Пайғамбаримиз ﷺнинг муаттар сийратлари ҳам Халифалик барпо бўлиши учун Исломни ҳокимиятга олиб чиқишга нисбатан умумий онгдан балқиб чиққан жамоатчилик фикри шарт эканини, қудрат аҳлига муҳтож бўлишликни кўрсатмоқда. Ҳатто Халифалик барпо бўлиб, бошқарув, иқтисод, адлия, таълим каби ҳаётнинг турли соҳаларида Исломни татбиқ қилаётган пайтда ҳам, ҳукмдорларга насиҳат қилиш ва улар билан биргаликда Аллоҳнинг амирини бажариш учун уламоларга муҳтож бўлинади. Бас, эй Уммати Муҳаммад! Аллоҳ ҳаққи, уламоларни ҳар доим тўғри позиция эгаллашга ундаб туринг!

Шунинг учун уйғониш йўлида ҳаракат қилаётган уламолар агар Аллоҳ олдидаги жавобгарликдан қўрқсалар, қуйидагиларни амалга оширмоқлари лозим:

1 – Аллоҳга юзланиш, Унга ниятни холис қилиш, Унга берган аҳду-паймонага риоя қилиш. Чунки аҳд-паймон қиёмат кунида сўраладиган ишдир.

2 – Ислом фикрларини ёйиш ҳамда Ислом ақидаси ва у билан боғлиқ фикрлар ва шариат аҳкомлари ёрдамида Умматнинг онгини ўстириш. Буни дарслар, баҳс-мунозаралар, форумлар, ўтиришлар орқали амалга оширилади. Шунингдек, Умматнинг қалби ва ақлига ажал, ризқ, қазо ва қадар Аллоҳдан, деган ақидани

мухрлаш, унда умид чироғини ёқиб, унга сарбонлик қилиш, ақлиялари манфаатга эмас, фақат шаръий ҳукмга қурилган бўлишини таъминлаш.

3 – Ҳукмдорларга насиҳат қилиш ва уларни ҳаққа қаттиқ бўйсундириш, Исломни татбиқ қилишга қаттиқ ундаш, Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифалик давлатини барпо этишга қаттиқ туриш, ушбу давлатнинг дастур лойиҳасининг Аллоҳнинг Китоби ва Росулининг Суннатидан олинган бўлишини таъминлаб, ҳар қандай султон қаршисида ҳақни айтиш. Токи, уламоларнинг бу иши Росулulloҳ ﷺ айтганларидек, энг яхши жиҳодга айлансин:

«إِنَّ أَعْظَمَ الْجِهَادِ كَلِمَةٌ حَقٌّ عِنْدَ سُلْطَانٍ جَائِرٍ»

**«Энг буюк жиҳод золим султон олдида айтилган ҳақ сўздир».**

4 – Умматга қарши Ғарб ва унинг думлари тўқиётган тил бириктирувларни ва тузоқларни фош этиш, уларни яширмай очик баён қилиш.

5 – Армия ва қабилалардаги қудрат аҳлини даъват қилиш ҳамда Уммат ва ҳақ томонида туриб, Умматга нусрат беришини, уни кўллаб-қувватлашини улардан талаб қилиш. Уларни ҳатто вафоти билан Раҳмон Азза ва Жалланинг тахти титраган Саъд ибн Муозга иқтидо қилишга ундаш ҳамда уларни анави хоин ҳукмдорларга қарши чиқишга ва уларни мевани еб, данагини туфлагандек туфлаб ташлашга, харобалари узра Ислом давлатини барпо этишга ундаш, шунингдек, битта халифага Аллоҳнинг Китоби ва Росули ﷺнинг суннатлари асосида ҳукм юритиши шарти билан байъат қилиш. Чунки Уммат Исломнинг қайтишига ва унга нусрат берилишига қаттиқ интизордир.

6 – Уламолар етиштириб чиқариш ҳамда Исломни ёйишда ёрдамчи бўлишлари учун уларга илмни мерос қилиш.

7 – Ушбу уламоларни Росулulloҳ ﷺнинг тариқатлари бўйича динни барпо этишга ўзларини фидо этаётган холис Ислом жамоасига қўшиш. Чунки ҳизб ёки жамоасиз динни барпо этмоқ имконсиздир, улар сафида уламоларнинг ҳам бўлишлари керак.

Азим ва Карим Аллоҳга дуо қилиб, барчамизни Ислом билан ҳукм юритувчи буюк давлат билан сийлашини, бу давлатга эзгуликка бошловчи уламолар етакчилик қилишига ёрдам беришини сўраймиз, чунки У барчамизга яқин ва дуоларимизни ижобат қилувчидир. Сўнгги дуоимиз оламлар парвардигори Аллоҳга ҳамд айтмоқликдир. Саййидимиз Муҳаммадга, у кишининг оиласи ва саҳобаларига беҳисоб салавотлар ёғилсин. □

## КАПИТАЛИЗМНИНГ АЧЧИҚ МЕВАЛАРИ (2)

Мухаммад Зайлай – Яман

Капитализмнинг қулашини кечиктираётган сабабларни ўрганар эканмиз, биз бунинг бир неча сабабларини топамиз. Бу сабаблардан бир қанчаси мабданинг ўзидан келиб чиқади. Буларга ўртача ечим ва манфаатпарастликни мисол қилиш мумкин. Яна бир қанчаси мабданинг ўз жинсидан эмас, балки зарбалар қаршисида уни сақлаб қолиш учун унга ташқаридан қўшилган. Буларга ислохотларни (капитализмга киритилган тузатишларни), мустамлакачилик шаклини ўзгартириш ва халқаро низомни мисол қилиш мумкин. Биз қуйида буларни қисқача баён қилишга ҳаракат қиламиз:

**1 – Ўртача ечим:** Капиталистик мабда ўртача ечимга (муросасозликка) асосланади. Бу муросасозлик дин билан илм-фан ўртасида бўлмаган, балки дин арбоблари билан олимлар ўртасида бўлган. Демак, у икки томон ўртасидаги келишувдир. Бу ечим дин ҳақидаги ва илм-фан ёки фикр ҳақидаги жиддий аклий баҳсдан келиб чиқмаган. Шунинг учун, ақида муаммосини динни ҳаётдан ажратиш орқали ва жамият муаммосини динни сиёсатдан ажратиш орқали ечган капиталистик ечим инсоний ечим эмас, балки индивидуал (якка шахсга хос) ечимдир. Ечимнинг индивидуаллигидан келиб чиқиб, капиталистик мабда шахс учун кичик бир туйнукни (нафасни ростлаб олиш учун қолдирилган ҳаво йўли) қолдиради. Шахсга дунё тор бўлиб кетганида ҳамда ақидавий ва ижтимоий кризислар уни бўғиб юборганида, у нафас ростлаб олиш учун ўзини шу туйнукка уради. Шахснинг нафас ростлаб олиши учун қолдирилган ушбу туйнук инсон табиатидаги тадайюн ғаризасининг бир қисмини қисман қондириш ҳисобланади. Бу туйнук нафас ростлаб олиш учун қолдирилган қўшимча туйнук бўлса-да, капиталистик фикр деворини биров вақт давомида кулашдан сақлайди. Ушбу туйнук ёрдамида ғарбий фикр борлиқнинг барча эҳтимолли изоҳлари олдида – гарчи бу изоҳлар хато ва ақлга зид бўлса-да – эшикни очик қолдиради.

**2 – Манфаатпарастлик ўлчови:** Капиталистик фикрдаги амаллар ўлчови айти шу ақидавий туйнукдан келиб чиқади. Капитализмнинг халқларга нисбатан зулмини кучайтиришига ҳамда халқлар бойлигини жирканч йўллар билан эксплуатация қилишига қарамасдан, нега давом этаётганини ушбу манфаатпарастлик ўлчовидан тушуна оламиз. Манфаатпарастлик – у иқтисодий жиҳатдан прагматизм, сиёсий жиҳатдан макиавеллизм деб аталишидан қатъий назар – капиталистик мабдани сақлаб

қолишга ундовчи инстинктив омилдир. Капитализмда мулк эркинлигидан тортиб ишлаш эркинлигигача, шахс эркинлигидан тортиб фикр эркинлигигача бўлган эркинликлардан шахс ўзи учун фойдали деб билганини олади ва зарарли деб билганини тарк этади. Чунки, барча эркинликларни рўёбга чиқаришга ундовчи асосий омил манфаатпарастликдир. У шахсни ҳаётдаги энг юксак орзуларни, яъни мумкин қадар кўпроқ жисмоний хузур-ҳаловатни кўлга киритишга ундайди. Манфаатпарастлик қондириш масаласида чегара билмагани ҳамда одамларни товар ва хизматлар устида курашишга ундагани сабабли уни бирор механизм билан тартибга келтириш керак бўлиб қолди. Мана шундан келиб чиқиб, нарх барча эркинликларни ҳамда талаб ва таклиф қонунига мувофиқ манфаатларни тартибга келтирувчи механизмга айланди. Бирок бу ерда шундай муаммо бор эдики, ким етарли нархга эга бўлмаса манфаатлардан фойдалана олмайди ва ким эга бўлса барча манфаатларни монополия қилиб олади. Шундай қилиб, ҳатто ушбу тартибга келтирувчи механизм ҳам мабданинг ўзи учун хатарли бўлиб, уни ҳам чеклаб қўйиш керак бўлиб қолди. Шу боис, капитализм ўзининг эрта қулашини олдини олиш учун ислоҳотлар (тузатиш киритиш) босқичига кирди.

**3 – Тузатиш киритиш:** Капиталистик мабдага давлат социализми ва ижтимоий таъминот деган номлар орқали тузатиш киритилди. Давлат социализмига келсак, у ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярми бошларида Европада пайдо бўлди. Уни социалистик партиялар (Англияда Роберт Оуэн, Францияда Сен-Симон) ҳақиқий социалистик партияларга – улар хусусий мулкчиликни бутунлай бекор қилишга чақирадиган партиялар ёки капитал социализмига ва қишлоқ хўжалиги социализмига чақирадиган партияларми, бундан қатъий назар – қарши туриш учун номигагина қабул қилишган. Давлат социализми банк ва транспорт воситалари каби жамиятдаги айрим муҳим секторларни давлат мулкига айлантиришни кўзда тутди. Шунингдек у ишчиларни ҳимоя қилиш учун сиёсий ва касаба уюшмаларни ташкил қилиш ҳуқуқини бериш билан бирга ойлик-маошларнинг энг қуйи, фойданинг энг юқори даражасини белгилашни ҳам кўзда тутди. Ижтимоий адолатга келсак, у йигирманчи асрнинг биринчи ярмида Россияда большевиклар партияси ҳокимиятга келганидан кейин пайдо бўлди. У камбағалларга таълим олишни ва тиббий хизмат кўрсатилишини бепул қилишда ҳамда ишчи ва хизматчилар ҳуқуқини кафолатлашда ўз ифодасини топадиган муайян тизимни англади.

Иқтисодий хусусиятлари Адам Смит ва Рикардо томонидан белгиланган капиталистик мабдага ушбу тузатиш ва кафолатларнинг киритилиш сабаблари қуйидагичадир: Мутлақ иқтисодий эркинлик қўлланиши натижасида юзага келган зулмларга қарши капиталистик низомда асил бўлмаган (капитализмнинг ўзидан келиб чиқмаган) фавкулудда муолажа сифатида давлат социализми ва ижтимоий адолат пайдо бўлди. Капитализмнинг ҳақиқий социализмга қарши реакцияси сифатида пайдо бўлган ушбу тинчлантирувчи муолажа капитализмни қулашдан сақловчи ҳимоя девори вазифасини ўтади. Ушбу тузатишлар таъсирида капитализм янада кенгайди ва халқлар устидан ҳукмронлик қилиб, эксплуатация қилиш қобилияти ошди. Қолаверса, социализм омадсизликка учраб қулаганидан кейин ва халқаро сахнада капитализмга қарши курашадиган Исломий давлат йўқ бўлиб турган бир манзарада халқлар капитализмнинг зулмини осон ҳазм қиладиган бўлиб қолди.

**4 – Мустамлакачилик шаклининг ўзгариши:** Мустамлакачилик шаклининг ўзгариши капитализмнинг фикрий ва сиёсий етакчилик ўрнидан қулашини кечиктиришга ёрдам берадиган сабаблардан бири ҳисобланади. Яъни, узоқ вақт давомида қуртлар уни кемириб келаётган бўлса-да, у мустамлакачилик шаклини ўзгартириш орқали ўзини қулашдан сақлаб келмоқда. Албатта, капиталистик мабдани дунёга ёйиш тариқати мустамлакачиликдир. Бошида бунинг услуги бевосита ҳарбий босқинлар бўлган ва ҳимоя қилиш, мандат ва васийлик номи остида капитализм ушбу босқинчиликларни яшириб келган. Йигирманчи асрнинг иккинчи ярми бошланиши билан, хоссатан исломий минтақа ўз ерларидан капитализмнинг ҳарбий вужуди чекинганга гувоҳ бўлди. Бироқ, у ҳарбий босқиндан кўра хатарлироқ ва даҳшатлироқ янги мустамлакачилик номи остида кириб келди... Бу – хусусан ҳокимлар ва партияларни, яъни ҳукмрон синфларни малай қилишда гавдаланган сиёсий мустамлакачилик эди... У – қаттиқ назорат қилинадиган халқаро пул системасига минтақани боғлаш орқали хом-ашёни назорат қилишда гавдаланган иқтисодий мустамлакачилик эди... У шунингдек, таълим сиёсатини белгилаб беришда гавдаланган сақофий мустамлакачилик эди. Ғарб услубида белгилаб берилган ушбу таълим сиёсати фикр, таълим ва динда малайларнинг етишиб чиқишини таъминлади. Минтақанинг миллий ва регионал бўлақларга бўлиниб кетиши аҳволни янада оғирлаштирди. Чунки кофир мустамлакачилар қўли билан Усманий Халифалик

кулатилганидан кейин Умнат мустамлакачилик зулми остида азоб чекадиган бўлиб қолди.

5 – Капиталистик мабда халқаро низом ёки дунё тинчлиги номи остида ер юзида янада туғёнга тушди ва бузгунчилик қилди. Биз капитализмнинг қулаши кечикаётгани сабабларини тушуна олишимиз учун халқаро низомнинг пайдо бўлиш сабабини ва унинг бугунги воқесини билиб олишимиз керак бўлади. Чунки, ушбу низом капитализмнинг доимий услубига айландики, у ўз вужудини сақлаб қолишда ва бутун дунёда ўз ҳукмронлигини ўрнатишда унга таянмоқда.

Усманий Халифалик Константинопол фатҳидан сўнг Росулulloҳ ﷺнинг Румнинг фатҳ қилиниши ҳақидаги башоратларини рўёбга чиқариш умидида Ватиканга кўз тика бошлаганидан кейин Европа давлатлари, хусусан Англия «дунё тинчлиги» ғоясини кўтариб чиқди ва бу ғоя ҳақида халқаро жамоатчилик фикрини шакллантиришга ҳаракат қилди. Капитализмнинг бу ташвиқотлардан кўзлаган мақсади олдинга жиҳод ва исломий даъватнинг давом этишини тўхтатиш бўлди. Жиҳод ҳаракатлари тўхтагач «дунё тинчлиги» ғояси Усманий давлат фатҳ қилган Европа ерларини қайтариб олишни англатадиган бўлиб қолди. Сўнг, ушбу ерлар қайтариб олингач ва улар Истанбулдан ажратилиб сиёсий жиҳатдан мустақил бўлгач «дунё тинчлиги» ғояси «касал одам» (Усманий давлат) меросининг қолдиқларига кўз тикиш бўлиб қолди. Ўйгирманчи аср бошларида ва Усманий давлат қулаши билан «дунё тинчлиги» ғояси ушбу меросни урушда ғалаба қилган капиталистик давлатлар нуфузи остидаги минтақалар сифатида бўлиб олишни англатадиган бўлиб қолди.

Халқаро низом раҳбарлари ўзгаришига қарамай, низомнинг ўзи қандай бўлса шундайлигича қолди. Яъни, капитализм манфаатларини сақлаб қолиш учун мустамлакачиликнинг барча турларига қонунийлик тусини бериш ўзгармади. Ушбу воқеликка ойдинлик киритиш учун, Америка Ироқ ҳукмдорлари устидан ғалаба қилганидан кейин илгари сурган халқаро низомнинг қўламларини ўрганиб чиқамиз.

Биринчи: Капитализмнинг сиёсий етакчилигига бўйсунмай қўйган ёки унинг ҳазорати ва фикрий етакчилигига хавф туғдирган давлатлар суверенитетига аралашиб. Бу аралашув Америка «хавфсизлик чоралари» деб атаган ишларнинг бир қисмидир.

Иккинчи: Оммавий қирғин қуроолларини (бактериал, кимёвий ва ядровий қуроолларни) назорат қилиш ва муайян кучлар нуфузи



остида бўлган минтақаларга анъанавий қурулларнинг кириб келишини тартибга солиш. Буларнинг назоратга олиниши яҳудий вужудининг ҳарбий устунлигини сақлайди ва Ислом оламидаги мавжуд хоин ҳукуматлар вужудини ҳимоя қилади.

Учинчи: Маблағ ва бойликнинг, хусусан нефтнинг оқиб киришини таъминлаш ҳамда минтақадаги бозорларни чет эл товарлари истеъмолига яроғли қилиш учун уларнинг тақсимотини тартибга солиш. Бу ишлар Америка манфаатига хизмат қилади ҳамда унинг дунё ҳукмронлигида Европа ва Япониядан устунлигини сақлаб қолади. Яҳудий вужуди билан ўтказилган сулҳ ва тинчлик конференцияси маблағлар оқиб киришини тартибга келтиришнинг бир қисми холос. Бу ишлар яҳудий вужуди билан минтақа давлатлари ўртасида ошқора иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш учундир. Бундан мақсад амалда қўлланаётган сиёсатни, яъни «тинчликни ерга алмаштириш» ва ҳатто «тинчликни тинчликка алмаштириш» сиёсатини қабул қилишга Умнатнинг ақли ва руҳиятини тайёрлашдир. БМТ, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро ширкатлар, шунингдек булардан бошқа халқаро ва регионал ташкилотлар капитализмнинг дунёдаги сиёсий ҳукмронлигига, иқтисодий босқинчилигига қонуний тус берувчи сиёсий ва молиявий қурулдан бошқа нарса эмас.

Биз капитализмнинг қулаши кечикиши сабабларининг ушбу баёнидан кейин қуйидаги саволни ташлаймиз: Капитализмнинг такаббурлиги ундан қочиб кутулиб бўлмайдиган «қисмат»ми? Ёки у бир сиёсий воқелик бўлиб, у ҳам ҳар қанча кучли бўлишига қарамай, бошқа сиёсий ва тарихий воқеалар каби тадовул (ғалаба ва мағлубиятнинг айланиб туриши) қонунига ҳамда ҳақ билан ботил, Ислом билан куфр ўртасидаги кураш қонунига бўйсунадими?

Тўртинчи: Капитализм қулашининг муқаррар сабаблари: Кураш мувозанатининг ўзгариши ва етакчилик ўрнининг алмашиб туриши Аллоҳнинг қонуни бўлиб, бу қонун Ислом тонги отганидан бери тарих давомида фақат Умнат тарафида турган эмас. Балки Ислом Уммати тарихига ҳукмронлик қилган ягона мувозанат Ислом билан куфр ўртасидаги кураш мувозанатидир. Бу кураш гоҳида фикрий кураш бўлса, гоҳида қонли бўлади. Ер юзида Ислом ва куфр, мусулмонлар ва кофирлар мавжуд экан, бу мувозанат янгиланиб тураверади. Ушбу мувозанатга асосланиб бемалол айта оламизки, биз Ғарб ҳазоратининг ўлим топиб, қулаши ва Ислом ҳазоратининг туғилиб, ҳукмронлик қилишга ўзини тайёрлаши босқичининг остонасида турибмиз.

Капиталистик ҳазоратнинг ўлим топиши, сўнг муқаррар қулашини кўрсатадиган қандай белгилари бор? Исломий ҳазоратнинг яна ҳаётга қайтиб, аниқ ғалаба қилишининг белгилари қандай?

Биз биринчи саволга жавоб беришдан бошлаймиз ва иккинчи саволга кейинги мавзуда жавоб берамиз.

**1 – Ўртача ечимнинг хатолиги:** Капиталистик мабда борлик ва қисматга доир саволларга боғлиқ бўлган асосий муаммони ҳал қилишда шахс учун (нафас ростлаб оладиган) туйнукни қолдирган бўлса ҳам, бироқ шу туйнукнинг қолдирилиши, инсон муаммосини ёки халқлар муаммосини ҳал қилишга ожизлик қилишдан ташқари шахснинг муаммосини ҳам ҳал қилмайди. Чунки, инсон табиатидаги тадайюн ғаризаси яратувчини муқаддас деб билишда кўринганидек, ҳаёт ишларини тадбир қилишда ҳам кўринади. Тадайюн ғаризаси эътиқод ва ибодатлар билан қондирилганидек, ҳаёт ва муомалалар низоми билан ҳам қондирилади. Инсоннинг ожизлиги ва унинг мудаббир яратувчига муҳтожлиги фақат инсоннинг роббиси билан ёки ўз нафси билан бўлган алоқасидагина кўриниб қолмайди, балки инсоннинг бошқа инсон билан бўлган алоқасида ҳам очиқ кўринади. Инсонлар ўртасидаги муносабатлар мураккаблигини, эҳтиёж ва ғаризаларни қондириш воситаларининг ривожланишини эътиборга олиб айтиш мумкинки, мудаббир яратувчига муҳтожликнинг мавжудлиги шу алоқаларнинг ўзида тасдиқини топади. Чунки, динни умуман ҳаётдан ва хусусан сиёсатдан ажратиш инсон фитратига зиддир. Шундай экан, капиталистик мабда фитрий ва ақлий жиҳатдан муваффақиятсизликка учради. Чунки у инсоннинг ушбу дунё ҳаётида инсоннинг мавжуд бўлиши маъносини ҳамда унинг турмуш тарзини белгилайдиган энг муҳим ишда ўртача ечимни қабул қилди. Шунинг учун капиталистик мабда салбий мабдадир. Чунки у динни шахсий масалага айлантирди ва уни инсоннинг ҳаётдаги муаммоларини ҳал қилишдан йироқлаштирди.

**2 – Инсон томонидан ишлаб чиқилган низомнинг қўлланиши:** Ақида масаласи ечимининг индивидуаллигидан (якка шахсга хослигидан) келиб чиқиб, капиталистик мабдада инсон ҳаётдаги низомни ўзи ишлаб чиқади ва энг юксак орзуни ҳам ўзи белгилайди. Инсон томонидан белгиланган ҳар қандай жамият низоми қарама-қаршиликка мойил ва у муҳитнинг таъсирига учрайди. Шунинг учун капитализмда инсоннинг руҳий бўшлиқ гирдобида қолиши ҳамда капитализмнинг инсон муаммоларини ҳал қилишга ожизлик қилишини яшириш учун конституцияга ва қонунларга тузатиш киритилиши ажабланарли эмас. Заволга юз

тутаётган капитализм ва қулаб вайрон бўлган коммунизм ҳаёт низомини инсоннинг ўзи ишлаб чиқиши масаласида бир хил фикрда. Бу икки мабда инсоннинг энг юксак орзуси ва унинг бахти масаласида ҳам яқдил. Уларга кўра, инсон жисмоний ҳузур-ҳаловатни мумкин қадар кўпроқ қўлга киритса энг юксак орзуга ва бахтга эришади. Социалистик мабданинг ҳаётига айна шу юксак орзу ва айна шу бахт тушунчаси нуқта қўйди. Капитализм ҳаётига ҳам айна шу тушунчалар нуқта қўяди. Чунки жисмоний ҳузур-ҳаловатни ҳаётдаги юксак орзу қилиб олиш билан инсон узвий эҳтиёжлари ва ғаризаларини қондириш ортидан телбаларча чопадиган бўлиб қолади. Лекин инсон белгилаган юксак орзу чекланган бўлганлиги учун капитализм олдида икки даҳшатли вазият юзага келади. Биринчидан: Агар инсон етарли нархга (имкониятга) эга бўлиб, ўз эҳтиёж ва ғаризаларини тўлиқ қондиришга эришса унинг ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлади. Бу бўшлиқ уни ўз жонига қасд қилишга ёки эҳтиёжларини ғайриоддий йўллар билан қондиришга олиб келади ёки у учун ҳаёт бир хилда, қизиғи йўқ нарсага айланиб қолади. Иккинчидан: Агар инсон етарли нархга (имкониятга) эга бўлмай, эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга эриша олмаса, бу ҳолат уни умидсизликка туширади ва у турли руҳий касалликларга учрайди.

**3 – Ғарб оламида жиноятчилик, гиёҳвандлик, спид касаллиги ва маргиналлашувнинг (жамиятда ишсиз, уйсиз ва дайдиларнинг кўпайиши) кучайиши капиталистик мафкуранинг инқирозга учраганини ифодалайди.** Гарчи бу мафкура олдин Ғарбни уйғотган бўлса ҳам, бироқ бу уйғониш хато уйғонишдир. Бунинг сабаби шуки, бу мафкуранинг асоси руҳий бўлмаган ва у ақлга асосланмаган. Шунингдек, у асосий муаммонинг ечимида фитратга мос келмаган. Ҳатто уйғонишнинг моддий жиҳатини гавдалантирган иқтисодий ўсиш ва саноат соҳасининг ривожланиши ҳам капитализм тарихининг оғир кризис босқичига кира бошлади.

Ушбу кризиснинг хусусиятлари энг муҳим сектор ҳисобланган электроника ва компютер секторларида ҳам кўринди. Бу икки сектор иккинчи жаҳон урушидан кейин пайдо бўлди. Гарчи бу икки сектор доимий ўсишини сақлаб қолиб, автомобиллар, электр-энергия ва кимёвий маҳсулотлар каби бошқа саноатлар босиб ўтган даврий ўзгаришлар ва кризисларга учрамаган бўлса-да, бироқ Кўрфаз урушидан кейин, шунингдек, оммавий қирғин қуроллари устидан ва анъанавий қуроллار савдоси устидан назорат ўрнатилганидан кейин бу икки сектор ҳам бошқа саноат

соҳалари каби оғир кризис босқичига кирди. General Motors ҳамда IBM ширкатлари босиб ўтган кризис, шунингдек Pan American ширкатининг йўқ бўлиб кетиши ушбу оғир босқичнинг бир кўриниши, холос. Бу ҳолат Европа, Америка ва Япониядаги кўп ширкатлар ҳамда майда банкларни банкротликдан ва дефицитдан сақланиш, шунингдек иқтисодий кризисларнинг қайталанишига қарши тура олиш учун йирик молиявий ва тижорий муассасаларда бирлашишга ундади.

Капиталистик давлатларда иқтисодий ўсишнинг пасайиши сиёсатчиларни ташвишга солиб қўйди. Масалан, Америка ўз бюджетида катта тақчилликни, экспортнинг сезиларли даражада тушиб кетишини бошдан кечирмоқда ва у рақобатбардошлигини йўқотмоқда. Австралия, Британия, Канада ва Франция каби давлатларга келсак, уларнинг аҳволи ҳам Американинг аҳволдан ёмон. Япония ва Германияга келсак, глобал кризисни ҳамда бу икки давлатнинг Америка сармоядорлари ва ширкатларига боғланганлигини эътиборга олганда, улар секин ўсишга гувоҳ бўлишмоқда. 1991 йил давомида Япония ва Германия иқтисодининг ўсиши 1,5 %ни ташкил этган. Бу – Америка маъмуриятини қўрқувга соладиган ҳамда унинг халқаро ва ички вазиятига таъсир қиладиган ҳолатдир. Шунинг учун Жорж Буш Японияни Америкага яқинлаштириб, Европадан узоқлаштириш учун у билан иттифоқ тузишга ҳаракат қилган. Европа умумий бозори президенти Жак Делор Европа-Япония ҳамкорлигини амалга ошириш учун дарҳол Японияга сафар қилди. Бундан мақсад Америка-Япония дифференциясига (алоҳида ажралиб устунликка эга бўлишига) ўрин қолдирмаслик эди. Совет Иттифоқининг қулашидан келиб чиққан иқтисодий беқарорликлар ва бунинг ортидан Шарқий Европа давлатлари иқтисодининг таназзулга юз тутиши капиталистик иқтисодий сиёсатнинг ташвишини кучайтирди. Биз капиталистик дунёни бўғзидан олган иқтисодий кризис кўламлари таҳлилидан қуйидаги хулосани чиқарамиз: Капиталистик мабда ақидасининг энг кўзга кўринган натижаси капитализмнинг иқтисодий низоми бўлиб, Ғарбда уни сармоядорлар бошқаради. Шунинг учун капитализмда сиёсий ва фикрий етакчиликнинг қулаши кўп жиҳатдан иқтисодий кризисларнинг давом этиши ва кучайиши билан боғлиқ. Буни капиталистик давлатлар яхши билади. Шунинг учун бутун дунёдаги, хусусан исломий минтақадаги ташқи кучлар нуфузи остида бўлган минтақалар ва бойликлар устида кечаётган улар ўртасидаги кураш кескин кучаймоқда.

**4 – Капиталистлар ўртасидаги кураш:** Капиталистик давлатлар ўртасидаги кураш гоҳида иқтисодий кўламни, гоҳида сиёсий кўламни олади. Бу икки кўлам капитализм бошдан кечираётган кризиснинг ҳақиқатини акс эттиради. Бизнингча, бу кризиснинг ечими бойликлар, бозорлар ва хом-ашё устидан ҳукмронлик қилиш учун биринчи давлат ўрнини эгаллаш билан бўлади. Капиталистик давлатларнинг мабдаийлиги миллий манфаатларга мувофиқ ўзаро ҳамкорликда ишлашни ман этмайди. Бу ҳолат мабданинг ўзидан келиб чиқадиган табиий ҳолатдир. Чунки капитализмда манфаат шахсга, давлат ва жамиятга алоқадор барча ишларнинг ўлчовидир. Шунинг учун бизнинг минтақадаги мавжуд улкан нефт бойлиги Америка ва Европа ўртасидаги курашнинг сабаби ҳисобланади. Айниқса, Совет Иттифоқи кулаб, социалистик мабда халқаро саҳнадан чекинганидан кейин бу кураш Европа ва Америка ўртасида кечмоқда. Шунинг учун Америка Британия ва Франциянинг шавкати синдиришга ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, Япония ва Германия муҳим иқтисодий салмоққа эга бўлгани учун Америка бу икки давлатнинг кучайиб, халқаро саҳнага таъсир ўтказишига йўл бермасликка ҳам ҳаракат қилмоқда.

Капитализм емирилиб бораётган жар ёқасига қурилган. Шунинг учун у бутунлай ботилдир ва у инсон фитратига мос келмагани учун инсоният учун яроғсиздир. Чунки унинг татбиқ қилиниши кетма-кет муаммолар ва кризисларни келтириб чиқаради. Бир муаммо тузатилмасидан, яна янги муаммо пайдо бўлаверади. Шунинг учун низом сифатида капитализмни ва ақида сифатида илмонийликни қулатиш ушбу кризиснинг ягона ечимидир. Чунки у башариятни вайрон қилишдан бошқага ярамайди. Айрим одамларнинг «капитализм бошқа рақиблари устидан ғалаба қилди ва унга бошқа рақиб қолмагани учун тарих тўхтади», деб оғиз кўпиртириб гапириши жуда ғалатидир. Бу гап социализмга нисбатан тўғри бўлса ҳам, Исломга нисбатан нотўғридир. Бугунги кунда Ислом даъватни бутун оламга кўтариб чиқадиган давлатда ўрнашмаган бўлса ҳам, Аллоҳни изни ила яқинда халқаро саҳнага қайтади. Ислом халқаро саҳнага қайтганида золим кимсалар қандай оқибатга қараб кетаётганларини билиб олурлар.

Капитализм, дея номланган бактерияга эга бўлган илмонийлик инсониятни батамом тугатишни кўзда туттади. Капитализм инсониятни тубанликнинг энг қуйи даражасига тушириб юборганини кўра туриб, «биз кофир Ғарбдан капитализм ва илмонийликни олишимиз лозим» деб айтиш тўғри бўладими?

Яхши нарсани, яъни Аллоҳ ўз бандалари учун рози бўлган Исломни яроғсиз, паст нарсага алмаштирамизми? Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَتَأْتِيهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اسْتَجِيبُوا لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا أَحْيَيْكُمْ﴾

*«Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг пайгамбари сизларни абадий ҳаёт берадиган нарсага (яъни, динга) даъват қилар экан, уни қабул қилинглр»* [Анфол 24]

Яна айтади:

﴿وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا﴾

*«Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, албатта унинг учун танг-бахтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни қиёмат кунда қўр ҳолда тирилтирурмиз»* [Тоҳа 124]

Капитализм ва илмонийлик куфр бўлиб, у инсон кадрини пастга уради, қолаверса уни инсонийликдан чиқариб юборади. Ислом эса, инсон фитратидаги заифлик, ожизлик ва мудаббир яратувчига бўлган муҳтожликни тан олади. Мудаббир яратувчи инсоннинг барча эҳтиёжлари тўғри қондирилишини тартибга солиб, унинг хотиржамлиги ва бахтини таъминлайди. □

## Трамп агар истеъфога чиқарилгудек бўлса, Америкада фуқаролар уруши бошланишига шама қилди

АҚШ президенти Дональд Трамп твиттердаги саҳифасида агар истеъфога чиқарилгудек бўлса, Қўшма Штатларда фуқаролик уруши бошланишига шама қилди. Трамп ўз тарафдорларидан бири руҳоний Роберт Гефреснинг сўзларидан иқтибос келтирган.

У «Фокс Ньюс» дастурида иштирок этар экан, ўз сўзини шундай изоҳлаган: «Агар демократлар президентни ўз мансабидан кетказишса – лекин бу амри маҳол иш – бу фуқаролик урушига олиб келади ва давлатни парчалайди. Мамлакатимиз бундан осонликча қутула олмайди»... Трамп ўз сўзида давом этар экан, шундай дейди: «Нэнси Пелоси ва демократлар мени ўз мансабимдан тушира олмайдилар».. Улар 2016 йилда менга нисбатан ғалабага эриша олмаганини билишади, шунингдек 2020 йилда ҳам ғолиб бўла олмасликларини яхши билишади. Уларнинг ёлғиз курули импичментдир». Трамп яна давом этар экан, шундай дейди: «Демократлар импичмент туфайли бутун бир халқни вайрон қилишларини тушунмаяптилар. Инжил масиҳийлари президентни бу каби ноконуний йўл, яъни 2016 йилдаги сайловларга қарши чиқиш ҳамда миллионлаб инжилчи сайловчиларнинг овозларини бекор қилиш орқали ишдан олиш ҳаракатига нисбатан қаттиқ ғазабдадирлар».

Ўз исмини ошкор қилишни истамаган мухбирнинг айтишича, Трамп Украина президенти билан телефон орқали суҳбатлашган. Суҳбат чоғида Трамп Украина президентидан 2020 йилда ўтказиладиган сайловлардаги асосий рақиби Жозеф Байденнинг иш фаолиятини тафтиш қилишини талаб қилган. Демократларнинг айтишича, Трамп Киевга Байденнинг Америка ёрдамларини қандай тасарруф қилаётганини тафтиш қилиши борасида босим ўтказган.

Вакиллар палатаси сешанба куни Трампни ишдан бўшатиш мақсадида расман иш бошлаган. Унга мансабини суистеъмол қилиш ва президентлик «қасамига хиёнат қилиш» айби қўйилган. Демократлар ушбу ҳафтани Трамп фаолиятини тафтиш қилиш билан бошлашган. Кўпчилиги Демократлар бўлган вакиллар палатаси агар Трампнинг ишдан кетишига овоз берадиган бўлса, уни ишдан бўшатиш учун, кўпчилиги Республикачилар бўлган сенатнинг учдан иккиси ҳам овоз бериши керак бўлади.

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Бугун бутун Америка – гарчи у куч-қувватга тўлиб, буюклик ҳиссиёти уни чулғаб олган бўлса-да – мабдаий бўшлиқда яшамоқда. Биз бу ҳолатни ўзига мана шундай аҳмоқ президентни танлаган халқда кўриб турибмиз. Бу президент нимани хоҳласа, уялмай қияпти. Шунингдек, у Американинг ички ва ташқи жиҳатдан ҳамда ҳазоратида муваффақиятсизликка юз тутишини акс эттирмоқда. Савол: Бу каби ҳазорат ботқоғидан чиқиш йўли борми? Албатта бор, лекин у ушбу ҳазорат ташқарисида, яъни у Исломдир.</p>		
<p><b>Саудиянинг Вашингтондаги элчиси Америка яҳудийларини янги иброний (яҳудий) йили кириб келиши билан табриклади!</b></p>		
<p>Босқинчи (Исроил) ҳукумати Саудиянинг АҚШдаги элчиси, Раймо Бандар Оли Сауд янги иброний йили кириб келиши муносабати билан Америка яҳудийларини қўллаб-қувватлаганидан хурсанд эканини билдирган. (Исроил) ҳукумати бу қўллаб-қувватловни ижобий ташаббус деб ҳисоблаган. (Исроил) ҳукумати яна твиттердаги ташқи ишлар вазирлигига қарашли арабча (Исроил) саҳифасида (Исроил) яҳудийлар ва Саудия халқига хизмат қиладиган каналларни кенгайтиришни умид қилаётгани ҳақида айтган. Америкада чиқадиган Эн-Би-Си канали мухбири Жош Лидерман Саудия элчиси Америкалик яҳудийларни янги иброний йил кириб келиши билан табриклайётгани акс этган видеолавҳани твиттер орқали тарқатган. Тарқатилган хабар матнига кўра, Саудия элчиси Раймо бинти Бандар: «Сизларни янги иброний йил бошланиши Рош ҳашана билан табриклайман ва унда сизга бахт саодат ва фаровонлик тилайман» деган. Сионистларга қарашли «Биз билан бирга бўл» номли ташкилотнинг расмий саҳифаси Саудиянинг телеграф орқали юборган мактубини тантанали равишда кутиб олган. Саҳифада Саудиянинг АҚШдаги элчилиги биринчи марта яҳудийлар диаспорасига янги иброний йил муносабати билан табрикномалар жўнатгани ҳақида ёзилган. Табрикномада Саудия Арабистони элчиси Раймо Бандар Оли Сауд «Сизларга ушбу йилда бахт саодат ва чиройли истаклар билдираман» деган.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Сауд оиласининг Америка, Эрон ва (Исроил) ҳузурида сиёсий томондан тиз чўқиши бу оиланинг шармандагарчиликларини фош қилмоқда. Шунингдек, Исломни ўзаро адолатсиз тақсим қилиб олган Оли шайхнинг</p>		



ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
шармандагарчилигини фoш қилмоқда. Уларга ўч олувчи Жаббор зотнинг азоби бўлсин.		
<b>Бирлашган Араб Амирликлари Франциянинг Исломга душман ўнг қанот миллий партиясини қутқарди</b>		
<p>«Қудсул Арабий» газетаси 2019 йил 4 октябрда ёзишича, Франциянинг «Медиапарт» сайти Марин Ле Пен бошчилигидаги экстремист ўнг қанот партияси Амирликлардаги ташкилотдан 80 миллион евро олганлигини фoш қилган. Ушбу маблағ 2017 йили партияни банкротликдан қутқариш ва унинг сайлов кампаниясидаги идоравий ишларига сарфлаш учун берилган. Тафтиш юритувчи сайтнинг таъкидлашича, ушбу пуллар Амирликларнинг собиқ нефть вазири Молик Саид Атийба ташкил қилган Амирликлар капитал нури номли ташкилот орқали ўтказилган. Сайтда келишича, миллий партиядан Европарламентга депутат бўлган Жан-Люк Шафхаузер қарз келишувига ўртамчилик қилган. Айни қарз олиш амалиётлари Франциядаги сиёсий партияларнинг ҳисоб-китоблари ва сиёсий молиялаштиришларини кузатиш билан шуғулланувчи комиссия эътиборини ўзига жалб қилган. Комиссия 2018 йил августда миллий партиядан шахслар орқали эришилган қарзлар ҳақида маълумот беришни талаб қилган. Лекин миллий партия шу жумладан партия етакчиси Марин Ле Пен келишув тафсилотларига киришишдан бош тортган. Франция партияси сайловларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган. Амирликлар эса, партиянинг Қатарга қарши ҳужумларига ташаккурлар билдирган. Шунингдек, Амирликлар Миср ва бошқа юртларда кураш олиб бораётган, шу жумладан Францияда фаолият олиб бораётган исломий жамиятларга қарши олиб бораётган ҳужумлари учун ташаккур билдирган.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Муҳаммад ибн Зойиднинг Амирликлари Исломга қаттиқ қаршилик қилмоқда ҳамда (Исроил), Америка ва Сисий каби Ислом душманлари билан иттифоқ тузиб, Исломга қарши урушда улар билан бир сафда туриб, курашмоқда.</p>		
<b>Американинг 200 минг аскари Ўрта Шарқда</b>		
<p>Нью-Йорк Таймс газетаси бир ҳисоботни нашр қилди. Унда Америка президенти «Бу урушларнинг ниҳояси кўринмаяпти», шунинг учун Американинг хориждаги аскарларини қисқартириш лозим, деб ваъда берганига қарамай, унинг даврида хориждаги аскарлар сони ортганини кузатиш мумкин, дейилади. Газета</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>шундай ёзади: «Трамп урушларга яқун ясагани йўқ, балки у кўшинларни бир жойдан бошқасига кўчирмоқда». Яна газетанинг изоҳлашича, Америка кўшинлари оламнинг барча жойларида мавжуд. Айримлари Сомали, Афғонистон, Ироқ ва Сурияда бўлса, айримлари Германия, Жанубий Корея ва Япония каби иттифоқчи давлатларга жойлаштирилган. Улар 11 сентябр ҳужумларидан сўнг урушлардан узоқда эски вазифаларини бажаришмоқда. Суриянинг шимолидан чиқиб кетган аскарлар эса, Америкага кетгани йўқ, балки улар Трамп айтганидек Ироқнинг ғарбига кўчирилган. Пентагон сўнгги пайтларда Эрон билан бўлган кескинликлар ортидан Кўрфаз давлатларига яна 14000 аскар юборган. Шу жумладан Саудияга сўнгги ҳафталарда 3500 аскар юборган, бу сонлар янада ортиши мумкин.</p> <p><b>Ал-Ваъй:</b> «Америка бугун олдингидан ҳам кўпроқ мустамлакачиликка чуқур киришган. Трампнинг Кўрфаздаги аскарлар сонини қискартириш ҳақидаги баёнотлари аскарларни бир уруш майдонидан унинг манфаати талаб қилган бошқа майдонга кўчириш холос. Чунки, илон терисини алмаштириб, захрини яширади.</p>		
<p><b>Саудияда «Кўнгил очар марказлар»га қарши чиққан кишилар қамокқа олинди</b></p>		
<p>Саудиялик фаолларнинг айтишича, ҳукумат олти кишини ҳибсга олган. Улар орасида қабила шайхлари ва машҳур шоирлар бор бўлиб, улар «Кўнгил очар марказлари»ни танқид қилишган. Улар Саудиядаги фикр тутқинлари ва юристлар ҳақида хабар тарқатувчи «Фикр тутқинлари» саҳифаси қолдирган твитлардан кейин ҳибсга олинган. Саҳифаларда тарқатилган твитларда айтилишича, ҳукумат Шаророт қабиласи шоири ёши саксондан ошган Ойид Рағён Шарорийни ҳибсга олган. Саҳифада яна айтилишича, Ойидни ҳибсга олиш унинг шеърий байтларни ўз ичига олган твити ортидан бўлган. Шоир ўз твитида «Кўнгил очар марказлари» ҳақида изоҳ қолдирган. Шунингдек Атийба қабиласи шайхи Файсал ибн Султон ибн Жаҳжаҳ «Кўнгил очар жойлар» бош бошқармаси раиси Туркий Оли Шайхнинг сиёсатини танқид қилиб твит қолдирган эди.</p>		
<p><b>Байрутда «Ликоул Машриқий» конференциясининг ўтказилиши Озчиликлар коалициясини қайта тикламоқда</b></p>		
<p>Ливан республикаси президенти Имод Мишел Аун етакчилиги ва иштирокида, Байрут шаҳрида 2019 йил 13-14 октябр кунлари</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>«Лиқоул Машриқ» жамияти ўзининг илк конференциясини ўтказди. Конференция «Диалог – ҳаёт манҳажи ва тинчлик йўлидир: кўппартиявийлик ва эркинликка оид муаммолар», номи остида бўлиб ўтди. «Лиқоул Машриқ» – шанба тармоғи, дея номланган масиҳийлар жамиятидир. Улар қуйидаги еттита шахсдан иборат: Ташқи ишлар вазири Жаброн Босил (учрашув раиси), парламент спикери ўринбосари Эли Фарзалий, президентлик ишлари бўйича вазир Салим Жерисати (раис ўринбосари), собиқ вазир Карим Бақрадуний, Ливаннинг Вашингтондаги собиқ элчиси Абдуллоҳ Бу Ҳабиб, Сурёний алоқалар бўйича масъул Ҳабиб Афром (бош секретарь) президентнинг собиқ маслаҳатчиси Жон Азиз, (ҳазиначи). Бу учрашувнинг мақсад ва ғоялари ҳақида турли саволлар пайдо бўлди. Шунингдек, у «Минтақадаги озчилик иттифоқи» номли иттифокнинг ташкил бўлиши учун асос бўлди деб айбланди. Ливандаги Сурёний алоқалар бўйича масъул Ҳабиб Афром ва ушбу конференция назоратчиларидан бири буни тасдиқлади. У айтдики: Учрашув минтақада рўй бераётган янгиликлар билан шуғулланиш учун фикрлаш устахонаси бўлди. Токи, у – минтақадаги барчанинг эркинликларини ҳимоя қилувчи йўллари қидирсин ва араб дунёсига ҳукмрон бўлиб турган бошбошдоқлик фикрига яқун ясагин.</p>		
<p>Афром конференция озчиликлар иттифоқини ташкил қилди, деган айбни ва умуман озчилик деган атамани инкор қилди. Афром бунда минтақадаги барча вужудлар ҳуқуқ ва вазифалар борасида тенг бўлиши кераклигини айтди экан, шундай деди: Биз бирортаси билан иттифоқ тузмадик ва озчилик деган сўзни қабул қилмаймиз. Ёки ҳар бир вужудни озчилик деб атамаймиз. Биз барчамиз турли халқлар, миллатлар, мазҳаблар ва тоифалармиз. Ҳар биримизнинг ўтмиши, ҳозирги, тарихи ва фикри бор. Улар битта ватанда яшамоқдалар, уларнинг ҳар бирининг тенглиги, фуқаролиги ва ҳуқуқлари бор. Ҳар бир жамоанинг ҳуқуқи ва эркинлиги бор. Биз озчилик эмасмиз, бу атамани қабул қилмаймиз, балки биз шиа, сунний, курд, кулдон, дўст ва ошурий каби миллатлар ватан номли хонада яшаймиз.</p>		
<p><b>Ал-Ваъй:</b> Байрутда ўтказилган озчиликлар конференцияси эски мустамлака даври янгиланишидан дарак бермоқда. Чунки Исломий давлат бўлмиш Усманий давлат ишларига аралашиб учун озчилик ҳуқуқини ҳимоя қилиш деган нарсдан баҳона сифатида</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>фойдаланилган эди. Бугун эса, Ғарб мустамлакасини минтақада мустаҳкамлаш учун Байрутнинг қадимги роли қайта тикланмоқда. Ушбу конференция нафақат масиҳийларга хос конференциядир. Балки унда ўзини мусулмонларнинг туғенидан ҳимояланаётганини иддао қилиб, Ғарб режасига мувофиқ иш юритадиган барча гуруҳлар иштирок этди. Афсуски, унда шиа вужуди ҳам иштирок этди, гўё у ушбу туғен суннийлар туғенидир демоқчи бўлди. Шунингдек, улар ўзларини ушбу озчилик таркибидамиз деб ҳисоблашди. Табиийки, улар ўша озчиликларнинг энг каттаси бўлиб қолишади ва ўзларини унинг етакчиси сифатида тақдим этишади. □</p>		

## ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА



﴿يُوتَى الْحِكْمَةَ مَن يَشَاءُ ۚ وَمَن يُؤْتَ الْحِكْمَةَ فَقَدْ أُوتِيَ خَيْرًا كَثِيرًا ۗ وَمَا يَذَّكَّرُ إِلَّا أُولُو الْأَلْبَابِ ﴿٢٦٩﴾ وَمَا أَنْفَقْتُم مِّن نَّفَقَةٍ أَوْ نَذَرْتُم مِّن نَّذْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ يَعْلَمُهُ ۗ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِّنْ أَنْصَارٍ ﴿٢٧٠﴾ إِن تَبَدُّوا لَاصِدَقَاتٍ فَبِعَمَّ هِيَ ۗ وَإِن تُخَفُّوهَا وَتُؤْتُوهَا الْفُقَرَاءَ

فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ ۚ وَيُكَفِّرُ عَنْكُم مِّن سَيِّئَاتِكُمْ ۗ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿٢٧١﴾

«269. У Ўзи истаган кишиларга ҳикмат (фойдали билим) беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, бас, муҳаққақи, унга кўп яхшилик берилибди. Ваъз-эслатмаларни фақат аҳли донишларгина оладилар. 270. Инфоқ қилган ҳар бир нафақангиз ва назр қилган ҳар бир назрингизни шубҳасиз Аллоҳ билади. Ва (инфоқ-эҳсон қилмайдиган) золимлар учун ҳеч қандай ёрдамчи йўқдир. 271. Агар садақаларни ошкора ҳолда берсангиз, жуда яхши. Ва агар махфий қилиб, фақир-камбағалларга берсангиз — бу ўзингиз учун янада яхшироқдир. Ва қилган гуноҳларингизга каффорат бўлади. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир» [Бақара 267-271]

Ҳизб ут-Таҳрир амири Ато ибн Халил Абу Роштанинг (у кишини Аллоҳ ҳифзу ҳимоясида асрасин) «Тайсир фи Усулит Тафсир» номли китобида қуйидагича келади:

﴿يُوتَى الْحِكْمَةَ مَن يَشَاءُ﴾ У Ўзи истаган кишиларга ҳикмат (фойдали билим) беради) яъни, уни бандалари орасидан Ўзи истаган кимсага беради.

(﴿يُوتَى الْحِكْمَةَ﴾ ҳикмат) сўзи аслида ажрим қилиш, илму амалдаги пухталиқ ва хато қилмасликни ҳамда нодонликдан йироқ бўлишни англатувчи ҳукм сўзидан олинган. Демак, тўғри фикрлайдиган,

гапию амалини пухта, хатосиз қиладиган ҳар бир одам ҳикмат соҳиби бўлади. Шунинг учун араблар бу сўзни мана шу аслий маъносида ҳам, ундан келиб чиқадиган бошқа муштарак маъноларда ҳам қўллашган. Керакли маънони оқим белгилаб беради.

Шундай қилиб, бу сўз Аллоҳ Таолони таниш маъносида ҳам, Қуръон маъносида ҳам, Қуръонни тадаббур қилиш маъносида ҳам, пайғамбарлик маъносида ҳам, суннат маъносида ҳам, илм, ҳукм, фикҳ ва бошқа маъноларда ҳам қўлланган.

Рожих гап шуки, *﴿يُؤْتِي الْحِكْمَةَ مَنْ يَشَاءُ﴾* **У Ўзи истаган кишиларга**

**ҳикмат** (фойдали билим) беради) оятидаги ҳикмат сўзи аслий маънода қўлланыпти, яъни, у тўғри фикрлаш, сўзда ва амалда хато қилмаслик маъносида келяпти. Бундай дейишимга асосим шуки, олдинги

*﴿وَلَسْتُمْ بِأَخْذِيهِ إِلَّا أَنْ تُغْمِضُوا فِيهِ﴾*

(**улардан ўзингиз фақат кўз юмиб туриб оладиган**), деган оятда агар улар тўғри фикрлайдиган, сўзда ва амалда хато қилмайдиган одамлар бўлганида ўзларига раво кўрмаган нарсани Аллоҳга аллақачон раво кўрмаган бўлардилар, деган ишора бор. Уларда айнан мана шу ҳикмат йўқлиги туфайли молларининг ёмон жойидан Аллоҳнинг ҳақини – закотни бердилар. Ҳолбуки, ўзларининг ҳақлари мана шундай ёмон жойдан берилишига рози бўлмас эдилар.

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло кимга ҳикмат берилган бўлса, унинг учун ҳар икки дунё яхшилигига йўл очилганини баён қиляпти. Тўғри фикрлаш, сўзда ва амалда хатога йўл қўймаслик одамни Аллоҳнинг тавфиқи ила ҳар икки дунё яхшилигига эриштиради. Ҳикматли одам Аллоҳнинг Китобидан ҳам, Пайғамбар ﷺнинг суннатларидан ҳам тўғри фойдаланиб, қўлидан келганича яхшилик қилишга интилади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд ҳадисиди Пайғамбар ﷺ шундай деганлар: *«لَا حَسَدَ إِلَّا فِي اثْنَتَيْنِ: رَجُلٌ آتَاهُ اللَّهُ تَعَالَى مَالًا فَسَلَّطَهُ عَلَىٰ هَلَكْتِهِ فِي الْحَقِّ، وَرَجُلٌ آتَاهُ اللَّهُ تَعَالَى الْحِكْمَةَ فَيَقْضِي بِهَا وَيُعَلِّمُهَا»*

**«Фақат икки нарсагагина ҳасад қилса бўлади: Бир кишига Аллоҳ Таоло мол-дунё берган бўлса ва у бу бойликни ҳақиқат йўлида сарфласа. Яна бир кишига Аллоҳ Таоло ҳикмат берган бўлса ва у бу ҳикматнинг ҳақини адо этиб, уни бошқаларга**

**ўргатса».**<sup>1</sup> Бу ерда бу сўз Қуръонни ва суннатни тадаббур қилиш, англаш маъносида келяпти.

Аллоҳ Таоло фарз қилинган садақани (закотни) ва уни миннату озорсиз, риёсиз, молнинг ёмон жойидан эмас, яхши жойидан адо этишни баён қилганидан кейин энди бу оятда банда бир сабаб билан (яъни, назр туфайли) ўзига ўзи фарз қилиб олган нафақага – сарфга ҳам вафо қилиши вожиблигини баён қияпти.

Аллоҳ фарз қилган нафақа-сарф ҳам

﴿وَمَا أَنْفَقْتُمْ مِّنْ نَّفَقَةٍ﴾

(**инфоқ қилган ҳар бир нафақангиз**) ёки банда ўзига ўзи вожиб қилиб олган нафақа-сарф ҳам

﴿أَوْ نَذَرْتُمْ مِّنْ نَّذْرٍ﴾

(**ва назр қилган ҳар бир назрингизни**) ўз ўрнига сарфланиши шарт. Ўз ўрнига сарфламаганларни Аллоҳ Таоло аламли азобдан огоҳлантиради. Бу ваид риё аралашган, миннату озор етказилган, молнинг яхши жойидан эмас, ёмон жойидан ажратилган, гуноҳ иш учун қилинган сарфларнинг ҳаммасига алоқадор. Шу билан бирга у назрга вафо қилмаганларга ҳам, закотни беришдан бахиллик қилганларга ҳам тегишлидир.

Мана шуларнинг ҳаммасига Аллоҳ Таоло Аллоҳнинг азобидан қутқарадиган зот топилмайдиган бир кунда бўладиган азобни ваъда қияпти. Улар золимлардир. Негаки, нарсаларни ўз ўрнига қўймаптилар.

﴿وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ﴾

(**Золимлар учун ҳеч қандай ёрдамчи йўқдир**) бу ваид мазкур оятдаги нафақа ва назр худди бажарилмаслигига жазо тайинланадиган закот ва ўз қарамоғидагиларни боқиш каби вожиб нафақа эканига далолат қилувчи қаринадир.

(**шубҳасиз Аллоҳ билади**) Аллоҳ Таолонинг

уларнинг ҳаммасини жазолашидан киноя. Унда Аллоҳ фарз қилган ишларга ва назрларга вафо қилишда Аллоҳга итоатсизлик қилганлар учун ваид бор. Ма сўзи шарт маъносида бўлиб, унинг жавобига фо қияпти.

<sup>(1)</sup> Бухорий: 71, 1320. Муслим: 135. Термизий: 1859.

Насойй Имрон ибн Ҳусойндан чиқарган мана бу ҳадисда Пайғамбар ﷺ шундай дейдилар:

«النَّدْرُ نَدْرَانِ، فَمَا كَانَ مِنْ نَدْرٍ فِي طَاعَةِ اللَّهِ فَذَلِكَ لِلَّهِ تَعَالَى وَفِيهِ الْوَفَاءُ، وَمَا كَانَ مِنْ نَدْرٍ فِي مَعْصِيَةِ اللَّهِ فَذَلِكَ مِنَ الشَّيْطَانِ، وَلَا وَفَاءَ فِيهِ فَيُكْفَرُهُ مَا يُكْفَرُ الْيَمِينَ»

«Назр икки хил бўлади. Бир Аллоҳга итоат қилиш борасида қилинган назр. Бундай назрга вафо қилинади. Иккинчиси Аллоҳ Таолога гуноҳ қилиш борасидаги назр. Бундай назрга вафо қилинмайди. Унга худди қасам каби каффорат тўланади.»

Аллоҳ Таоло охирги оятда модомики, риё аралашмаётган экан, садақани ошкор қилиш яхши эканини, агар яширин қилинса, янада яхшироқ эканини баён қиляпти. Аллоҳ садақалар сабабли уларнинг айрим гуноҳларини каффорат қилишини айтиб, суюнчли хабар берапти.

﴿إِنَّ الْحَسَنَاتِ يُذْهِبْنَ أَلْسَفَاتِ﴾

«Албатта, яхши амаллар ёмонлик-гуноҳларни кетказур»

[Бақара 114]

Аллоҳ Таоло уларнинг барча қилаётган ишларидан Хабардор. Ҳеч нарса Аллоҳдан махфий эмас. У Зот садақа қилаётган кишининг ичидаги ниятини ҳам, ихлосини ҳам билади. Каттаю кичик ҳамма иш У Зотнинг назаридан четда қолмайди.

(*Агар садақаларни ошкора ҳолда берсангиз*). Бу

оят олдинги оятнинг баёнидир. Яъни, бу ерда фақирга закот бериш ёки вожиб бўлган назрни беришни ошкор қилиш ёки махфий қилиш мақталапти. Лекин Аллоҳнинг наздида уни ошкор қилишдан кўра махфий қилиш яхшироқ эканлиги ҳам айтиляпти. Махфий қилинганда берувчи учун риёдан, олувчи учун эса ноқулайликдан узоқроқ бўлади.

Мана шу

﴿إِنْ تَبَدُّوا أَلْصَدَقَاتِ فَنِعْمًا هِيَ﴾

(*агар садақаларни ошкора ҳолда берсангиз, жуда яхши*) ояти олдинги

﴿وَمَا أَنْفَقْتُمْ مِّنْ نَّفَقَةٍ أَوْ نَذَرْتُمْ مِّنْ نَّذْرٍ﴾

(*инфоқ қилган ҳар бир нафақангиз ва назр қилган ҳар бир назрингизни*) оятининг баёни бўлгани учун ўртадаги атф қилувчи ҳарф олиб ташланган.



Модомики, юқорида айтиб ўтганимиздек, бу оят баён бўлиб келаётган экан, демак унда айтилган садақалар олдинги оятда айтилган нафақа ва назрдир, яъни, фақирларга берилиши вожиб бўлган нафақа, фарз қилинган закот ва фақирларга берилиши вожиб бўлган назрдир.

Шу ерда бир масала туғилади. У Аллоҳ Таолонинг

﴿وَتُؤْتُوهَا الْفُقَرَاءَ﴾

(*фақир-камбағалларга берсангиз*) деган гапидир. Инфоқ қилувчининг ўз қарамоғидаги камбағал одамга яширин тарзда инфоқ қилишини ёки вожиб бўлган назрни камбағалга яширин беришни тушуниш мумкин. Яъни, бундай ишлар бевосита амалга оширилади.

Лекин закот берувчининг иши қандай бўлади? У закотини камбағалга бевосита берса ҳам бўладими ёки олдин давлатга бериши, кейин давлатнинг ўзи камбағалга бериши керак бўладими?

Абу Юсуф «Хирож» китобида шундай дейди: «Пул закотини закот берувчи давлатга бермасдан бевосита камбағалларга бериши мумкин. Бу иш халифанинг изни билан бўлади». Бунга далил Пайғамбар ﷺ пул закотини камбағалларга беришга рухсат этганлар, шундай ишлар қилинганда индамаганлар.

Халифа кишининг пул закотини камбағалга ўзи бевосита беришига рухсат этиши мумкин. Ана шунда унга

﴿وَإِنْ تَخَفُوهَا وَتُؤْتُوهَا الْفُقَرَاءَ فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ﴾

(*ва агар махфий қилиб, фақир-камбағалларга берсангиз — бу ўзингиз учун янада яхшироқдир*) ояти тўғри келади. Чунки шарт феъли (تَخَفُوهَا) эмас, балки

﴿تَخَفُوهَا وَتُؤْتُوهَا الْفُقَرَاءَ﴾

дир. Агар садақа (закот) инфоқ қилувчи томонидан камбағалга бевосита берилаётганда уни махфий қилиш афзалроқ.

Бу гаплар инфоқ қилувчининг бевосита ўзи фақирга бериши мумкин бўлган пул закотига алоқадор гаплардир.

Ҳайвонлар ва экинлар закотлари каби пул закотидан бошқа ишларда эса инфоқ қилувчининг бевосита ўзи камбағалларга бериши мумкин эмас. У садақалар волийсига ёки садақа (закот) йиғувчига берилади. Бундай ҳолат яшириш афзаллиги ҳақидаги

оятга тўғри келмайди. Алдов, яшириш каби ноўрин ишлар содир бўлмаслиги учун бундай ҳолатда ошкоралик йўлини тутиш афзалдир. Зеро, ҳукмларни бажаришда халифага бўлган итоатни яширишдан кўра ошкора қилиш афзалроқдир.

Имом Аҳмад Абу Умомадан ривоят қилишича, Абу Зар Пайғамбар ﷺ дан, эй Аллоҳнинг пайғамбари, қайси садақа афзал, деди. Шунда Пайғамбар ﷺ,

«صَدَقَةٌ سِرًّا إِلَىٰ فَقِيرٍ أَوْ جَهْدًا مُّقْبَلًا»

«Фақирга яширин қилинган садақа ёки йўқсилнинг қийналиб қилган садақаси», дедилар. Кейин юқоридаги оятни ўқидилар.<sup>1</sup>

Саҳиҳ ҳадисда келади:

«سَبْعَةٌ يُظِلُّهُمُ اللَّهُ فِي ظِلِّهِ يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ ... - وَمِنْهُمْ - وَرَجُلٌ تَصَدَّقَ بِصَدَقَةٍ فَأَخْفَاهَا حَتَّىٰ لَا تَعْلَمَ شِمَالُهُ مَا صَنَعَتْ يَمِينُهُ»

«Етти тоифа одамни Аллоҳ Ўзининг соясидан бошқа соя йўқ кунда Ўз соясига олади... Улардан бири ўнг қўли қилган ишни чап қўли билмайдиган даражада махфий садақа қилган кишидир». Бу ердаги садақа мутлақ маънода келяпти. Унга фарз садақа ҳам, нафл садақа ҳам кирaveraди.

Хулоса қилиб айтганда, камбағалга бевосита бериладиган садақанинг фарз ёки нафл бўлишидан қатъий назар, махфий қилингани афзалроқ. Лекин халифага ёки унинг ходимларига топшириладиган фарз закотнинг эса махфий қилинганидан кўра ошкора қилингани афзалроқ. Айрим саҳобалардан қилинган мана бу ривоятнинг мазмуни шу бўлса ҳам ажаб эмас: «Ибн Аббосдан ривоят қилинади: Нафл садақанинг яширин қилингани ошкора қилинганидан етмиш баробар афзалроқ. Фарз садақанинг ошкора қилингани яширин қилинганидан йигирма беш баробар афзалроқ». Бу ердаги фарз садақадан мурод ўша Ислом давлатига бериладиган закотдир. Уни билдириб бериш афзалдир. Чунки ҳукмларни бажаришда халифага бўлган итоатни кўрсатиб қилиш афзалроқдир.

(*жууда яхши* *فَعِيمًا هَيَّ*) мақтов феъли. Мозий, фатҳага мабний.

Асли (*نعم*) бўлиб, унга ма киритилгани учун мим сукун қилинган ва икки сокин бир жойда келиб қолгани туфайли айнга касра берилган.

<sup>(1)</sup> Аҳмад: 5/178, 179. Ибн Ҳиббон: 2/76.

Ма калимаси накра томма. Тамйизлик эътибори билан насб ҳолатида. (نعم) феълининг фоили остидаги мустатир замир бўлиб, у ўзидан кейинги тамйиз билан тафсирланаётган садақаларга қайтади.

(هَي) Муаххар мубтадо бўлиб, садақаларни ошкор қилишга қайтади. Унинг муқаддам хабари ўзидан олдинги жумлаи феълийя, яъни, мақтов феъли ўз фоили билан. Яъни, уни ошкор қилиш нақадар яхши. Лекин бу ерда музоф ҳазф қилиниб, унинг ўрнига музофун илайҳ ўтирган. Мақтов садақаларга эмас, айтиб ўтганимиздек уларни ошкор қилишга алоқадор.

Мақтовнинг садақаларга эмас, садақаларни ошкора қилишга алоқадорлигига далил ихфо (яширин қилиш)нинг унга атф бўлаётгани ва яхшилик иснодининг унга берилаётганидир. (Ўзбекча қилиб айтганда биринчи жумлага уюшиб келаётган кейинги жумлада гап яшириш ҳақида бораётган экан, демак, биринчи жумлада ҳам гап ошкора қилиш устида кетаётган бўлади).

﴿وَإِنْ تَخْفَوْهَا وَتُوْتُوْهَا الْفُقَرَاءَ فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ﴾

(*Ва агар махфий қилиб, фақир-камбағалларга берсангиз — бу ўзингиз учун янада яхшироқдир*) бу ерда иснод садақаларга эмас, махфий қилишга бериляпти. (Изоҳ: Зайд урди, дейилганда урди феълининг исноди Зайдга берилган бўлади. Яъни, урди сўзи Зайдга таяниб турибгина ўзидаги маънони англата олади. Иснод сўзи таянтириш, суянтириш маъноларини англатади). Маътуф нима бўлса, маътуфун алайҳ ҳам ўша бўлади.

﴿إِنْ تُبْدُوا الصَّدَقَاتِ فَنِعِمَّا هِيَ﴾

(*Агар садақаларни ошкора ҳолда берсангиз, жуда яхши*) яъни, садақани ошкора қилиш мақтовга сазовор иш, лекин уни яшириб қилиш ундан ҳам яхшироқ.

(هَي) *жуда яхши* маҳаллан жазм ҳолатидаги жумла, биринчи шартнинг яъни,

﴿إِنْ تُبْدُوا الصَّدَقَاتِ﴾

(*Агар садақаларни ошкора ҳолда берсангиз*)нинг жавоби.

(**فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ**) бу ўзингиз учун янада яхшироқдир) маҳаллан жазм ҳолатидаги жумла, иккинчи шартнинг яъни,

﴿إِنْ تَخَفُوا وَتَوْتَوْهَا الْفُقَرَاءَ﴾

(агар махфий қилиб, фақир-камбагалларга берсангиз)нинг жавоби.

(**وَيُكْفِّرُ عَنْكُمْ** ва қилган гуноҳларингизга каффорат

**بُؤْلَادِي**). Бу ерда (مِنْ) зоида (қўшимча) бўлиши ҳам, таъбизийя (баъзи маъносида) бўлиши ҳам мумкин. Агар зоида бўлса, оят Аллоҳ ҳамма гуноҳларни каффорат қилади, деган маънода бўлади. Агар таъбизийя бўлса, Аллоҳ гуноҳларнинг айримларини каффорат қилади, деган маънода бўлади.

Лекин яна бир қироат ҳам бор. Унда каффорат қилиш феъли учинчи шахсда эмас, биринчи шахс кўплигида ва жазм ҳолатида келган. Бу қироатга кўра (жазм ҳолатидалигини назарда тутяпман), гуноҳларни каффорат қилиш садақаларни махфий қилиш шартига жавоб бўлади. Яъни, гуноҳларни каффорат қилиш садақани махфий қилишнинг натижаси бўлади. Агар (مِنْ) зоида бўлса, жумла агар сизлар садақаларни махфий қилсангизлар (**سَيِّئَاتِكُمْ** гуноҳларингиз)нинг ҳаммаси каффорат қилинади, деган маънода бўлади. Агар (مِنْ) таъбизийя бўлса, жумла агар сизлар садақаларни махфий қилсангизлар, айрим гуноҳинглар каффорат қилинади, деган маънода бўлади. Энди садақаларнинг махфий қилиниши ҳамма гуноҳларнинг каффорат қилинишини тақозо этмаслигини эътиборга оладиган бўлсак, бу ердаги (مِنْ) фақат таъбизийя бўлади. Яъни, бу қироат муҳкам маънони ифодалайди. У ҳам бўлса, (مِنْ) ҳарфининг таъбизийялигидир.

Биринчи қироатга келсак,

﴿وَيُكْفِّرُ عَنْكُمْ مِّنْ سَيِّئَاتِكُمْ﴾

жумласидаги (يَكْفُرُ) феъли раф ҳолатида бўлгани туфайли олдинги шартга жавоб бўлиб келаётган маҳаллан жазм ҳолатдаги феълга атф бўлаётгани йўқ. Бу жумла жумлаи истиънофия бўляпти. (Бу гап янги гап бўляпти). Бу ҳолда у Аллоҳнинг ҳамма ёки айрим гуноҳларни каффорат қилиши ҳақидаги хабар бўлади. Бу кироатда икки хил маъно бор. Агар (مِن) зоида бўлса, бу гапдан гуноҳларнинг ҳаммаси каффорат қилиниши, агар (مِنْ) табъизийя бўлса, гуноҳларнинг айримлари каффорат қилиниши тушунилади. Бошқачароқ қилиб айтганда бу кироат муташобихдир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, феъл жазм ҳолатида ўқилган кироат (مِن)нинг фақат табъизийя эканлигини ифодалайди. Модомики, ҳар икки кироат ҳам мутавотир бўлиб, маъно бир экан, муҳкамнинг муташобих устидан ҳукмронлиги эътибори билан бу ердаги (مِن) табъизийя бўлади.

Яъни, садақани камбағалларга яширин ҳолда бериш ҳамма гуноҳларни каффорат қилмайди, уларнинг айримларинигина каффорат қилади, холос. Аллоҳнинг тақдири ва ҳикматига кўра ҳам шу маъно муносиброқ.

Бу ерда мана шу маъно рожиҳдир. Унда ўзига хос бир ҳикмат бор. Токи, бандалар Аллоҳ Таолодан кўрқишга, Аллоҳга яқинлаштирадиган яхши ишларни қилишга ҳарис бўлсинлар. Токи, садақани махфий қилиб, бўлди, энди ҳамма гуноҳларим каффорат қилинди, дея ишониб қолмасинлар ва шу ишларига таяниб, Аллоҳ белгилаб қўйган ҳадлардан ошмасинлар. Агар садақалар гуноҳларнинг айримларинигина каффорат қилишини англасалар (Аллоҳнинг тақдири ва илмида шундай), ҳар икки дунё саодатига эришиш учун савобни кўпайтириб, гуноҳни озайтиришга ҳарис бўладилар. Бундай саодатга эришиш энг буюк ғалабадир, муваффақиятдир.

وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ *Аллоҳ қилаётган амалларингиздан*

*хабардордир*) яъни, садақанларни ошқора қиласизларми, яширин қиласизларми, ҳаммасидан Огоҳ. Аллоҳга юзланишда ихлосинглар қанча, садоқатинглар қанча, ҳаммасини билади. У Зотдан ҳеч нарсa махфий эмас. □

Саҳл ибн Саъд رضي الله عنه ривоят қилишича, Расулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«لِيَدْخُلَنَّ الْجَنَّةَ مِنْ أُمَّتِي سَبْعُونَ أَلْفًا، أَوْ سَبْعُمِائَةَ أَلْفٍ مُتَمَاسِكُونَ، آخِذٌ بَعْضُهُمْ بَعْضًا  
صَفًّا وَاحِدًا بَعْضُهُمْ بِجَنْبِ بَعْضٍ). لَا يَدْخُلُ أَوْثَمُهُمْ حَتَّى يَدْخُلَ آخِرُهُمْ (أي أن دخولهم  
يكون في وقت واحد) وَجُوهُهُمْ عَلَى صُورَةِ الْقَمَرِ لَيْلَةَ الْبَدْرِ»

«Умнатимдан етмиш минг ёки етти юз минг киши бир-  
бирини тутиб олган ҳолда жаннатга киради. Уларнинг  
аввали-ю охири бир вақтда киради. Уларнинг юзлари  
тўлин ой кечасидаги ойнинг кўринишига ўхшайди».

Ибн Аббос ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ шундай дейдилар:

«عَرِضَتْ عَلَيَّ الْأُمَمُ، فَرَأَيْتُ النَّبِيَّ وَمَعَهُ الرَّهْطُ (تصغير الرهط وهو الجماعة دون  
العشرة). وَالنَّبِيَّ وَمَعَهُ الرَّجُلُ وَالرَّجُلَانِ. وَالنَّبِيُّ لَيْسَ مَعَهُ أَحَدٌ؛ إِذْ رَفَعَ لِي سَوَادٌ عَظِيمٌ  
(العدد الكبير الذي يرى من بعيد) فَظَنَنْتُ أَنَّهُمْ أُمَّتِي، فَقِيلَ لِي: هَذَا مُوسَى وَقَوْمُهُ،  
وَلَكِنْ انظُرْ إِلَى الْأَفْقِ. فَنَظَرْتُ، فَإِذَا سَوَادٌ عَظِيمٌ، فَقِيلَ لِي: انظُرْ إِلَى الْأَفْقِ الْآخَرَ؛ فَإِذَا  
سَوَادٌ عَظِيمٌ (جاء في رواية عند البخاري: فرأيت سوادًا كثيرًا سد الأفق). فَقِيلَ لِي: هَذِهِ  
أُمَّتُكَ، وَمَعَهُمْ سَبْعُونَ أَلْفًا يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ بِغَيْرِ حِسَابٍ وَلَا عَدَابٍ. ثُمَّ نَهَضَ فَدَخَلَ  
مَنْزِلَهُ. فَحَاضَ النَّاسُ (تكلموا وتناظروا وانتشر الصوت) فِي أَوْلِيكَ الَّذِينَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ بِغَيْرِ  
حِسَابٍ وَلَا عَدَابٍ. فَقَالَ بَعْضُهُمْ: فَلَعَلَّهُمُ الَّذِينَ صَحِبُوا رَسُولَ اللَّهِ، وَقَالَ بَعْضُهُمْ: فَلَعَلَّهُمْ  
الَّذِينَ وُلِدُوا فِي الْإِسْلَامِ وَمَ يُشْرِكُوا بِاللَّهِ، وَذَكَرُوا أَشْيَاءَ، فَخَرَجَ عَلَيْهِمْ رَسُولُ اللَّهِ فَقَالَ: مَا  
الَّذِي تَحُوضُونَ فِيهِ؟ فَأَجَبُوهُ. فَقَالَ: هُمُ الَّذِينَ لَا يَرْقُونَ (لا يقرؤون على غيرهم بالرقية).  
وَلَا يَسْتَرْقُونَ (لا يطلبون من أحد أن يرقىهم، لقوة اعتمادهم على الله)، وَلَا يَتَطَيَّرُونَ  
(مأخوذة من الطير، وأصله التشاؤم بالطير الذي كان منتشرًا في الجاهلية، ولكنه يعم كل  
تشاؤم بمرئي أو مسموع أو زمان أو مكان)، وَعَلَى رِجْمِهِمْ يَتَوَكَّلُونَ (وهذا هو الأصل الجامع

الذي تفرعت منه الأفعال السابقة وهو التوكل على الله وصدق اللجأ إليه). فَقَامَ عَكَاشَةُ بْنُ  
 مَخْصَنٍ. فَقَالَ: ادْعُ اللَّهَ أَنْ يَجْعَلَنِي مِنْهُمْ. فَقَالَ: أَنْتَ مِنْهُمْ (وفي رواية البخاري قال النبي  
 ﷺ: اللهم اجعله منهم) ثُمَّ قَامَ رَجُلٌ آخَرُ فَقَالَ: ادْعُ اللَّهَ أَنْ يَجْعَلَنِي مِنْهُمْ. فَقَالَ: سَبَقَكَ بِهَا  
 عَكَاشَةُ»


«Менга турли Умматлар кўрсатилди. Бир Пайғамбарни кўрдим. У билан бир жамоа бор эди. Яна бир Пайғамбарни кўрдим, у билан бир икки киши бор эди. Яна бошқасини кўрдим, у билан фақат бир киши бор эди. Сўнгра, узокдан кўп сонли одамлар кўринди, шунда мен уларни Умматим бўлса керак деб гумон қилдим. Менга бу Мусо ва унинг қавми, лекин сен уфққа қара дейишди. Мен уфққа қараган эдим, кўп сонли одамлар кўринди. Сўнг менга: Бошқа уфққа қара дейишди. Қарасам кўп сонли одамлар кўринди (Бухорийда ривоят қилинишича, кўп сонли одамлар кўринди, улар ҳатто уфқни ҳам тўсиб турар эди дейилган). Сўнг менга: Бу сенинг Умматинг, улардан етмиш мингтаси ҳисоб-китобсиз ва азобланмасдан жаннатга киради, деб айтилди. Сўнгра Пайғамбаримиз ﷺ ўрнидан туриб хужрасига кириб кетдилар. Одамлар эса, ҳисоб-китоб ва азобланмасдан жаннатга кирадиган кишилар ҳақида баҳс ва мунозара ҳамда тортиша кетдилар. Айримлар: Улар саҳобалардир десалар, айримлари: Улар Ислолда туғилиб, ширк амалини қилмаганлар дейишди. Шунингдек, турли сўзларни сўзлашди. Шунда Росулulloҳ ﷺ хужрасидан чиқиб: Нима ҳақида баҳс қиляпсизлар деган эдилар, улар баҳслашаётган нарса ҳақида айтишди. Росулulloҳ ﷺ: Улар бошқаларга руқя ўқимайдиган, Аллоҳга қаттиқ суянганлари учун бошқалардан руқя қилишни сўрамайдиган, қушлар билан фол очмайдиган (бунга ҳар қандай фол очиш киради) ва Роббиларига таваккал қиладиганлардир, дедилар. Шунда Уккоша туриб: Аллоҳдан мени ўшалардан қилишини сўраб дуо қилинг деган эди, У киши: Сен ўшалардансан, дедилар. (Бухорий ривоятида Пайғамбаримиз ﷺ: Уни ўшалардан қилгин, деб айтдилар дейилган. Сўнгра яна бир киши туриб:

Мени ҳам ўшалардан қилишини сўраб Аллоҳга дуо қилинг деган эди, У киши: **Уккоша сендан ўтиб кетди**, дедилар. Имом Муслим Имрондан қилган ривоятда: **«Куйдириб даволашни сўрамайдилар»**, деган ибора ҳам келган. Бу ибора Бухорийда ибн Аббос томонидан ривоят қилинган.

Бу ҳадисда Аллоҳга таваккал қилишнинг охиратдаги мартабаси улуғ эканига ишора бор. Чунки бундай инсон ҳисоб-китобсиз ва азобланмасдан жаннатга кириши ҳақида айтиляпти. Яъни улар на руқя қилдирадилар, на фол очдирадилар ва на куйдириб даволайдилар. Бу Аллоҳга бўлган имон ва таваккалнинг энг баланд чўққисидир. Ҳадис яна Пайғамбаримизнинг издошлари кўплиги сабабли афзал ва шарафли бўлганини баён қиляпти. Шунингдек, бу Умматнинг бошқа халқлардан афзаллиги ва бу Уммат Аллоҳга чиройли таваккал қилишдаги афзаллигини баён қиляпти. Чунки имоннинг турли даражалари бўлиб, уларнинг энг юқориси Аллоҳга таваккал қилиш ва суянишдир...

- Аммо руқяга келсак, у шаръан жоиз, лекин Аллоҳга суянган ҳолда уни қилмаслик олий даражадир. Руқя Аллоҳнинг сўзлари ёки исмлари ёки сифатлари ёки Пайғамбаримиздан қолган асарлар билан бўлади. Мусулмон одам таъсир руқянинг ўзи эмас, балки таъсир Аллоҳдан бўлади деб эътиқод қилиши лозим. Уламолар руқя ҳақида турли сўзлар айтишган:

– Руқя қилиш Пайғамбаримиз ﷺнинг ҳидоятидандир. Икки саҳиҳда Оиша онамиздан ривоят қилинишича, Пайғамбаримиз ﷺ руқя қилганлар. Имом Муслим Оиша онамиздан ривоят қилишича, Жаброил ﷺ Пайғамбаримизни руқя қилган. Икки Саҳиҳ тўпلامда келишича, Оиша онамизни Росулulloҳ ﷺ руқя қилганлар.

– Саҳоба лар руқя қилганлар, Оиша онамизни Росулulloҳ ﷺ руқя қилганлар. Абу Саиднинг ҳадисида ривоят қилинишича, саҳобалар бошқаларни руқя қилишган. Бир саҳобий қабила бошлиғини Фотиҳа сураси билан руқя қилгани ва Росулulloҳ ﷺ: Уни руқя эканини қаердан билдинг деб сўрагани ҳақида муттафакун алайҳ ҳадис бор.



– Руқя бошқасига яхшилик қилишдир, шундай экан бу фазилатдан қайтарилмайди. Бир киши Росулulloҳ ﷺдан: Эй Аллоҳнинг Росули мен руқя қиламан деган эди, У киши:

«مَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمْ أَنْ يَنْفَعَ أَخَاهُ فَلْيَفْعَلْ»

«Сизлардан бирортангиз биродарига фойда қилишни хоҳласа, қилсин», дедилар. Муслим ривояти. Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«لَا بَأْسَ بِالرُّقَى مَا لَمْ يَكُنْ فِيهِ شِرْكٌ»

«Модомики ширк аралашмаган экан, руқя қилишнинг зарари йўқ».

• Руқя қилишни сўрамайдилар, дегани бошқалардан руқя қилишни талаб қилмайдилар деган маънодадир. Шунинг учун кимки ҳисоб-китоб ва азобланмасдан жаннатга кирадиган етмиш минг кишининг фазилатини эгаллашни истаса бошқалардан руқя қилишни сўрамасин. Чунки استرقي калимасидаги س ا ت ҳарфлари талабни англатади. Бунинг маъноси шуки, руқя жоиз бўлса-да, уни талаб қилмаслик Аллоҳга бўлган таваккал ва бошқасига боғланиб қолмасликнинг энг юксак чўққисидир. Аслида руқя қилишни сўрайдиган киши руқянинг шаръий экани ва унинг шаръий шартлари билан қилинса ва Аллоҳ шифо беришни хоҳласа шифо беришига ишониши лозим. Шунингдек, ёлғиз Аллоҳгина шифо берувчи, унинг аҳволидан хабардор, ишларини тадбир қилувчи ва ишларини ислоҳ қилувчи эканига ишониши лозим. Руқя қилишни талаб қилмайдиган мусулмон эса шифо топадими ёки йўқми Аллоҳ унга рози бўлган нарсага рози бўлади ва барча ишларини Аллоҳга топширади.

Қушлар билан фол очмайдилар ибораси التطير калимаси طير калимасидан олинган бўлиб, у Арабларда кенг тарқалган қушлар орқали фол очишдир. Араблар агар қушлар шимол тарафга кетиб ортга қайтса ёмонлик деб ва агар ўнг томонга кетса, яхшилик деб билишар эди. Шунинг учун ҳадисда қушлар билан фол очиш дейилган. Лекин бу ерда фақат қушлар билан фол очиш айтилган дейилмайди. Балки фол очиш қушларни кўриш билан бўладими ёки бошқаси билан бўладими фарқи йўқ. Масалан киши ўзи ёқтирмайдиган

овозни эшитиб, унга ўз тақдирини боғлаб олиши ва ўша тақдирни кутиши. Ёки одамлар орасида ҳақиқати мавжуд бўлмаган бир маълумот тарқалиб, ўша асосида фол очишлари. Ёки муайян кунлар билан фол очишлари, буларнинг барчаси ҳаром. Шунинг учун Ислом бунинг зидди, яъни яхшиликни умид қилишга чақиради.

Қушлар орқали фол очиш тавҳидга зиддир, чунки қушлар билан фол очувчи Аллоҳга бўлган таваккални кесиб, ҳақиқати бўлмаган нарсага суюнади.

• Аммо «**وَ لَا كُيْدِيرِيب دَاوَلَامَاЙДИЛАР**», иборасидан шу нарса англашиладики, куйдириш ва ундан шифо излаш ҳисоб-китобсиз ва азобланмасдан жаннатга кирадиган кишиларнинг фазилатидан эмас экан. Куйдириш борасида кўп далил келган бўлиб, уларнинг айримлари куйдиришни қоралаган бўлса, айримлари уни мубоҳ деган. Икки саҳиҳ тўпلامда Ибн Аббосдан ривоят қилинишича, Росулulloҳ ﷺ шундай деганлар:

«الشِّفَاءُ فِي ثَلَاثٍ: فِي شَرْطَةِ مَحْجَمٍ، أَوْ شَرْبَةِ عَسَلٍ، أَوْ كَيْ بِنَارٍ، وَأَنَا أَنَّهُى أُمَّتِي عَنِ

الْكَيْ»

«Уч нарсада шифо бор: хижома қилувчининг кесиб қон оқизиши, асал истеъмол қилиш ва ўт билан даволаш. Лекин мен Умматимни куйдиришдан қайтараман». Жобирнинг муттафақун алайҳ ҳадисида: «**وما أحب أن أكتوي** Мен куйдиришни яхши кўрмайман», деганлар. Икки саҳиҳ тўпلامда Пайғамбаримиз ﷺ Саъд ибн Муоз билагидан яраланганда куйдириб даволагани ҳақида ҳадис бор. Шунинг учун уламолар унинг ҳукми борасида турли фикрдалар. Эҳтиёж туғилганда жоиз бўлса керак, чунки қайтарув макруҳликни англатади, лекин тарк қилган афзал. Ибн Қойюм (Аллоҳ ўз раҳматига олсин) куйидаги чиройли сўз билан икки далилни жамлаган: «Куйдириб даволаш ҳақидаги ҳадис тўрт хил нарсани ўз ичига олади: Биринчиси уни қилса бўлади, иккинчиси Росулulloҳ уни яхши кўрмаслиги, учинчиси тарк қилган кишини макташи, тўртинчиси ундан қайтариш. Аллоҳга ҳамд бўлсинки, уларнинг орасида қарама-қаршилиқ йўқ. Росулulloҳ ﷺнинг уни қилгани жоизлигига далил, яхши кўрмаслиги ундан қайтарганига далил

бўлмайди. Тарк қилган кишини мақташи тарк қилиш афзаллигига далил, ундан қайтариш эса, макруҳлигига далил. Муҳтож бўлмаса қилмаган афзал, лекин зарурат бўлганда қилса жоиз. (Зодул маод).

• Аммо «**وَعَلَى رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ**» **Роббиларига таваккал қиладилар**» деган иборада Аллоҳга таваккал қилишда афзаллик ва улуғ мартаба бор эканига ишора мавжуд. Бу ибора олдинги

﴿وَلَا يَسْتَرْفُونَ، وَلَا يَتَطَيَّرُونَ، وَعَلَى رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ﴾

«**Руқя қилишни талаб қилмайдилар, қушлар билан фол очмайдилар ва Роббиларига таваккал қиладилар**», каби сифатларни жамлайди. Чунки улар Аллоҳга тўла таваккал қилганлари учун мазкур ишлардан тийиладилар. Таваккал Аллоҳга ишонган ҳолда унга суяниш ва сабабларни ушлашдир. Аллоҳга суяниш ўз ишларини ўша зотга тўла топшириш орқали рўёбга чиқади. Аллоҳга ишониш Аллоҳ ўзи кифоя қилади ва Аллоҳ ўзи етарлидир, деб билиш билан бўлади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَنْ يَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ فَهُوَ حَسْبُهُ﴾

«**Ким Аллоҳга таваккал қилса, бас, (Аллоҳнинг) Ўзи унга етарлидир**» [Талок 3]

Шу билан бирга, ижро этишга рухсат берилган ишларни амалга ошириши лозим. Чунки амалсиз таваккал тавокулдир, яъни у лоқайдликдир. Ибн Қойюм айтади: «Қавминг ижмосига кўра, таваккал сабабларни ушлашга зид келмайди. Шунинг учун таваккал сабабларни ушлаш билан бўлади, акс ҳолда таваккал ботил ва фосид таваккал бўлиб қолади». (Мадорижус соликин китобидан). Мусулмон одам фалон ишни қилишда Аллоҳга таваккал қилдим, дейиши шаръан жоиз. Чунки бунда мақсадини кўрсатиш ва Аллоҳга бўлган куллигини тасдиқлаш бор. □

**УЛАРНИНГ ҲИДОЯТЛАРИГА ЭГРАШИНГ:  
ХАЛИФА УМАР ИБН АБДУЛАЗИЗ ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР**

**Юсуф Абу Ислом**

Мусулмонларнинг бугунги аҳволи ва улар бошдан кечираётган қийинчиликларга назар солган киши Умматнинг қанчалик Халифаликка муҳтож эканини идрок этади. Зеро Халифалик динни ва дунёни сақлайди ҳамда унинг адолатидан инсоният, дов-дарахтлар бахраманд бўлади. Мусулмонлар ҳаётида рошид ва зўравон халифалар бўлди. Бугун золим ҳокимлар зулмидан азоб чекаётган мусулмонлар Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифаликнинг қайтиши ҳақидаги Аллоҳнинг ваъдаси ва Пайғамбарининг хушxabари рўёбга чиқишини бетоқатлик билан кутишмоқда. Ўн уч асрдан кўпроқ вақт мобайнида оламни Ислом адолати билан бошқарган исломий Уммат Аллоҳнинг изни билан яна оламни бошқаришга қодирдир.

Шунинг учун Умматнинг ўз роббиси ваъдаси ва Росулининг хушxabарига бўлган ишончини ҳамда қайтадан оёққа туришига бўлган ишончини қайта тиклаш лозим. Шунингдек, Аллоҳга, Аллоҳнинг ушбу Умматга нусрат беришига, қиёматгача бу Умматда яхшилик давом этишига, ваъда қилинган Халифалик Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик эканига, бугун ушбу Халифаликнинг замони эканига, уни тиклашда сусткашликка йўл қўймаслик лозим эканига, бўлажак халифанинг сийрати аввалги рошид халифалар, шу жумладан одил халифа Умар ибн Абдулазизнинг сийрати каби бўлишига бўлган ишончини ҳам қайта тиклаш лозим.

Одил Халифа Умар ибн Абдулазиз туманли бир даврда халифа бўлди. Биз у кишининг сийратини ҳавола қилишимиздан мақсад мусулмонлар қалбига қадим тарихлари борасида завқу шавқ солишдир. Токи, улар Халифаликни қайта тиклаш учун оёққа турсинлар. Аллоҳдан ушбу ишда бизга кўмак беришини ва яқинда тикланажак Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик билан бизни сийлашини сўраймиз. Албатта Аллоҳ кўриб турувчи ва дуоларни ижобат қилувчи зотдир.

**Бешинчи рошид Халифа Умар ибн Абдулазиз**

У Абу Ҳафс Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон ибн Ҳакам умавий қураший бўлиб ҳижрий 61 йилда, милодий 681 йилда туғилиб, ҳижрий 101 йилда, милодий 720 йилда вафот этган. Умавий Халифаларнинг еттинчиси. Ҳижрий сананинг 61 йилида Мадинада туғилган. У Умар ибн Хаттоб оиласидан бўлган

тоғалари ҳузурида улғайди. У тоғалари ва Мадинадаги саҳобалар жамиятидан таъсирланди. Илм ўрганишга қаттиқ қизиқди. Халифа Валид ибн Абдулмалик 87 хижрий санада уни Мадинаи Мунавварага волий қилди. 91 хижрий санада эса, унга Тоиф вилоятини ҳам қўшиб берди. Шундай қилиб, у бутун Ҳижоз ерларига волий бўлиб қолди. Сўнгра у ердан олиниб Дамашққа волий бўлди. Сулаймон ибн Абдулмалик халифа бўлгач, уни ўзига вазир ва маслаҳатчи қилиб олди. Сўнгра халифага валиаҳд бўлди ва 99 хижрий санада Сулаймон вафот этгач, Умар Халифа бўлди.

Умар ибн Абдулазиз ёшлик чоғларидан илм ўрганишга қаттиқ қизиқар эди. Уламолар орасида мутолаа ва мунозара қилишни яхши кўрар эди. Шунинг учун доим Мадинадаги илм мажлисига қатнарди. Ўша пайтда уламолар, фақиҳлар ва солиҳлар илм ва салоҳият нури билан чулғанган эдилар. Умар ёшлигиданок вақтини илм ўрганишга сарфлади. Умарнинг илмга бўлган қизиқиши ва адабиётга бўлган рағбати унинг тўғри йўл топганининг аломатларидан эди. Умар ибн Абдулазиз ёшлигидаёқ Қуръонни ёд олди. Бу ишда Умарга унинг қалби тозалиги, ёд олиш борасидаги етук иқтидори ҳамда вақтини илмга сарфлаши ёрдам берди. Умар Қуръони каримдан қаттиқ таъсирланди, шунинг учун ёш бўлишига қарамай, ўлимни эсласа йиғларди. Онаси бу ҳақида хабар топиб, унга одам юбориб: Нега йиғлайсан деганида, у ўлимни эслаб йиғлайман, деб жавоб берган эди. Бу хабарни эшитгач, онаси ҳам йиғлаган эди.

Умар ибн Абдулазиз шундай замонда яшаган эдики, унда тақво жамияти ҳукмрон ва илмга бўлган талаб устун эди. Шунингдек, Мадинада бир қанча саҳобалар яшарди. Умар ибн Абдулазиз Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толибдан, Соиб ибн Язиддан ва Саҳл ибн Саиддан ҳадис ривоят қилган. Саҳл ибн Саъд унга Пайғамбаримиз сув ичган қадахни совға қилган. Умар ибн Абдулазиз Анас ибн Моликка имомлик қилганда, у:

«مَا رَأَيْتُ أَحَدًا أَشْبَهَ صَلَاةَ رَسُولِ اللَّهِ مِنْ هَذَا الْفَتَى»

«Бу йигитдан кўра Росулulloҳга ўхшаб намоз ўқиган кишини кўрмадим», деган эди.

Умар ибн Абдулазиз Мадинадаги фақиҳ ва олимлар қўлида тарбия топди. Умарнинг отаси Абдулазиз Солиҳ ибн Кайсонни ўз ўғлига тарбиячи қилиб танлади. Солиҳ ибн Кайсон унинг тарбияси билан шуғулланди. Умар беш вақт фарз намозларни масжидда ўқир эди. Бир куни у жамоат намозидан кеч қолган эди, Солиҳ ибн Кайсон унга: Нима билан машғул эдинг деди. Шунда у: Соч тараш

билан деб жавоб берди. Солиҳ ибн Кайсон Умарнинг отасига бу ҳақида мактуб ёзди. Сўнгра отаси унга одам юборган эди, у келиб, Умарга ҳеч қандай сўз сўзламай, сочини олиб юборди. Умарнинг отаси ҳаж қилиб, Мадинадан ўтди ва Солиҳ ибн Кайсондан ўгли ҳақида сўради. Шунда Солиҳ: «Бу йигитдан кўра қалбида Аллоҳни улуғ деб биладиган бирортасини кўрмадим», деб жавоб берди.

Умар ибн Абдулазиз таъсирланган шайхлардан бири Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуд эди. Умар у кишини кўп улуғлар, унинг илмидан баҳра олган, одобидан таъсирланган эди. Умар ҳатто Мадина амири бўлиб турган кунларда ҳам у кишини зиёрат қилар эди. Умар бу шайхдан таъсирлангани ва унинг суҳбатига кўп боришини шундай изоҳлаган: «Кўзи ожиз Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуд билан суҳбат куриш мен учун минг динордан афзалдир». Убайдуллоҳ Умарнинг даврида Мадина муфтиси бўлди ва у еттита фақиҳларнинг бири эди. Имом Зухрий уни: «Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ илм денгизларидан бири эди», деб таърифлаган эди.

Умар ибн Абдулазиз Мадина вилоятига волий бўлгач, у ерда маслаҳат кенгашини тузди ва уни «Мадинанинг ўн фақиҳлари кенгаши», деб номлади. Одамлар янги амир билан саломлашгани келган пайт Умар улар билан намоз ўқиди. Сўнг Мадинадаги ўнта фақиҳни чақирди. Улар: Урва ибн Зубайр, Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Утба, Абу Бакр ибн Абдурраҳмон ибн Ҳорис ибн Ҳишом, Абу Бакр ибн Сулаймон ибн Абу Хайсама, Сулаймон ибн Ясор, Қосим ибн Муҳаммад, Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар, унинг укаси Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Омир ибн Робиа ва Хорижа ибн Зайд ибн Собитлар эди. Улар Умарнинг ҳузурига кириб ўтиришди. Умар Аллоҳга ҳамд ва санолар айтганидан кейин шундай деди: «Мен сизларни шундай иш учун чақирдимки, сизлар унинг учун ажр оласиз ва ҳақ устида ёрдамчи бўласиз. Мен фақат сизларнинг ёки сизлардан (ким мажлисда) ҳозир бўлса ўша кишининг фикри билан бир ишга қарор қиламан. Агар бирортасини тажовуз қилганини кўрсангиз ёки омилларимдан бирортасининг адолатсизлиги сизга етиб келса, албатта уни менга етказинг».

Умар ибн Абдулазизнинг Халифалик даври ўзига хос хусусиятлар билан ажралиб туради. Улардан адолат, тенглик, Бану Умайя амалга оширган жиноятни бартараф қилиш, золим волийларни ишдан олиш ва уларни жазолаш кабилардир. Масалан Умар ибн Абдулазиз маслаҳат билан иш юритишни қайта тиклади. Шунинг учун аксар уламолар уни бешинчи рошид халифа деб

аташади. Шунингдек, у шаръий илмларга эътибор берди ва Пайғамбаримиз ﷺ ҳадисларини девон қилишга буюрди.

Умарнинг Халифалик даври икки йил, беш ой ва тўрт кун давом этди. У 101 хижрий санада заҳарланиб ўлдирилди. Унинг ўрнига Язид ибн Абдулмалик Халифа бўлди. Молик ибн Динор (Аллоҳ ўз раҳматига олсин) у ҳақда: «Одамлар мени зоҳид дейишади, зоҳид Умар ибн Абдулазиздир. Чунки у қанча дунё келса ҳам олмаган эди», дейди.

Ривоят қилинишича, Умар ибн Абдулазизнинг бир минтақадаги омили унга шахрининг хароблиги ва қаср қуриш учун унга маблағ юборишини сўраб мактуб ёзади. Умар эса, унга шундай жавоб қайтаради: «Мактубингни тушундим, менинг мактубимни ўқисанг, шахрингни адолат билан обод айла ва йўлларини зулмдан тозала. Мана шу унинг ҳурмати дир... тамом».

Зоҳид халифа волийларга мана шундай қисқа сўзлар билан насиҳат қилар ҳамда уларни адолатга ва зулмни тарк этишга чақирар эди: Қўшинсиз мол бўлмайди, молсиз қўшин. Мол юртлар билан бўлади, юртлар фуқаролар билан, фуқаролар адолат билан бўлади. Амирлар мол тўплаганидан кўра, адолат қилиши афзалдир. Ҳатто Мадинага ҳам шу сўз мосдир.

Умар ибн Абдулазизга: Эй мўминлар амири қўлингизда мол бўла туриб, уйингиздан ўзингизга керакли нарсани топа олмаяпмиз дейишганида, у киши: «Бу ўткинчи дунёда уй безалмайди. Бизнинг ҳовлимиз бўлиб, унга яхшиликларимизни кўчирганмиз. Яқинда ўша жойга борамиз», деган эди.

Қуйида инсонни тадаббур қилишга ундайдиган бошқа бир позиция ҳақида суҳбатлашамиз. Умар ибн Абдулазиз халифа бўлгач нима қилди? У хурсандчиликдан боши осмонга етдими?

Умар ибн Абдулазизга халифа бўлгани хабари етгач, қалби йиғидан ёрилай деди. У биринчи сафда эди, уламолар уни минбарга ўтказишди. У титроқдан қалтирар эди, уни одамларнинг олдига турғазиди. У одамларга гапирмоқчи бўлдию лекин йиғи туфайли гапиришга қодир бўлмади. Сўнг байъатингиз ўзингизга ҳавола мен халифа бўлишни хоҳламайман деди. Шунда одамлар ҳам йиғлашди ва «Сендан бошқасини хоҳламаймиз» дейишди. Сўнг гапиришга ҳаракат қилган эди ўлим эсига тушди, Аллоҳга йўлиқиш эсига тушди. Аввалги ўтганларнинг қисматини эслади ва масжиддаги барча одамлар йиғлади. Умар ибн Абдулазиз Халифалик мансабига ўтирар экан, биринчи қилган ишини ўқисак баданлар қалтирайди ҳамда Халифаликни хоҳлаб келган киши

билан уни хоҳламай келган киши ўртасидаги фарқни билиб оламиз.

Умар ибн Абдулазиз мискин, бечора ва тул хотинларга яқин бўлиш учун Дамашқдаги бир ховлига кўчиб ўтди. Сўнг халифаларнинг қизи ва синглиси, халифанинг аёли бўлмиш хотинини чақирди. Унга: «Эй Фотима, мен Муҳаммад ﷺ Умматига халифа бўлдим – Ўша пайтда Умар бошқариб турган харита шарқдан Санад, ғарбдан Работ, шимолдан Туркистон ва жанубдан Жанубий Африкагача чўзилган эди – Агар Аллоҳ ва охират ҳовлисини хоҳласанг тақинчоқ ва тиллаларингни байтул молга топшир. Агар дунёни хоҳласанг бу ерга кел, чиройли матолардан бераман ва отангникига кет» деди. Аёли эса: «Йўқ, ҳаётим ва ўлимим сиз билан» деб жавоб берди. Сўнг тақинчоқлари ва тиллаларини унга берди. Умар уларни мусулмонлар жамғармасига топширди.

Умар ибн Абдулазиз камбағаллардек ҳаёт кечирди. Арпа унидан бўлган нонни ёкқа теккизиб ер эди. Кўпинча тонгда бир сиким майиз ер ва болаларига: «Бу жаҳаннам оловидан яхши» дер эди.

Бир куни байтулмолга ташриф буюрди ва ширин ҳидларни ҳидлади, кейин бурнини беркитиб олди. Шунда ундан: Сизга нима бўлди деб сўрашган эди. У: Аллоҳ Таоло қиёмат куни нима учун байтулмолдаги мусулмонлар ширинликларидан ҳидладинг деб сўрашидан кўрқаман», деди. Нақадар улуғ даража, нақадар чуқур фикрлаш!

Умар ибн Абдулазиз вафот этгач, унинг аёлидан бизга Умар ҳақида айтиб беринг дейишган эди. У: Аллоҳга қасамки тунда ухламас эди. Бир куни тунда унга яқинлашсам йиғлаётган экан ва ёмғирда қалтираётган чумчуқдек қалтирар эди. Шунда мен: Эй мўминлар амири сизга нима бўлди десам, У: нима ҳам бўлар эди, Муҳаммаднинг Умматига волий бўлдим. Уларнинг ичида қийналган заиф, азоб чеккан қашшоқ, оч мискин ва тул аёллар бор... Қандай ҳам йиғламайин, Қиёмат куни Аллоҳ уларнинг барчаси ҳақида сўраса, қандай жавоб бераман?».

Бир куни Сулаймон саҳрога чиқди, у билан бирга Умар ҳам бор эди. Шунда бир булут келиб, чақмоқ чалди ва гумбурлади. Сулаймон ва у билан бирга бўлганлар кўрқиб кетишди. Шунда Умар: Бу неъматдан дарак берувчи овоздир, азобдан дарак берувчи овоз келса нима бўлар экан? деди. Сулаймон эса: Мана бу юз минг дирҳамни олиб, садақа қилиб юбор деди. Шунда Умар: «Эй мўминлар амири бундан ҳам яхшироқ иш бор» деди. Сулаймон у нима экан? деган эди, Умар: «Сенга боғланмаган ҳолда зулмда



сенга шерик бўлганлар», деди. Шунда Сулаймон зулми йўқ қилди.

Умар ибн Абдулазиз амирликка ўтирган биринчи куниёқ кибор уламолардан насиҳат ва маслаҳат олди. Токи, улар унга Аллоҳни эслатишсин ва амирлик уни Роббисининг буйруғидан тўсиб қолмасин.

Умар бу ҳақда Ҳасан Басрийга мактуб ёзди, Ҳасан Басрий унга шундай жавоб ёзди: «Эй мўминлар амири одил имом ўз боласига меҳрибон отага ўхшайди. Гўдаклигида елиб югуради, катта бўлганда ўргатади. Тириклигида уларга ёзиб беради ва вафотидан кейингисига захира қолдиради. Одил имом ўз боласига раҳмдил ва меҳрибон онага ўхшайди. Гоҳида эмизса, гоҳида кўкракдан ажратади. Унинг офиятидан хурсанд бўлса, шикоятдан ғамга ботади. Эй мўминлар амири одил имом етимлар васийси, мискинлар ҳимоячисидир, уларнинг кичикларини тарбиялайди. Эй мўминлар амири одил имом аъзолар ичида қалбга ўхшайди, у ислоҳ бўлса, бошқа аъзолар ислоҳ бўлади, у бузилса, бошқалари ҳам бузилади. Эй мўминлар амири одил имом Аллоҳ билан бандалари ўртасида туради. Аллоҳнинг каломини эшитиб, уларга етказди. Аллоҳга бўйсунади, уларни етаклайди. Эй мўминлар амири Аллоҳ сизни эга қилган нарсада хўжайини омонат қўйган ҳамда моли ва болаларини ҳимоя қилишни сўраган, у эса уларни совурган, оиласини ҳайдаб чиққан, натижада аҳлини қашшоқ қилган ва молини беҳуда сарфлаган бандасига ўхшаб қолманг».

**Халифа Умар ибн Абдулазиз волий ва омиллари танлашда қандай йўл тутди?**

Умар ибн Абдулазиз халифа бўлгач, унга қоровул тайин қилишди. Умар унга: кетавер деган эди, у: нимага? деди. Шунда Умар мен сени чодир соясида салқинлаётганингни кўрдим. Одамлар Валид ибн Абдул Малик даврида қуёшда туришган. Аллоҳга қасамки, сен мен учун қоровул бўлмайсан. Бери кел эй Мазохим, сен менга қоровул бўласан. Чунки мен сени Қуръонни кўп тиловат қилаётганинг ва Аллоҳдан бошқа ҳеч ким кўрмайдиган жойда зуҳо намозини ўқиётганингни кўряпман» деди.

Умар одамларни тақвоси билан ўлчар эди. Унинг олдида уч йигит элчи бўлиб келди. Умар уларнинг биринчисига: Кимнинг ўғлисан деган эди, у: Мен Валид даврида амир бўлган кишининг ўғлиман деди. Шунда Умар: Ўзинг ва отанг менга яқинлашманглар. Чунки отанг мусулмонларни қамчи билан савалар эди, деди. Иккинчисидан: Сен кимнинг боласисан? деган эди, у: Кўфа волийсининг ўғлиман деди. Шунда Умар: Отанг ва

ўзинг мендан узоқроқ бўлларинг, деди. Учунчисига: сен кимнинг ўғлисан? деган эди, у: отам Уҳуд кунида кўзидан зарба еган Қатода ибн Нўъмондир. У Уҳуд кунида бир мушрик зарба бериб, кўзи ёноғига оқиб тушган. Шунда, Муҳаммад ﷺ уни қайтариб солган ва иккинчи кўзидан ҳам яхшироқ бўлиб қолган, деди. Сўнг йигит шундай байт айтди: Мен кўзи ёноғига оқиб тушган ва Мустафо ﷺ чиройли қилиб солиб қўйган кишининг ўғлиман. Шунда Умар ибн Абдулазиз йиғлади ва шундай байт ўқиди: Сув аралаштирилган икки қадах сутни садақа қилиш билан фахрланилмайди. Чунки у ичгандан кейин бавлга айланиб кетади. Умар айтдики: Ким фахрланишни истаса, сенингдек бўлсинлар. Чунки сенинг насабинг олий, ўзинг қаҳрамон ва тақволисан. Ифтихор сув аралаштириладиган, сўнг бавлга айланиб жасаддан чиқиб кетадиган бир қадах сутни садақа қилиш эмас.

Халифа Умар ибн Абдулазиз байтулмолдан бўлган бир динорни зое кетказган омилини муҳосаба қилар экан, Росулulloҳ ﷺнинг куйидаги ҳадисини эслатган эди:

«رَبُّ مَتَحَوِّضٍ فِي مَالِ اللَّهِ وَمَالِ رَسُولِ اللَّهِ فِيمَا شَاءَتْ نَفْسُهُ لَهُ النَّارُ عُدًّا»

**«Аллоҳнинг молини нафси хоҳлагандек ишлатадиган бир қанча кишилар борки, улар эртага дўзахга тушадилар».** Ваҳб ибн Мунаббих Яманда мусулмонлар молидан жавобгар шахс эди. У Умарга шундай мактуб ёзди: «Мен мусулмонлар молидан бир динорни йўқотиб қўйдим». Шунда Умар унга шундай жавоб ёзди: «Мен сени дининг ва омонатдорлигинг борасида айбламайман. Лекин сени бепарволик ва зое кетказишда айблайман. Мен мусулмонлар молидан жавобгарман, шунинг учун мен уларни ўз ўрнига қайтаришга масъулман. Сен ҳеч бўлмаганда қасам ичмоғинг лозим, вассалом. Сўнг Умар йўқотган молни ўрнига қайтаришини буюрди. Ваҳб эса, йўқотилган молни ўзининг ҳамёнидан қайтарди. Демак, Умар унинг бутун мусулмонлар олдида молни йўқотиб қўйганлиги учун Аллоҳ номи билан қасам ичишини хоҳлади.

Ато Хуросоний айтади: Умар ибн Абдулазиз ўз ғуломига у учун сув иситишини буюрган эди. Ғулом бориб, бир идишдаги сувни умумий ошхонада иситди. Шунда Умар бир дирҳамга ўтин сотиб олиб, уни ошхонага қўйишни буюрди.

Ваҳб ибн Вирд айтади: Умар ибн Абдулазиз мискин, камбағал ва мусофирларга таом бериш учун бир ҳовли қурдирди. Сўнг аҳлига: «Сизлар бу ҳовлидан бирор таом олиб еманглар, чунки у фақир ва мискинларники», деди. Умар бир куни уйига келса,

унинг чўриси сут қуйилган косани ушлаб турган экан. Умар: «Бу нима? деган эди, у: «Аёлинг кўриб турганингдек ҳомиладор ва сут ичишни истаяпти. Аёл киши ҳомиладор бўлса, кўнгли бир нарсаларни хоҳлайди. Агар ўша нарса берилмаса, ҳомиласи тушиб қолиш хавфи бор. Шунинг учун сутни ушбу ҳовлидан олдим. Шунда Умар унинг кўлидан ушлаб, аёли томон етаклаб кетди. Йўлда кетар экан, баланд овоз билан: «Унинг қорнидаги ҳомиласини мискин ва фақирларнинг таоми ушлаб қолса, Аллоҳ уни ушлаб қолмагани яхши» деди. Умар аёли ҳузурига кирган эди, аёли унга: Сизга нима бўлди, деди. Шунда Умар: «Сен қорнингдаги ҳомилани мискин ва фақирларнинг таоми ушлаб қолади деб гумон қилаётган бўлсанг, Аллоҳ уни ушлаб қолмагани яхши», деди. Шунда аёли чўрига уни қайтариб ўрнига қўй, Аллоҳга қасамки, мен ундан ичмайман деди. Чўри уни ўрнига олиб бориб қўйди.

#### **Давлат уловини халифанинг хос мақсади йўлида ишлатиш:**

Умар ибн Абдулазиз асални яхши кўрар эди. Бир кун аëлидан асал сўради, лекин уйда асал йўқ эди. Унга асал келтиришган эди, ундан еб мазза қилди. Кейин аëлидан асал қаердан келганини сўраган эди, аëли «хизматкорга икки дирҳам бериб, чопар (почтачи) хачир билан жўнатган эдим, асал сотиб олиб келди, дея жавоб берди. Шунда Умар: уни менга нега олиб келдинг – деди. Кейин аëли келтирган асал солинган мешни олиб, асални сотиб олинган нархидан юқори баҳога сотди ва аëли сарфлаган пулни унга бериб, қолганини байтул молга қўйди. Сўнг «сен Умарнинг ҳузур-ҳаловати учун мусулмонлар уловидан фойдаландингми?» – деди.

#### **Умар ибн Абдулазиз ҳожатманд кишиларга нисбатан ёрқин позицияда бўлган:**

Умар ибн Абдулазиз ҳожатманд кишиларга нисбатан нодир саховат ила муомала юритгани учун улар Умарнинг олдига воситачисиз ва алоҳида изнсиз тўғри киришган. Бунда Умарнинг раҳмдиллиги ва фазилати яққол кўриниб турган. Қуйида ушбу позициялардан айримларини ҳавола қиламиз:

#### **Мўминлар амири жанозага тайёрланиб турган пайт ҳожатманд киши ундан ҳожат талаб қилиши:**

Омир ибн Убайда айтади: Умар ибн Абдулазиз биринчи инкор қилган нарса шу бўлдики, у жаноза намозига чиққан эди, халифалар жанозага чиққанда ўтиришлари учун бир тўнни ёзишар эди. Ўша тўн олиб келиниб, ёзилди, у эса тўнни оёғи билан суриб, ерга ўтирди. Одамлар: бу нимаси? – деб сўрашди. Шунда бир

киши Умарнинг олдида туриб: «Эй мўминлар амири мени муҳтожлик қийнади ва йўқчилик тугатди. Аллоҳнинг ҳузурига борганинда менинг аҳволим ҳақида жавоб берасан», деди. Умарнинг қўлида ҳассаси бўлиб, унга суюниб турган эди ва у сўзингни қайтар деди. Ҳалиги одам: «Эй мўминлар амири мени муҳтожлик қийнади ва йўқчилик ўлдирди. Аллоҳнинг ҳузурига борганинда, менинг аҳволим ҳақида жавоб берасан», деди. Шунда Умар йиғлади, ҳатто кўз ёшлари ҳассага оқиб тушди. Умар: Оилангда неча киши бор? деган эди, у: Бешта, мен, аёлим ва учта болам бор, деди. Умар айтдики: Мен сен учун ва оиланг учун ўн динар бераман. Шунингдек, менинг молимдан етти юз, Аллоҳнинг молидан уч юз ажратамиз. Сенга ато (совға) чиқарилгунича, уни етказасан деди.

### **Қизларнинг отаси мўминлар амирини йиғлатиши:**

Мусо ибн Муғаййир айтади: Рабоҳ ибн Убайд Боҳилийни шундай деб айтаётганини эшитганман: Умар ибн Абдулазиз ҳузурда эдим, бир аъробий келиб: Эй мўминлар амири мени сизнинг олдингизга муҳтожлик етаклаб келди, мени қашшоқлик тугатди. Аллоҳ қиёмат кунда мен ҳақимда сиздан сўрайди деди. Умар: Ҳолингга вой бўлсин, яна бир қайтар деган эди, у яна қайтарди. Шунда Умар бошини эгди ва кўз ёшлари ерни хўл килди. Сўнг бошини кўтариб: Ҳолингга вой бўлсин, оилангда неча кишисан? – деб сўради. У: Мен ва саккиз қизим бор деди. Шунда Умар унга уч юз ва қизларига юздан буюрди. Унга юз дирҳам бериб: Бу юз дирҳам мусулмонларнинг эмас, менинг молимдан, уни олиб бориб, ато чикқунича уларга харажат кил деди.

### **Қора Фартуна ва паст девор**

Умар ибн Абдулазизнинг чопари йўлга чикса, одамлардан унга келган бирорта мактубни қайтармас ва бу унинг даврида урфга кирган эди. Бир кун чопар Мисрдан йўлга чикқан эди, Мисрлик «Зу Асбах» деган кишининг чўриси «Қора Фартуна» исмли аёл бир мактубни берди. Мактубда ўша аёлнинг паст девори бўлиб, ундан ўғрилар кириб, товукларини ўғирлаётгани ҳақида ёзилган эди. Умар ибн Абдулазиз шундай мактуб йўллади: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим, мўминлар амири Абдуллоҳдан Зу Асбахнинг чўриси Қора Фартунага. Мен сизнинг деворингиз пастлиги, ундан ўғрилар ошиб ўтиб, товукларингизни ўғирлаётгани ҳақидаги мактубингизни олдим. Шунинг учун Айюб ибн Шураҳбилга (Айюб Умарнинг Мисрдаги омили эди) сиз учун девор қуриб бериши ва Аллоҳнинг изни билан кўркмаслигингиз учун уни мустаҳкам қилишга буюриб мактуб йўлладим». Умар ибн Абдулазиз Айюб

ибн Шурахбилга шундай мактуб ёзди: «Мўминларнинг амири Абдуллоҳдан Ибн Шурахбилга: Аммо баъд: Зу Асбахнинг чўриси Фартуна менга девори пастлиги ва ундан ўғрилар ошиб ўтиб, товукларини ўғирлаётгани ҳамда унга девор куриб беришни сўраб ёзибди. Менинг мактубим етиб бориши билан уловингга миниб, бориб, деворни куриб бер». Мактуб Айюбга етиб бориши заҳотиёқ, уловига миниб Жийзага борди. У ерда Фартуна исмли аёлни топди, қараса у бечора аёл экан, унга мўминлар амири ёзган мактубнинг хабарини бериб, деворини тиклаб берди.

Бу одил халифа Умар ибн Абдулазизнинг ҳаётидан айрим лавҳалар, холос. Ҳар бир мусулмоннинг қалби бундай лавҳаларни эшитганда ваъда қилинган рошид Халифалик сари интилади. Эй мусулмонлар ажаб эмаски, сизлар ҳам динингизга ёрдам берсангиз ва Халифаликни тиклаш учун фаолият қилаётганлар билан бирга фаолият қилсангиз. Ажаб эмас, куч ва ҳимоя аҳли ушбу сўзларни ўқиб, уларда Ислом ҳамияти уйғонса ва Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифаликни тиклагуниimizча ушбу даъватга ёрдам берса.

Эй Аллоҳим мусулмонларнинг қалбларини бизнинг даъватимизга очгин. Куч ва ҳимоя аҳлининг қалбларини ушбу даъватга очгин. Токи, Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифаликни тиклагуниimizча улар даъватимизга ёрдам беришсин. Эй мавлойимиз албатта сен ҳар бир ишга қодирсан. □



## «БАНҚДАГИ ЯШИРИН МАЪЛУМОТЛАРНИ ОЧИШ» НАЙРАНГИ: ЛИВАН СИЁСАТЧИЛАРИНИНГ ПУЛЛАРИ ЧЕТ ЭЛ БАНКЛАРИДА САҚЛанаДИ

«Мудун» электрон газетасида ёзилишича, банкдаги маълумотларни ошкор қилиш гўё сеҳрли ечим сифатида кўрсатилмоқда. Шунингдек, бу йўл орқали Ливан сиёсатчиларининг ноқонуний йўл билан орттирган бойликлари масаласига ойдинлик киритилади, дейишмоқда. Лекин банк сирларини ошкор қилиш ноқонуний йўл билан орттирилган пулларнинг катта қисмини фoш қилмайди. Чунки бундай пуллар одатда Швейцария ва дунё бўйлаб офшор зоналардаги хусусий рақамларга қўйилади. Ўтган йилларда Ливан сиёсатчиларига қарашли пулларнинг улкан миқдорини кўрсатувчи маълумотлар ошкор этилган. Масалан «Swiss Luxe»нинг 2015 йилдаги маълумотларига кўра, Швейцариянинг HSBC банки филиалидаги юз минг ҳисоб рақамлари рўйхатга киритилган. Уларнинг эгалари солиқдан қочиш ва пул манбаларини яшириш учун Банкнинг яширин низомидан фойдаланишади.

Ливан ушбу рўйхатнинг 12 ўрнини эгаллаган. Мазкур рўйхатга Ливан майдонидаги Мур оиласи, собиқ вазирлар Муҳаммад Софдий ва Жорж Афро, вазир Салим Жарисотий каби таниқли шахсларнинг исмлари киритилган. Тажрибадан шу нарса аён бўлганки, йирик масъуллар ноқонуний йўллар билан топилган пулларнинг катта қисмини ўз номи остида сақламайди. Чунки бундай фаолиятлар бошқа шериклар томонидан эгалик қилинадиган ширкатлар номига қонунийлаштирилади. Операцион назорат эса, изоляция қилиб бўлмайдиган хос ваколат орқали амалга оширилади.

Бундай ҳолатда, сиёсатчилар бевосита эгалик қиладиган ҳисоб рақамларидаги махфий маълумотларни очиш учун бу пулларнинг борлигини фoш қилиш ва уларни кузатиш имконияти бўлмайди. Бу ерда ишлар амалий жиҳатдан жуда ҳам чигалдир. Чунки ноқонуний йўллардан фойдаланадиган кишилар манёвр қилиш ва бойликни яширишда катта имкониятларга эга. Хусусан Ливандан чиқиб кетган пулларнинг катта қисми иқтисодий инқироз даврида хориж банкларига қўйилган. Бунда улар мана шу йилларда Ливандаги молиявий низом дуч келган молиявий босимдан қўрқишган. Айни пайтда катта капитал эгалари пуллари банк тизимидан ва Ливандан ташқаридаги тижорий инвестицияларга айлантиришган. Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, тортиб олинган пуллари банкдаги яширин маълумотларни очиш орқали амалга ошириладиган экан, оддий бухгалтерия йўлини ишга солиш мумкин. Айниқса, мана шу амалиётни бошқараётган ҳукуматнинг машҳур сиёсий арбобларининг ўзлари ноқонуний бойлик орттириш билан шўғулланишади. Муҳосаба қилиш учун олиб бориладиган ҳар қандай ҳаракат сиёсий қарор чиқарадиганларга ўз ҳукмини ўткази олиши лозим. Токи, у муҳосаба механизмини амалга ошири олинсин ва ноқонуний йўл билан орттирилган бойликларни текшири олинсин.

**Ал-Ваъй:** Ливан президенти Мишел Аун ишора қиладиган ва собиқ бош вазир бу маълумотларни очишга тайёрман, деб айтаётган Ливан сиёсатчилари ҳисоб рақамларидаги яширин маълумотларни очиш амалиёти натижа бермайди. «Онангнинг ўйнаши қози бўлса, дардингни кимга айтасан» деганларидек, бу соҳада қонун ҳимоячиларининг ўзи жиноятчи бўлиб, улар ўз жиноятлари фoш бўлмаслиги учун олдиндан ҳозирлик кўриб қўйишган. Олий суд раисаси Ғода Аун сиёсий шахслар ҳақида тузган рўйхатда миллий партия вакилларидан бирортаси ҳам йўқ. Рўйхатда Нажиб Миқоти ва унинг Сурия халқи пулини ўғирлашда айбланган укаси бор. Бу эса, ишнинг бошидан оқ софликни йўқотганлигига далилдир. □

## СУРИЯ ШИМОЛИДА СОНИ 80 МИНГ АСКАРДАН ИБОРАТ МУХОЛАФАТДАГИ СУРИЯ ҚЎШИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Сурия шимолида Туркия етакчилиги остида сони 80 минг аскардан иборат ҳарбий қўшин ташкил этилди. Ушбу қўшин Сурия муваққат ҳукуматидаги мудофаа вазирлигига бўйсунди. Унга бош штаб қўмондони Салим Идрис раҳбарлик қилади. Қўшинни ташкил қилишдан мақсад гуруҳлар ҳолатидан миллий армия ҳолатига ўтишдир. Шунингдек, у ҳарбий тартибда фаолият юритадиган ҳарбий муассаса бўлади. Бу ҳақда Туркиянинг Шонли Урфа шаҳрида ўтказилган конференцияда эълон қилинди. Бундай қўшинни ташкил қилиш Туркия, Эрон ва Россия давлатлари эришган сиёсий келишувлар доирасида юз бермоқда. Америка Суриянинг янги режими фойдасига улар билан келишди. Ушбу қўшин режим армиясида жиноят борасида шўхрат қозонган шахслардан тозалангач, унга қўшиб юборилади.

Туркия миллий қўшиндан Фурот шарқидаги Халқ Мудофааси отрядлари (YPG) ёлланмаларига қарши жангда фойдаланган эди. Энди эса, халқаро хорижий ва минтақавий тарафлар келишиб олган тартибга бўйсунмайдиган гуруҳларга қарши жангда ундан фойдаланяпти. Улар ўйлашяптики, бу – Суриядаги вазиятга яқун ясайдиган ҳамда Туркия, Эрон ва Россия давлатлари унга риоя қиладиган Америка тартибини инкор этадиган барча тарафларни йўқ қиладиган охириги жанг бўлади. Зеро, улар Идлиб ва унинг атрофида бўладиган ҳал қилувчи жангга тайёргарлик кўришмоқда. Лекин бу уруш тинч фуқароларни Туркия куч билан пайдо қиладиган хавфсиз минтақага кўчириш ёки Идлибдагиларни жангарилар ҳукмронлиги остидан чиқариш ва халқаро йўл очилганидан кейин жангариларни бирор жойга йиғиш ишлари амалга оширилганидан кейин бўлади. Ушбу жангарилар билан террорга қарши уруш номи остидан жанг қилинади ва уларга ҳаддан ташқари куч билан зарба берилади. Уларга қарши халқаро жиҳатдан ман қилинган қуроллар ишга солинади ва ҳеч қандай халқаро жавобгарлик ҳисобга олинмайди. Бу ишларнинг барчаси қўзғолонни тўхтатиш учун амалга оширилади.

Жанг тугагач, музокаралар олиб бориш учун Женевага борилади. У ерда Америка рози бўлган хориждаги сиёсий муҳолафатдан бошқаси ўтирмайди. Улар ҳозир пули олдиндан тўланган беш юлдузли меҳмонхоналарда Америка уларга буюрадиган буйруқни кутиб дам олишяпти. Улар жиноятчи Башар режими ушбу музокаралар учун танлаган, қўли қонга ботмаган ҳамда зоҳиран кўзичоқ, лекин аслида бўри бўлган шахслар билан бирга ҳукуматда жой эгаллашни кутишмоқда... Улар бандлари олдиндан тайёрлаб қўйилган янги конституция қарорларини бажариш, кейинги босқичларда қилинадиган ишлар борасида келишиш, сайлов механизмини белгилаш, қонунчилик палатасини саралаш, президент ва ҳукуматни сайлаш учун тайёргарлик кўришмоқда... Улар бу ишларнинг барчасини янги конституция қарорларига кўра амалга оширишга тайёрдирлар.

Бу – Америка Суриядаги вазиятни қўлга олиш учун тайёрлаган тахминий йўл харитасидир. Америка қадамма-қадам шу ҳарита бўйича кетмоқда. Туркиянинг (YPG)га ҳужум қилиши ва хавфсиз зона ташкил қилиши ҳам мана шу хаританинг бир қисмидир... Ҳа, мана шу Американинг Суриядаги харитасидир.

**Ал-Ваъй:** Америка ва у билан бирга бўлган давлатлар энг жирканч жиноятлар орқали қўзғолонга яқун ясашга ҳаракат қилишмоқда. Лекин улар қўзғолонга яқун ясай олмайдилар. Чунки Сурия халқи муслмон халқдир. Улар таслим бўлмайди ва душманларига бўйсунмайди. Биз юқорида айтиб ўтган Америка режаларига келсак, улар бугунги малай жиноятчи ҳокимлардан ёрдам сўрамайдиган етакчилар топилиши билан остин-устин бўлиб кетади. Бундай етакчилар душманларига улкан моддий ва инсоний зарар берадиган ҳақиқий ҳарбий жанг олиб борадилар. Уларнинг сиёсий лойиҳаси Халифаликни тиклаш орқали Аллоҳнинг ҳукмини тиклаш бўлади. Токи, янги бошқарув ушбу Уматнинг азизлигини қайтарсин ва Аллоҳнинг розилигини рўёбга чиқарсин... Мана шу Ислоннинг Ислоний Уматга бўлган йўл харитасидир. □